

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

“ИНСОН ФАЛСАФАСИ”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 247 - сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

ф.ф.н., доц. Д.М.Бозаров

Такризчилар:

ф.ф.н., доцент М.Шарипов
ф.ф.н., доцент Х.Тўхтаев

Ўқув -услубий мажмуа ЎзМУ кенгашининг 2018 йил 30 августдаги 1 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	14
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	74
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	77
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	83
VII. ГЛОССАРИЙ.....	85
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	90

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Фалсафа инсонга ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини баҳолашга ёрдам беради. Сўзнинг прагматик маъносида тушунтирадиган бўлсак, агар инсон шахс бўлишни истаса, ўзининг эҳтирос ва интилишларини бошқаришни хоҳласа, рационал, самарали ва оптимал қарорлар қабул қилиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилишни истаса, у фалсафага мурожаат қилиши мумкин. Бундай имконият инсон ҳаётининг ҳозирги ҳаётий реалликларни ҳисобга олган ҳолда тарқоқлигини, ажралганлигини бартараф қилишга доир конструктив йўлларни қидириш заруратидан келиб чиқади. Бундай изланишлар бир пайтдагина бўладиган мушоҳадалар маҳсули бўлмайди, улар одамларнинг интеллектуал фаолияти асосида пишиб етилади. “Инсон фалсафаси” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Инсон фалсафаси фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш жараёнида тингловчилар ривожланган Шарқ ва Ғарб давлатларининг инсон фалсафаси фанини ўқитиш жараёнининг ташкил этилиши, модуль-кредит тизими, фанларнинг тақсимланиши, талабаларнинг мустақил таълимнинг ташкил қилиниши, етакчи хорижий олигоҳларида чоп этилган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Жаҳон университетларида ва республикамиздаги фалсафа фанининг ютуқлари билан танишишади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Инсон фалсафаси” модулини ўқитишдан мақсад:

олий ўқув юртларидаги инсон фалсафаси фани бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали фалсафа мутахассислиги йўналишидаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, фаннини ўқитиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашишлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, бу соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

Модулнинг вазифалари

ТИНГЛОВЧИ:

фалсафада инсон муаммоси билан муқобил назарий билимларни қиёсий таҳлил қилиш, ҳаётда амалий жиҳатдан қўллаш, назарий ва амалиётни уйғунлаштириш малакаларини шакллантиришни;

инсон ҳаётининг ижтимоий ва маданий-тарихий шароитларга, фалсафанинг фан, санъат, сиёсат, ҳуқуқ ва билимнинг бошқа жамият ҳаётидаги ва алоҳида инсонлар ҳаётидаги ўрни ҳақидаги масаланинг ечилишига боғлиқ бўлган файласуфларнинг аргументларини;

фалсафада инсонни англаш тизимининг ривожланиш тенденциялари, истиқболли илмий-тадқиқот йўналишлари, фалсафада инсон муаммоси соҳасида республикамиз ва хорижий мамлакатлар эришган ютуқларини;

фалсафада инсонни англашнинг замонавий илмий муаммоларига оид тадқиқотларнинг долзарблиги, илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини;

“инсон фалсафаси” ҳақида тушунча ва у билан шуғулланувчи фан ёки фанлар тизимини;

инсон фалсафаси соҳасида замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш мезонларини билиши керак.

ТИНГЛОВЧИ:

ўзининг энг олий мақсадига эришиш йулида мақсадли фаолият олиб бориш;

фалсафада инсоннинг яралиши, моҳияти, унинг жамиятда тутган ўрни муаммосини чуқур англаш, инсон тўғрисидаги концепцияларга ижодий танқидий баҳо бериш;

машғулотларни олиб боришда кузатиладиган ижобий ҳолатларни тақдирлаш ва салбий иллатларни бартараф этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим;

ТИНГЛОВЧИ:

ҳозирги замон инсон фалсафаси фанининг таркиби ва тизимидаги ўзгаришларни амалда қўллаш;

инсон фалсафасининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқалари ва ички дифференциациясини ажрата олиш;

инсон фалсафасининг фалсафа, мантиқ, этика ва эстетика, фуқаролик жамияти, миллий ғоя ва бошқа фанларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш малакаларига эга бўлиши зарур.

ТИНГЛОВЧИ:

Инсон ва сиёсат, индивиднинг сиёсий ижтимоийлашуви муаммосини англашда фалсафий тушунчаларни амалиётда қўллаш;

инсон ва табиат ўзаро муносабатларининг моҳияти, унинг бир бутун жараён эканлигини талабаларга етказиш ва ижтимоий оқибатларининг прогнозини амалга ошириш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Инсон фалсафаси” фанининг ривожланиш стратегияси ва илмий-назарий тараққиёти янги модул бўлганлиги туфайли дарс давомида

модулни мазмунан бойитиш тингловчилар ўз тажрибалардан ва интернет тармоқларидан олган материалларни оммавийлаштирмоғи мақсадга мувофиқ.

Курсни ўқитиш жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маъмулотлар билан таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун инсон фалсафасини ўқитишида ўзини ва илғор хорижий тажрибаларни солиштириш учун имкониятлар яратилади. Республикамизнинг олийгоҳларида қўлланилиши мумкин бўлган усул, воситалар ва технологияларни танлаб олиш учун тингловчилардан амалий фаоллик табал этилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Инсон фалсафаси” модули мазмуни ўқув режадаги илғор таълим технологиялари ва педагогик йўналишидаги (Каспий компетентлик ва креативлик, Замонавий педагогик технологиялар ва бошқ.), ахборот коммуникацион технологияларини ёритиб турувчи барча модуллари билан ҳамда фалсафа фани йўналиши ўқув модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртларда фалсафий фанларни ўқитиш самараси, ва республикамизда бу фанининг ривожланиши, уни ўқитишга оид замонавий билим ва кўникмалар ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилганда ошади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда “Инсон фалсафаси” ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда фалсафа фани соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларида фалсафа фанининг мазмунини бойитишга хизмат қилади.

“Инсон фалсафаси” модул бўйича соатлар тақсимоти

	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				
			Жами	жумладан			
				Назари	Амалий	қўчма	
1.	Фалсафада инсон муаммоси	4	4	2	2		
2.	Инсоннинг яралиши назарияси	4	4	2	2		
3.	Фалсафа тарихида инсон муаммоси	6	6	2	4		

4.	Ҳозирги замон фанлар тизимида инсон муаммоси	8	6	2	4		2
5	Мустақил Ўзбекистонда инсон эрки ва ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминланиши	8	6	2	4		2
	Жами: 30 соат	30	26	10	16		4

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

«Фалсафада инсон муаммоси» фанининг мазмуни

Олам ва инсон тўғрисидаги фалсафий мулоҳазалар. Фалсафада инсоннинг яралиши, моҳияти, унинг жамиятда тутган ўрни муаммосининг ёритилиши. Фалсафий таълимотлар марказида инсон муаммосининг алоҳида тарзда кўйилиши. Инсон борлиқдаги энг мукамал мавжудот бўлиб, оламни моҳиятини ўрганишда унинг яралиши, моҳияти, жамиятда тутган ўрни фалсафий муаммолар тизимида муҳим ўрин тутди.

Инсоннинг яралиши назарияси

Инсон ҳақидаги тушунчанинг тараққиёт характеристикаси. Инсон фалсафий антропология муаммоси эканлиги. Инсоннинг яралиши ҳақидаги жумбоқ, унинг ҳар хиллиги. Мифологик дунёқарашда-инсоннинг яралиши ҳақидаги тасаввурлар. Диний таълимотлардаги ҳар хил қарашлар (буддизм, конфуцийчилик, иудаизм, христианлик, исломда ва бошқалар). Инсоннинг рационаллиги унинг дунёси билан боғланган жиҳатлари.

Фалсафа тарихида инсон муаммоси

Қадимги хинд, ҳитой ва илк юнон фалсафасида инсоннинг табиати ҳақидаги сюжетлар рационал жиҳатлари. Қадимги Шарқ фалсафасида-инсоннинг яралиши муаммоси. "Энум Эмиш Вавилон" поэмаси. Ҳитой фалсафасидаги "Уань-Гу" таълимоти, конфуцийлик ва даосизм инсон ҳақида. қадимги Ҳиндистон фалсафаси инсон ҳақида. Антик фалсафада инсон муаммоси. Инсоннинг ҳаёт дунёси-фалсафий билишнинг асоси сифатида. Инсон ва борлиқ. Инсон ҳаётининг эволюцияси. «Биз қаерданмиз? Биз киммиз? Биз қаёққа кетаяпмиз?». Инсонга фалсафий – антропологик қараш унинг тили ва онгининг илк шаклланишини равшанлаштириш, унинг ҳаёт фаолияти, билиш ва мулоқотининг инструментал хусусиятлари. М.Хайдеггер, инсон борлигининг чегаравий асоси. Шахс – инсоннинг ижтимоий сифати.

Ҳозирги замон фанлар тизимида инсон муаммоси

Инсонлар ижтимоий ва индивидуал ахборотлашувининг интенсифлиги.

Инсон муаммоси-биология ва тиббиёт фанларида: ген, генинжнерия, ВИЧ-инфекцияси, беморнинг ўлимга ҳуқуқи (эвтаназия) в ҳ.к. Инсонни биологик мавжудот сифатида физиологик хусусиятларини ўзгариши тўғрисида. Демография муаммолари: туғилиш, аҳолининг қариши, инсон боласининг жинсини аниқлаш ва режалаштириш ва бошқалар.

Мустақил Ўзбекистонда инсон эрки ва ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминланиши

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий, маданий сиёсатида инсон муаммоси. Мустақиллик йилларида шу соҳаларда эришилган ютуқлар. Инсон эрки ва ҳуқуқлари. Инсон ҳуқуқларининг Умумжаҳон декларацияси. Инсон ва демократия.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**0,8 балл**.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

Расмий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Тошкент.: Ўзбекистон, 2015. 76 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451-сон «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори. / Халқ сўзи. 2006 йил 27 август
3. Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони / Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари.

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. 7-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз – Т.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т. Ўзбекистон, 2011. – 56 б.
5. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. - 48 б.

Асосий адабиётлар

1. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 60 б.
2. Абу Наср Форобий. Талхису навомисуи Афлотун / Фозил одамлар шахри. –Тошкент, А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. - 226 б.
3. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2016. - 732 б.
4. Арасту. Ахлоқи кабир. М.Маҳмуд таржимаси. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 317 б.
5. Бердяев Н.А. О назначении человека. – Москва: АСТ, ХРАНИТЕЛЬ, 2007. - 668 с.
6. Беляев В.А. Проективная антропология. Изд.стереотип. Издательство ЛКИ 2016. 288с.
7. Губогло М.Н. Антропология доверия. Этносоциологические и этнополитические очерки Пер. с англ. А. Дунаев Москва Издательский дом ЯСК 2016. 544с.
8. Гуревич П.С., Спирова Э.М. Размежевания и тенденции современной философской антропологии. М. Институт философии РАН 2015. 168 с.
9. Кант И. Антропология с прагматической точки зрения. Пер. с нем. Серия:Из наследия мировой философской мысли: история философии Изд.4 ЛЕНАНД 2017. 200с.

- 10.Корольков А. А., Преображенская К. В., Романенко И. Б. Педагогическая антропология в зеркале философии. Алетея 2017. 176с.
- 11.Моторина Л.Е. Философская антропология. Gaudeamus. М. Академический проект. 2009. 272с.
- 12.Рикер П. Философская антропология. Рукописи и выступления Издательство гуманитарной литературы 2017. 312с.
- 13.Степин В.С. Философская антропология и философия культуры: Избранное. (Философские технологии: Избранные философские труды) М Академический Проект, Альма Матер 2015. 542 с
- 14.Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. –Тошкент, Университет, 1998.
- 15.Туленова Г. Маънавий етукликдан ижтимоий фаоллик сари. – Тошкент: Aloqachi, 2008. – 179 б.
- 16.Чориев А. Инсон фалсафаси. 1-китоб. -Т.: Маънавият, 1998.-152 б.
- 17.Холбеков А. Ижтимоий адолат ва демократик барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Янги аср авлоди, 2004.-120 б.
- 18.Хўжамуродав И. Ислом ва миллий ўзлиқни англаш. -Т.: Билим, 1992.-287 б.

Қўшимча адабиётлар

1. Алишер Навоий Махбуб ул-қулуб.-Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.-262 б.
2. Алишер Навоий. Хайратул аброр.- Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.-352 б.
3. Бахронов Ж. Шахс миллий ўзлигини англаши қонунлари.- Самарқанд, 1995.-88 б.
4. Бехбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар.-Т.: Маънавият, 1999.-387 б.
5. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети.-Т.: Янги аср авлоди, 2004.- 36 б.
6. Фалсафа асослари. Назаров Қ. таҳрири астида.-Т.: Шарқ, 2005.-249 б.
7. Фалсафа қомусий луғат. Назаров Қ. таҳрири астида.-Т.: Шарқ, 2004.-496 б.
8. Фитрат Абдурауф. Раҳбари нажот.-Т.: Шарқ, 2001-176 б.
9. Форобий Абу Наср Рисолалар. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.-443 б.
- 10.Форобий Абу Наср Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Навруз, 1993.-260 б.
- 11.Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократия.-Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти. 2007. – 128 б.
- 12.Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари.- Т.: Шарқ, 1996.-144 б.

Электрон манбалар:

1. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
2. [www. edu. Uz](http://www.edu.Uz)
3. Infocom.uz электрон журналы: www.infocom.uz
4. [www. nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
5. www.bimm.uz
6. <http://www.mgimo.ru/fileserver>
7. <http://www.pacademy.edu.b>
8. <http://www.rags.ru/kaf/fi...>
9. <http://www.ssu.runnet.ru/>

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Шарқ цивилизацияси тарихи ва маданияти” фанини ўқитишда замонавий педагогик технологияларнинг фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда деярли барчаси тадбиқ этилиши мумкин. Хусусан, маъруза ва семинарлар “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Меню”, “Б/Б/Б”, “Мунозара”, “Резюме” сингари методлар, слайдлар, мультимедиа намойшлари билан ўтказилади. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тулаконли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштириладиганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ уқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

Шахсга йуналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлаконли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштириладиганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ уқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бугинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёнли сифатларини акллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилишорқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Ўқишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид,

визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойихалаш усуллари, амалий ишлар.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

Ўқитиш воситалари: ўқишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, оралик ва жорий ва яқунловчи назорат натижаларини тахдили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёки ёзма иш вариантлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ: ФАЛСАФАДА ИНСОН МУАММОСИ

РЕЖА:

1. Олам ва инсон тўғрисидаги фалсафий мулоҳазалар
2. Фалсафада инсоннинг яралиши, моҳияти, унинг жамиятда тутган ўрни муаммосининг ёритилиши
3. Фалсафий таълимотлар марказида инсон муаммосининг алоҳида тарзда қўйилиши

Таянч иборалар: Олам, инсон, жамият, борлиқ, билиш, мулоқот, жисм гуноҳ, ёмонлик.

«Биз қаерданми? Биз киммиз? Биз қаёққа кетаяпмиз?» - бу Поля Гоненнинг машҳур картинасининг номи. Бу рассом ҳаётининг энг фожиали йилларида яратилган ана шу энг улкан полотносининг номи рассомнинг маънавий васияти бўлиб қолди. Картинанинг антропологик сюжети – Гогеннинг дунёнинг абадий айланиб туришида инсониятнинг тақдири, унинг боши, туғилиш сирлари, ўз – ўзини онглаши ва ўлими тўғрисидаги ижодий мулоҳазаларининг ҳосилидир. Одамлар ҳаммавақт ўз ҳаётлари тўғрисида ўйлаганларида, ўзининг қеардан келиб чиққанларини аниқлаш устида бош котирганларида, ўзларини бошқа одамлардан ва бошқа жонзотлардан фарк қилишга ҳаракат қилганларида шу оддий саволларга жавоб беришга тўғри келади. Одамлар бу саволларга жавоб бериш учун турли тиллардан фойдаланадилар. Баъзилар учун ривоятлар ва динлар тилининг ўзи етарли, бошқалар учун санъатлар тиллари, учинчилари – фанлар ва фалсафа тилидан фойдаланишни ҳохлайдилар, тўртинчилари эса кундалик ҳаёт тили билан чекланадилар. Ўзининг табиати тўғрисида мулоҳаза қилар экан, инсон ўзи учун тушуннарли, унинг фикрича бу масалани кенг ва чуқур аниқлаб берадиган тилни танлайди. Бу масалаларни ўрганишга табиий фанлар, гуманитар, ижтимоий, техник фанлар тилларида қатъий ёндашувлар илгари сурилади. Инсонни ўзининг ўрганиш предмети бўлишига биология, физиология, археология, социология, психология, лингвистика, тиббиёт, педагогика ва бошқа фанлар даъво қиладилар. Бироқ, табиат масалаларига санъат, илоҳиёт, сунъий интеллект назарияси, иқтисод, сиёсат ва инсонлар ҳаётини бошқача гавдалантирадиган қолган соҳаларнинг қизиқишини ҳам

кам деб бўлмайди. Улар билан таққослаганда фалсафа инсон муаммосини унинг борлиги, ҳаёти, тарихи, маданияти, жамият, шахсининг энг кенг маънолари асосида ўрганишга интилади.

Борлиқ, билиш ва мулоқотнинг кўплаб сирлари инсонда илдиз отгандир. Инсон доимо ўзининг табиат дунёсига, бошқа одамлар дунёсига, ўз тарихи ва маданиятига муносабатини, ўзининг ўзига муносабатини билишга интилади, ўз ҳаётининг идеаллари, қадриятлари ва нормаларини аниқлаб олишни истади. Ҳар бир тарихий даврда маданият инсон табиати ҳақидаги масалани ўзича қўйган ва ўзича ҳал қилган. Инсон – бу шундай жонли мавжудотки, унда (бошқа жонли мавжудотларга қараганда) борлиқнинг онтологик даражаси бошқача намоён бўлади. Аввалги бобда курсатганимиздек, инсон ҳаётининг табиий, табиатли хоссалари эволюцион – генетик тарихнинг ўзоқ давомли жараёнида шаклланди. Ҳолбуки, инсоннинг маданий – тарихий, ижтимоий ва индивидуал – шахсий сифатлари ўз ҳаётининг цивилизацион уклади давридагина шакллана бошлади. Фақат цивилизация инсон борлигининг маъноси ва мақсадларини излашга мумкинлик берди. Тарихнинг ҳар қандай даврида, ҳар қандай маданиятда ва жамиятда, эртами – кечми инсон ўзининг мавжудлиги ва вазифасини бевосита ёки билвосита аниқлашга ҳаракат қилади. «Ё ҳаёт, ё ўлим», - («быть или не быть») – мана инсон мавжудлигининг чегараларини белгиловчи чегараси. Инсон ўз борлигининг чегараларини билгиси ва унда чеккаларга ҳам назар солгиси келади. У ўзининг борлигини борлиқ бўлмаслик нуқтаи – назаридан қараши мумкин. Ҳар биримиз ҳам ўз борлиғимиз шароитлари ва ўз ҳаётининг истиқболимизни ўйлаймиз. Инсоннинг ҳар кунги интилишлари, безовталиги кўп даражада унинг кечаги ёки бугунги куни билан эмас, эртанги куни билан боғланган.

Ҳар ҳолда инсонларнинг ҳаётининг тажрибаларини фақат ўзларининг борлиқларини аниқлаб олишга ёрдам берадиган манба ва усул бўлибгина қолмасдан, фалсафа тараққиётнинг бизнинг кунларимизгача инсон ҳақидаги таълимотининг асосий муаммоларидан бири бўлиб келади. Инсон ҳақидаги энг қадимги юнон фалсафий таълимотларининг манбаи бўлиб, инсоннинг коинот архетипи эканлиги ҳақидаги мифологик ғояси хизмат қилган эди. Унинг маъноси макрокосмос (катта дунё) ва микрокосмос (кичик дунё)нинг паралеллиги ҳақидаги, яъни Коинот (Космос) ва инсоннинг паралеллиги ҳақидаги космологик мифдан келтириб чиқарилган эди. Бу ривоятга кўра, инсоннинг коинотий архетипи жисмидан Ернинг пайдо бўлиши келиб чиқар эди. Унинг суякларидан – тошлар, қонидан – дарёлар, сочларидан – дарахтлар, нафас олишидан – шамол пайдо бўлади ва ш.ў.

Қадимги хинд, ҳитой ва илк юнон фалсафасида инсоннинг табиати ҳақидаги сюжетлар рационал жиҳатлар ола бошлади. Инсон Коинотнинг жон хоссаларига эга бўлган симболи деб қарала бошлади. Демокрит инсонни макрокосмоснинг унинг жон хоссаларини ўзида камроқ мукаммаликда акс эттирган аналогии микрокосмос деб фараз қилган эди. Макро ва микрокосмос орасидаги антик аналогия турлича аргументация қилинар эди. Агар одам макрокосмосга ўхшатилса, у ҳолда инсон ҳақидаги тушунча натуралистик,

табiiй белгиларга эга бўлар эди. (Демокрит варианты). Агар мулоҳазалар микрокосмосдан макрокосмосга йўналтирилса, у ҳолда космик жон ёки руҳ борлиги худди инсондаги қобилият сингари тушунтирилар эди. (Масалан, Анаксагор ёки Платон) шундай ўйлар эдилар.

Протагор «инсон ҳамма нарса учун меъёрдир» деб тасдиқлар экан, инсонларнинг биргаликдаги яшашларига космик қонунлар эмас, инсон табиати қонунлари асос қилиб олинади, деб уқтирган эди. Бунда оламни билиш ўз – ўзини билишга айланар эди. «Ўз – ўзингни бил!» деганда шу нарса кўзда тутилган эди. Кейинги юнон фалсафаси (масалан, Платин ёки Порфирий) космос тўғрисидаги тасаввурнинг жон (руҳ) тушунчаси билан, руҳни эса ақл тушунчаси билан қориштириб юборди. Шуни айтиб ўтиш керакки, инсоннинг Коинотнинг аналоги бўлган микрокосмос эканлиги ҳақидаги гипотеза вақти – вақти билан ўрта аср фалсафасида (диний – фалсафий, ёки шунингдек, мистик таълимотларда) ва Янги давр фалсафасида (масалан, Лейбницнинг «монода космик универсумнинг инъикосидир», - деган монадологиясида) учраб турди.

Инсон ҳақидаги таълимотда бошидан охиригача мавжуд бўлган мавзулардан бири руҳ ва жисм (жон ва тана)нинг муносабати масаласидир. Инсон руҳи ва жисми турли асосларининг комбинацияси инсон табиатини белгилайди. Пифогорга хос анъана руҳни демоник асосга эга, у ўлмади ва жониворлар ҳамда ўсимликлар таналари бўйлаб сайр этиб юради, деб тасдиқлайди. Жисм руҳнинг гўркови ҳисобланади. Бироқ, пифагорчи Филолайнинг қилган фаразига кўра, инсоннинг тақводорлик ҳаётининг мақсади ифлосликлардан тозалаш» катарсис бўлгани учун одамларда ўз айбларини ювиб, ўз руҳларини космик асл ватанига қайтариш имкони бор. Гераклит ва Анаксименда руҳнинг аҳамияти худди ҳаёт, ҳаво, нафас олиш аҳамиятини касб этиб, дунёвий руҳ тушунчаси билан мос келади. Платоннинг фикрига кўра, руҳнинг ўлмаслиги ва бошиданок жисмий эмаслиги (танасининг йўқлиги) уни ҳис – туйғудан юқори бўлган оламга, ғоялар оламига яқинлаштиради ва бу билан, уларни эшлаш, хотирлаш орқали билиш имконини яратади. Платон руҳни, пастдаги жисмга асира бўлган руҳни юксалтиради, унга нисбатан баландларга кўтаради. Руҳ (жон) фақат инсон ўлганидагина жисм зиндонидан қутилади ва унинг чегараларидан ташқарига чиқади. Ўлим танани (жисмни) табиатнинг бир бўлагига айлантиргани сингари, руҳ ҳам идеал дунёга аралашиб кетади, турли айланишларни, метаморфозаларни бошидан кечиради ва олам бўйлаб чексиз саёҳатларга киришиб кетади. Аристотель жонни (руҳни) космологик шарқлашлардан воз кечди ва унинг уч қобилиятини санаб ўтди: озиқланиш, сезги – туйғули ва ақлий қобилиятлари. Озиқланиш қобилияти фақат ўсимликларга, озиқланиш ва ҳис – туйғу қобилияти – жониворларга, ҳар учала ҳосияти – инсонларга хосдир. Бундан ташқари, Аристотель жисм ва руҳнинг ўзаро таъсирига эътибор берди. Улар ўзаро шакл ва материя, акт ва потенция нисбатида бўладилар, шу билан бирга инсоннинг фақат интеллектуал (ақлий) руҳигина ўлмаслик, абадийликка эга бўлади.

Антик даврлардан бошлаб инсоннинг Ғарб моделида унинг танаси ва

руҳининг дихотомик бўлинишига асосланган бўлса, унинг Шарқ модели руҳий ва жисмоний асослари орасида гармоник муносабатлар бўлишлигига асосланади. Христианлик ғояларининг бутун ўрта аср маданияти ва фалсафасида хал қилувчи роль ўйнагани маълум. Христиан динининг Ғарб ҳамкорлиги ҳаётига таъсири ҳозиргача ҳам сезиларли акс этади. Ўрта аср христиан антропологиясига келсак, у инсонни илоҳий ва табиийлик, табиатан дунёси орасидаги зиддиятларнинг кесишиш жойига тақаб қўйди. Августин инсон ҳаётини тарихий ўлчамларга олиб келди, у тарихнинг илгариланма ҳаракатининг чизиқли динамикасини ишлаб, уни ўтмишдан ҳозир орқали келажак вақтга йўнлантирди. Христиан ақидасига кўра, инсон жисми нарса сингари «ясалган», унинг руҳи эса худо шамоли таъсири туфайли шаклланган. Шунинг учун руҳ Худо билан диалог қила олади. Ўзини худо томонидан унинг образига мос, ўхшатиб яратилгани билганидан сўнг у худонинг насихатларига амал қилиш ҳам, уларга кулоқ солмай, ўзининг худога ўхшаш жиҳатларини йўқотиш ҳам мумкин. Инсоннинг аввал қилган гуноҳларига иқрорлик ҳисси уларни ювишга интилиш билан қўшилиб кетади. Христиан антропологияси жисм ва руҳ орасидаги антик қарама – қаршилиқни модификация қилди: асл ажралиш улар орасида эмас, балки «руҳга ва танага эга бўлган одамлар» орасида экан. Бу фаразга кўра, инсон жисми руҳ хоссаларига йўғрилган ва руҳланган жисмга айланиш анъанасига эгадир. Ўзининг танасига оид ҳохишларини бартараф эта бориб, инсон ўз танасининг (жисмининг) руҳланишига эришади (антик қарашдаги руҳнинг танада тутқинлигидан қутқарилишидан факрли ўларок). Тўғри, худонинг инсонга муҳаббати билан инсон кечадиган жабру – жафоларини қандай келиштириш мумкин деган масала очиқ қолади. Ахир инсонни севгувчи Оллоҳ ўзи бандасини жабру – жафоларга дучор қиладими? Христиан ақидаси бунга инсон кейинчалик ўз руҳини қутқариш учун бир кун дунёга келади, деб ўргатади. Ўзининг тортган жабру – жафолари орқали инсон ўз руҳини борлиқда ҳозир ўзи яшаётган дунёдан батамом фарқ қилувчи янги, асл дунёга тайёрлайди. Унинг кундалик ҳаёти – ўзининг жисмоний ҳузур – ҳаловати учун узлуксиз жафо чекишдир. Руҳни қутқариш йўли Оллоҳ томонидан енгиллатиб бериладиган жафолар орқали ўтади. Руҳни қутқариш йўли жафолар орқали ўтади, бу жафоларни Оллоҳ енгиллатишга интилади.

Христианлик насихатларига кўра, инсоннинг руҳи бошқа одам руҳига «кўрингандагина», яъни бошқа одам руҳига ёришиб, диалогга киришгандагина уни севгандагина, у билан дардлашгандагина унга симпатия ёки антипатия муносабатидагина инсон ҳаётининг муҳим актига айланади. Дуҳ ролига бундай қараш инсонда эзгуликнинг уйғонишига сабаб бўлди.

Уйғониш даврида инсонга ва шу билан жисм ва руҳ масаласига янгича ёндошув шакллана бошлади. Фалсафа христианлик догматикасидан воз кечсади ва инсонни ўзининг предметли манфаатлари марказига қўяди. Уйғониш даври мутафаккирлари инсоннинг ўзи ўз борлигининг эркин ўзлаштиришга қодир, деб фараз қилади. Инсон танаси гуноҳкорлигини бартараф этиш Уйғониш маданиятида амалга оширилди. Руҳ ва жисмни дастлаб рассомлар ва шоирлар тенг ҳуқуқлилиқ даражасига олиб чиқдилар.

Уларда рух метафорик жисмийликка эришди, жисм эса тасвирий рухланиш касб этди. Улар инсоннинг руҳи ва жисмида инсон шахснинг индивидуаллиги, уникаллиги, такрорланмаслиги, алмаштирилиб бўлмаслиги сингари жиҳатларини кўрдилар. Сўнгра рух ва жисм файласуфларнинг столига «кўчди». Бироқ Янги давр классик фалсафаси христиан ақидачилигидан узоқлашаолмай, татқиқотларда рух ва жисм орасидаги масофани сақлашда давом этдилар. Жисмнинг ролини аргументлар асосида муҳокама қилиш ўрнига у тўғрисида гапирмай қўя қолдилар. Тўғри, Б.Спиноза масалан, Библия ақидаларига қарши чиққанларнинг бири бўлди. Унинг жисмга ахлоқий тус бериши бу ақидага зид эди. Барча одамларда руҳи ва жисмини мувофиқлаштириш учун, Спинозага кўра, ягона «рух жисм»га тўплаш керак. Р.Декарт фалсафасида рух жисмнинг муносабатини ҳал қилишдаги дуализм узоқ муддат антропологик муаммоларни муҳокамасини белгилаб турди. Декарт икки субстанционал асос – фикрловчи рух ва фазодаги жисм (тана) нинг паритетини тасдиқлади. Ундан фарқли равишда француз маърифатчилари орасидан чиққан «жанговор» атеистлар (П.Голбах, Ф.Вольтер, Ж. Ламетри ва б.) туҳнинг жисмга бўлган аҳамиятини пасайтириб, уни рухнинг ишини машинанинг ишига ўхшатиб талқин қилдилар. Бироқ, руҳни механистик вульгарлаштириш ва жисмни машинага тенглаш кўпларнинг ҳушига ёқмади. Жисм, илгариги ҳатто сенсуализм ва рационализмнинг интенсив танқидий зиддиятли бўлган даврда ҳам фалсафий тафаккурнинг чекка масаласи бўлиб қолаверди. Тана, жисм ҳақида гуноҳга таалуқли бўлган салбий атамалар билан гапирар эдилар, ҳолбуки, бегуноҳ рух инсоний қадриятлар орасида юқори ўрни эгаллар эди. масалан, рух ва жисм муносабати тўғрисида гапирганида Г.Лейбниц, гарчи жисм гуноҳ ва ёмонликнинг мажмуи бўлса – да, у ҳам ҳақиқатни билиш учун ишлайди ва рух сирларининг очилишига ёрдам беради, деб гапирган эди. И.Кант ўзининг «Соф ақлни танқид» асарида жисмнинг ресурслари ва қобилиятсиз рухнинг маҳсулдор ишлаши мумкин эмаслигини кўрсатади. Тана тузилиши фазо ва вақт шакллари атамаларида идрок қилиш ёки хис қилишининг априор қобилиятларининг асоси бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқарида, танада тасаввурнинг трансцендентал қобилияти илдиз отган деб ўйлайшга асос бор. Кантнинг «Амалий ақлни танқид» асарига келсак, унга мувофиқ жисмнинг инстинктив механизмлари ёмонлик механизмларига ўхшатилади ва бу христианликдаги «биринчи тур гуноҳ» ақидаси сифатида рух хоссаларига карама – қарши қўйилган.

Ҳозирги кунда рух ва жисмнинг анъанавий антиномияси сезиларли даражада тўлдиришлар ва ўзгаришларга дуч келган. Инсоннинг руҳий ва танавий жиҳатларини ўрганувчи фанлар нуқтаи – назаридан улар тўғрисидаги масала алоҳида долзарблик кашф этади. Биринчидан, рух ва тана орасидаги ўтиб бўлмас чегара борлиги ҳақида тезис «вайрон» бўлди. Уларнинг бир – бири билан шартланганлигига шубҳа қолмади. Рух – инсоннинг универсал ва интеграл қобилияти сифатида ўзининг соҳиби – тирик организм, яъни жисм билан алоқадорликда қаралади. Ўз навбатида жисм ҳам юқори даражада дифференциаллашган психик имкониятларга

эгадир. Иккинчидан, шу нарса маълум бўлдики, жисмга нописанд ва богматик қарашни Библиянинг авторитети ҳам ёки рационализмнинг фалсафий идеаллари билан ҳам оқлаб бўлмас экан. Айнан уларнинг айтганлари таъсирида фалсафада ханузгача жисмни файласуф таҳлил қилиши лозим бўлмаган предмет деб ғайри олмий қараш мавжуд бўлиб келмоқда. Ҳар ҳолда Вена тўғараги файласуфларининг умуман метафизикани, хусусан жисм тана метафизикаси, фантастик ёзувлар қаторига киритишларига оид қарашларида ҳам худди жисмга нисбатан Библиядаги сингари қаллобларга қарашдек догматиклик бор деб айтишимиз мумкин. Шу билан бир қаторда руҳ тушунчаси, ҳақида унинг механистик тасавури сингари ҳар қандай вульгарлаштиришларни ҳам қабул қилиб бўлмайди. Бу охириги гапимизни айтишимиздан мақсад шуки, бундай вульгарлаштиришлар ҳозир ҳам учраб туради. Биз бу ерда ўзининг маънавиятсиз ёки жисмлиликсизлиги билан классик фалсафадаги механистик конструкцияларни эслатувчи «сунъий интеллект» моделларини кўзда тутмоқдамиз. Руҳ ва жисмни вульгарлаштиришга оид энг янги компьютер усулларининг ҳавфлилиги шундаки, улар виртуаль реалликнинг самараси ва имкониятларига кўра ниҳоятда ниқобланган бўлиши мумкин.

Назорат саволлар:

1. Инсоннинг ички дунёсига мурожаат.
2. Инсон муаммосини ҳал қилиш давр талаби.
3. Рационализмда инсон Ҳақидаги таълимотларнинг Ўзига хос хусусиятлари ва мактаблари.
4. Инсон "рацио-машина".
5. Инсонни объект сифатида ўрганиш.
6. Инсон биологик тузилма.
7. Иррационализмда инсон талқини.
8. Инсон қалби коинот.
9. Ирода масаласи.
10. Экзистенция. Инсон руҳий олами.
11. XX аср иккинчи ярим XXI асрда рационализм ва иррационализм оқимларининг аҳамияти ва тарихий тақдири.

Асосий адабиётлар

19. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 60 б.
20. Абу Наср Форобий. Талхису навомисуи Афлотун / Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент, А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. - 226 б.
21. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2016. - 732 б.
22. Арасту. Ахлоқи кабир. М.Маҳмуд таржимаси. –Тошкент: Янги аср

- авлоди, 2011. – 317 б.
23. Бердяев Н.А. О назначении человека. – Москва: АСТ, ХРАНИТЕЛЬ, 2007. - 668 с.
 24. Беляев В.А. Проективная антропология. Изд. стереотип. Издательство ЛКИ 2016. 288с.
 25. Губогло М.Н. Антропология доверия. Этносоциологические и этнополитические очерки Пер. с англ. А. Дунаев Москва Издательский дом ЯСК 2016. 544с.
 26. Гуревич П.С., Спирина Э.М. Размежевания и тенденции современной философской антропологии. М. Институт философии РАН 2015. 168 с.
 27. Кант И. Антропология с прагматической точки зрения. Пер. с нем. Серия: Из наследия мировой философской мысли: история философии Изд. 4 ЛЕНАНД 2017. 200с.
 28. Корольков А. А., Преображенская К. В., Романенко И. Б. Педагогическая антропология в зеркале философии. Алетейя 2017. 176с.
 29. Моторина Л.Е. Философская антропология. Gaudeamus. М. Академический проект. 2009. 272с.
 30. Рикер П. Философская антропология. Рукописи и выступления Издательство гуманитарной литературы 2017. 312с.
 31. Степин В.С. Философская антропология и философия культуры: Избранное. (Философские технологии: Избранные философские труды) М Академический Проект, Альма Матер 2015. 542 с
 32. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. –Тошкент, Университет, 1998.
 33. Туленова Г. Маънавий етукликдан ижтимоий фаоллик сари. – Тошкент: Aloqachi, 2008. – 179 б.
 34. Чориев А. Инсон фалсафаси. 1-китоб. -Т.: Маънавият, 1998.-152 б.
 35. Холбеков А. Ижтимоий адолат ва демократик барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Янги аср авлоди, 2004.-120 б.
 36. Хўжамуродав И. Ислом ва миллий ўзликни англаш. -Т.: Билим, 1992.-287 б.

Қўшимча адабиётлар

13. Алишер Навоий Махбуб ул-қулуб.-Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.-262 б.
14. Алишер Навоий. Хайратул аброр.- Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.-352 б.
15. Бахронов Ж. Шахс миллий ўзлигини англаши қонунлари.- Самарқанд, 1995.-88 б.
16. Бехбудий Махмудхўжа. Танланган асарлар.-Т.: Маънавият, 1999.-387 б.
17. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети.-Т.: Янги аср авлоди, 2004.- 36 б.
18. Фалсафа асослари. Назаров Қ. таҳрири астида.-Т.: Шарқ, 2005.-249 б.

- 19.Фалсафа қомусий луғат. Назаров Қ. таҳрири астида.-Т.: Шарқ, 2004.-496 б.
- 20.Фитрат Абдурауф. Раҳбари нажот.-Т.: Шарқ, 2001-176 б.
- 21.Форобий Абу Наср Рисолалар. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.-443 б.
- 22.Форобий Абу Наср Фозил одамлар шахри. -Т.: Навруз, 1993.-260 б.
- 23.Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократия.-Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти. 2007. – 128 б.
- 24.Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари.-Т.: Шарқ, 1996.-144 б.

2-МАВЗУ: ИНСОННИНГ ЯРАЛИШИ НАЗАРИЯСИ

РЕЖА:

1. Инсон ҳақидаги тушунчанинг тараққиёт характеристикаси
2. Инсон фалсафий антропология муаммоси эканлиги
3. Инсоннинг рационалиги унинг дунёси билан боғланган жиҳатлари

Таянч иборалар: Рух, жисм, рационаллик, эволюцион тарих, онг, тафаккур, ҳулқ, тил, маданият.

Фалсафада инсон тушунчасининг тараққиётига тегишли мавзуни бошлар эканмиз, инсон табиатининг рационалиги масаласига тўхтаб ўтиш лозим бўлади ва бу ерда гап, аввалги бобда айтганимиздек, инсоннинг ақлли, рационал мавжудот деб таърифланишида эмас. Фалсафий концепциялар инсон табиатини тушунтиришни даъво қилар эканлар, кўпинча аниқ равшан бўлмайдилар, бунинг сабаби улар рационаллик тушунчасини ё юқори кўтариб юборадилар, ёки мутлақо паст баҳолайдилар. Рационаллик масаласи инсонни ҳар қандай фалсафий аргументлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Парменид ёки Анаксагордан бошлаб классик фалсафа рационалликни кўздан қочирмай келади. Р.Декартнинг классик нуқтаи – назарига кўра, ақл дунёни онглашнинг, инсоннинг ҳар қандай билиш, амалий ёки коммуникатив ҳаракатларининг барча усули ҳисобланади. Инсон қобилиятларининг барча илдизлари унинг рационалигидадир. Бу фақат сезгилар, қабуллаш ёки тасаввурга тегишли, бу ҳатто эмоция ва иродага ҳам тегишлидир. Инсонларнинг эҳтирос – эмоционал ҳаётлари фақат иррационал механизмларга асосланган, деб айтиб бўлмайди.

Платон, ўз даврида, эрос ақлни ҳақиқатга томон йўллайди, деган эди, Аристотель эса муҳаббат (севги) барча нарсаларни ҳаракатлантиради (уларга таъсир қилади, уларни уйғотади) деб гапирган эди. рационалликнинг когнитив табиати (унинг мантиқий ва тил афзалликларини киритганда) инсон борлигининг бошқа категориал аспектлари (амалий ва назарий, субъектив ва объектив, эмоционал ва иродавий, интуитив ва коммуникатив) билан ҳаммавақт пайваста бўлади. Умуман айтганда, рационалликка беписандлик,

фалсафий аргументлашга қарама – қарши ўларок, тўла қувватли фалсафий позиция ёки фалсафий нуқтаи – назар бўлмайди. Спиноза таъкидалаган эдики, инсоннинг ўзининг борлиғи тўғрисидаги билими рухнинг туғри ғояларга эга бўлишлик қобиляти тарзидаги ақл туфайли таъминланади. Инсон ақлга мувофиқ иш кўриб, ўзининг эзгулик сифатларини намоён қилади. Инсоннинг эзгу ниятлари рационал воситалар билан қарор топади, бу унинг ҳаракатларига ҳақиқий маъно беради. Инсоннинг Ницше «ҳокимиятга бўлган ирода» деб атаган сифати ҳам рационаллик билан чамбарчас боғланган. Одатда Платон ва Аристотелдан бошлаб ҳокимият тушунчаси куч ва қудрат билан боғланар эди. Августин, Шеллинг, Шопенгауэр «ирода» тушунчасини куч сифатлар билан йўғрилтирдилар, бу билан инсон муносабатларининг чуқуқр динамикасини очиб беришга интилдилар. Бироқ, Ницшенинг ҳаёт фалсафасидаги «ҳокимият иродаси» иборасида на «ҳокимият» ва на «ирода» тушунчаси бу тушунчаларнинг одатдаги ижтимоий ва психологик маънолари билан боғланмаган. Ницше «ҳокимият иродаси» тушунчасини инсоннинг ўз ҳаётида ўз – ўзидан қарор топиш, ўз – ўзини сақланиш қобилятларини белгилаш маъносида қўллайди. «Ҳокимият иродаси» - ироданинг инсоннинг ниҳоявий онтологик сифати тарзида ўз – ўзидан тасдиқланиши (қарор топиши) ироданинг ўз устидан ҳукмронлиги деб тушунилади.

Рух, жисм, рационаллик ҳақидаги тасаввурлар инсон ҳақидаги умумий тушунчанинг маъно мағизи бўлишига қарамай, уларнинг характеристикалари инсон тушунчаси мазмунининг барча бойлигини етарлича ҳажмда ва кенгликда камраб ололмайди. Инсон тарих, маданият ва жамиятнинг турли – туман омилларининг бевосита таъсирида шаклланади. Шунинг учун фалсафада инсон тушунчаси унинг тарихий, культурологик ва ижтимоий сифатларини янада равшанлаштириш давомида бойиб боради. Уларнинг таҳлили фалсафий антропологиянинг тушунчавий ва тил воситалари ёрдамида тўла қонли акс эттирилади.

Классик фалсафада ҳам, ҳозирги замон фалсафасида ҳам инсон ҳақида бир бутун таълимотни ишлаб чиқиш одатда фалсафий антропология билан боғланган.

Одам ва жониворлар орасидаги (тилнинг келиб чиқиш масалаларини ҳам қамараб олган ҳолда) фарқ, жониворлар ва инсонлар ҳаётининг ижтимоий шакллари, инсон цивилизациясининг архаик тарихи – буларнинг ҳаммаси инсонни фалсафий антропология муаммоси сифатида ўрганишнинг энг муҳим мавзуларидир.¹ Инсон табиати ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларни қўйидаги умумлашмалар тарзида кўрсатиш мумкин.

¹Қаранг: И.Кант. Антропология с прагматической точки зрения.// соч. Т.6. М., 1966. М.Шелер. Положение человека в Космосе. // Проблема человека в западной философии. М.1988. Х.Плеснер. Ступени органического и чело. Сеша асарда; А.Гелен. О систематике антропологии. // Сеша асарда. Б.В.Марков. Философия антропология. Очерки истории и теории СПб.1997.

1. Жониворлар ва одамларнинг эволюцион тарихи улар табиати (хулқи)нинг ўхшашлиги ва фарқлилигини аниқлаб берди. Табиат жониворлар учун ҳам, одамлар учун ҳам умумий яшаш муҳитидир. Масалан, жониворлар ҳам, одамлар ҳам табиий (соғда) қуроллар (таёқлар, тошлар)ни фойдаланишлари, ҳатто, тишлари ва қўл – оёқлари, бармоқлари ёрдамида маълум мақсадларни амалга ошириш учун (шоҳни шоҳчалардан тозалаш, тош билан ёнғоқ чақиш) қуроллар ясашлари мумкин. Бундай ўхшашлик ташқидир, уларнинг орақасида жониворлар ва одамлар томонидан қуроллардан фойдаланиш ва яшаш усулларидаги катта фарқ яшириниб туради. Бундай фарқлар одамларнинг бошқа сунъий қуроллар воситасида қуроллар ясашларида (техника) жуда яққол кўзга ташланади. Биологияда жониворларнинг ҳеч бир тури аввал ясалган воситаларидан фойдаланиб меҳнат қуроли ясалгани маълум эмас. Бундай қурол яшаш фаолияти фақат инсоннинг имтиёзидир. Инсоннинг асабоблар билан таъминлангани туфайли ўз – ўзининг яшаш муҳитини янгилайди. Бу нарса маданият деб аталарид. Маданият – бу инсон томонидан яратилган ҳамма нарсадир. Жонивордан фарқли равишда маданиятнинг турли жиҳатларини ўзлаштиради ва бу билан ўзининг борлиғи учун зарур бўлган сунъий оламни яратади ва шакллантиради. «Cultura» «Natura»дан худди «сунъий» «табиий»дан фарқлангандек фарқ қилади. Маданият инсоннинг табиат билан муносабатининг воситачиси бўлган реалликдир. Маданият инсон ҳаёт тарзининг жониворлар ҳаёт тарзидан фарқлайди. Маданият – табиатда инсон ҳаётини талқиш қилиш усулидир, ҳолбуки бошқа ҳар қандай тирик мавжудот ўзининг табиатдаги ҳаёт шароитларига бевосита боғлиқ бўлиб қолаверади.

Кузатиш маълумотлари шу нарсдан дарак беради; жониворлар хулқининг мураккаб шакллари (элементар информацион – ориентирли ва эмоционал – психик ҳаракатлар, ўргатишлари, ритуаллари, мулоқот ва ш.ў.) ўзларининг яшаш муҳитларининг ўзгаришларига мослашишга ёрдам берувчи генетик программалашган қоидаларга бўйсунди. Жониворларнинг хулқи одатда вазиятга мослашганлиги ва инстинктивлиги билан ҳарактерланади, ҳолбуки инсоннинг ҳаракатларида эволюция бўлган сари қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда ўз хулқини оптималлаштиришига қаратилган ихтиёрий элементлар кўпайиб боради. Бу жиҳатдан инсоннинг амалга оширадиган маъносиз ҳаракатлари диққатга сазовордир. Инсон хулқида маъносиз ҳаракатларнинг бўлиши унинг ўз иродасини амалга ошираётганини билдирадиган эркин танлаш актларидир. Жониворларда эса хулқ мотивациялари ва мақсадлари программалашгани сабабли маъносиз ҳаракатлар бўлмайди. Инсон хулқида маъносиз ҳаракатларнинг борлиги факти унинг қурол яшаш, ишлатиш функцияларининг жониворлар қурол ишлатиш функцияларига қараганда ишончли аргумент бўлади.

2. Инсоннинг нутқий (тил) қобилияти борлиги эволюция давомида уни жониворлар дунёсидан фарқ қилувчи бошқа муҳим омилдир. Жониворларнинг ҳар қандай тури шундай информация алмашилиш воситаларига эгаки, бунинг ёрдамида улар ўз ҳаракатларини координация қиладилар ва йўналтирадидилар, ҳавф тўғрисида огоҳлантирадидилар, ўзларига

эйтибор қаратадилар, ўз яшаши ҳудудларини белгилайдилар. Жонворларнинг ҳулқлари ва ўзаро таъсирлишиш сигнал – инфомацион усуллари турли – туман бўлишига қарамай, барибир улар эволюцион – генетик чекланишларини сақалйди. Бу жониворларнинг тур ичидаги ва шунингдек турлараро коммуникацияларига тегишлидир. Уларнинг ўзига хослиги ҳар бир тур ҳулқининг генетик программалари ва эволюцион механизмларига боғлиқдир. Масалан, қушларда ҳавф – хатарни, бир – бирига ташланганда дўқ қилиш, очликни ифодалаш, бир – бирини эркалашдаги товушларини фарқ қилиш мумкин ва ш.ў. Баъзи турлар фақат битта товуш беради, баъзилари иккита, яна бошқалари бир – бирига боғланган кўплаб турли сигналлар берадилар. Инсон қай даражада юксак ташкилланган бўлмасин, экспериментда уни инсон нутқи сигнал товушлар беришга ўргатиш, ҳар ҳолда ҳозирча бўлса – да, ҳали бирор натижа бергани йўқ. Тўтиларнинг сўз ибораларини қайта тиклашга оид бизга маълум ҳаракатлари коммуникатив мақсадлардан йироқ. Ўзининг келиб чиқиш табиатига кўра жониворларнинг коммуникация усуллари ихтиёрий эмас ва табиий. Улардан фарқли равишда инсон нутқи эволюция жараёнида мулоқот қилиш, ҳаракатларни ифодалаш, фикрлар, хохишлар ва баҳоларни ифодалашнинг ихтиёрий ва сунъий воситалар тўпламига айланди. Бунга инсоннинг эволюцион – генетик сабаблардан ташқари инсон шаклланишининг антропологик, ижтимоий ва маданий омилларлари ҳам улкан ёрдам берди.

3. Маълумки, тилнинг келиб чиқишига доир барча гипотезалар муаммолидир. Фақат бир нарса равшан: инсон ва жониворларни тил қобилиятлари ажратиб тутурвчи оралик жуда катта. Уларнинг орасидаги фарқ муаммоси инсон тил қобилиятининг ўзига хослигини исботлаш учун нимани асос қилиб олишга бориб тақалади. Агар инсон нутқи ва мулоқотининг бошланиш ирмоқлари инсон танасида деб фараз қилинса, у ҳолда унинг белги хоссаларига: яъни жисм имо – ишоралари, ҳаракатлари, турмушлари келади. Жисм тиллари нутқнинг товуш ва ёзув элементларидан анча қадимий деб одатланишни назарда тренировка қилиш ва одатланишни назарда тутсак, жисмнинг қобилиятлари равшан ва аён. Жисм ёрдамида мулоқот қилиш ва информация узатишга доир қатор усулларни кўрсатиш мумкин. Масалан, қўллар, бош, оёқ, гавда имо – ишоралари ва х.к.лар бунга мисол бўла олади. Ҳолат ва пантомима, одоб тегишлари қараш табассуми, бир – бири билан алмашиш сингариларнинг кинетикаси (динамик схемалари) ва уларнинг ҳосилавий шакллари – буларнинг ҳаммаси инсонлар мулоқотининг актив усуллари дидир. Инсон тили спецификасининг бошқа исботлари туғма белгилар деб қаралади. Хусусан, инсон миясининг тузилиши, нутқ артикуляция аппаратининг физиологик спецификаси, мия структуралари функцияларининг юксак даражада хусусийлиги одамлар психик тузилишининг хусусиятларининг ниҳоятда нафис тузилганлиги ўқтириб ўтилади. Ҳулқнинг ташкилланиши ва мия тузилишининг ўзаро боғланганлигини инкор қилиб бўлмайди. Жониворлар ва инсоннинг атроф муҳитга адаптацияланиши (кўриқиб мослашиши) характери қанча мураккаб бўлса, уларнинг миялари шунча мураккаб ва ўзига хос, унинг тузилиши ва

функциялари шунча мураккаб ва ўзига хос, унинг тузилиши ва функциялари шунча мураккаб бўлади. Ҳар ҳолда инсоннинг мияси унинг нутқ функцияларининг потенциални ҳам, жисмий ҳаракатлари ва имо – ишораларнинг имкониятини ҳам белгилаб беради.

4. тил келиб чиқишини инсоннинг талаффуз қилиш қобилиятига катта аҳамият берадиган гипотезаси фоноцентрик гипотеза номини олган. Бу гипотезага кўра, нутқий мулоқотнинг товуш шакли узок таракқиёт даври анча давоми бўлган ва бир неча фазаларни ўтган. Бошланғич фазаларда товуш жисмий (танавий) имо – ишоралар кўринишида бўлган. Кўплаб примитив (содда) тилларда овоз ўзшатиш фактлари мавжудлиги маълум. Одамлар жониворларга ўхшатиб товуш чиқарадилар. Ҳудди шунингдек, инсон танасининг ҳаракатлари (унинг рақслари ва ўйинлари) ҳам жониворларнинг ҳаракатини эслатиши мумкин. Тақлид қилиб қилинадиган ҳаракатлар – архаик ов ритуалларининг асосидир. Бугунги кунда хинду қабилаларининг пантомималари айрим тур жониворларининг, масалан, уйланиш (никоҳ) рақсларини ҳайратда қоладиган даражада акс эттиради. Инсоннинг мимика, пантомима, алоҳида товушларни ва товушлар бирикмаларини талаффуз қилишини жониворлар ҳулқига тақлид қилиш ҳаракатларининг ривожланиши билан боғлашади. Келажакда актёр бўладиган кишилар дастлаб турли жониворлар ҳулқига тақлид қилишга доир ўқув машқларидан бошланиши маълум. Кейинги босқичда товушлар кетма – кет терилади ва интонация тус олади. унли ва ундош товушларнинг комбинациялари муайян интонация ва маъно касб этади. Товушларнинг интонацион терилиши (қатори) инсоннинг кайфиятини ифодалайди., товушнинг нимани намоён этаётганини билдиради. Сизга бирор тил таниш бўлмаса, суҳбат чоғида интонация муҳим рол ўйнашини эслатиб ўтайлик. Суҳбат чоғида одамлар бир – бирларини тушуниш учун одамлар интонация ва имо – ишоралардан кенг фойдаланадилар. Товушнинг интонацияли тасвирланиши учинчи босқичда товуш бирикмаларида ва баъзи сўзларни такрор айтиш, тушунча элементларидан фойдаланиб талаффузда янада муҳим ўрин тутди. Ов ва овчилар ҳаракатини тартибга солиш, мувофиқлаштиришнинг зарурлиги товушлар алмашиниб, мураккаброқ, мазмунлироқ, информация бериш ва олиш имконини беради. Бундан ташқари, гуруҳлар ичида ва гуруҳлараро инсонларнинг ўзаро муносабатлари координация ва ўзаро тушунишни талаб қилди, бу ўз навбитади товушнинг товуш бирикмалари, турли – туман сўзларнинг нутқий жамғармасининг бойишига олиб келди. Таракқиётнинг тўртинчи босиқичида нутқ шакллари сўзлар бирикмалари ва синтаксис нутқай – назаридан энг оддий нутқ ифодаларида қатнашади. Инсоннинг нутқий қобилияти ўзининг қўлланиш соҳасини тобора кенгайтира бориб, тажриба, билим, малакаларни тўплаш, сақлаш ва узатишнинг оптимал воситаларидан бирига айланди. Нутқнинг тасвирий характери аста – секин символик характер касб эта бошлади. Ўзининг символик хоссаларига кўра, нутқ инсоннинг атроф дунёда мослашиши ва яшаб қолишининг таъсирчан қуроли бўлиб қолди. Унинг ёрдамида бир авлод бошидан кечирган барча нарсани кейинги авлодага

Ўтказишнинг оғзаки воситаси пайдо бўлди, маданий анъана шакллана бошлади. Охириги босқичда нутқ мулоқотнинг дифференциаллашган шакллари мақомига эга бўлади, фикрлар, хохишлар, баҳолар ва информация алмашилишнинг турли турларини ифодалайдиган бўлди. Нутқ тараққиётининг бу даврда унинг фонологик, синтаксис, семантик ва прогматик усулларида нутқнинг шартномавий, конвенционал табиати тўла намоён бўла бошлади. Тана инсоннинг нутқ қобилиятини тараққиётида мислсиз хизмат кўрсатган бўлса – да, бу қобилият уз моҳиятига кўра ундан мулоқотнинг мустақил бўлган инструменти бўлиб қолди – конвенциялари, ўзаро таъсирлари, мувофиқлашганлиги, ўзаро тушунишлари воситаси бўлиб қолди. Нутқ инсон коммуникациянинг самарали усулига айланди.

5. Яна бир гуруҳ фаразлар борки, улар ёзув центрик гипотеза атрофида бирлашади. Бу гипотезага кўра, тилнинг келиб чиқиши асосида инсоннинг ёзув (ёзма нутқ) интилиш қобилиятидир. Инсоннинг ёзма нутқ асосида мулоқот қилишининг прототипи сифатида инсоннинг тасвирлаш қобилияти ва ундан келиб чиқадиган схемалар, расмлар, символлар орқали информация узатиш ва фикрлар алмашилишини кўрсатиш мумкин. Бу нуқтаи – назардан марказида ёзув бўлган гипотеза бошқа фаразлардан кам самарали эмас. Ҳақиқатда, шакл топган оғзаки мулоқот бошқа коммуникация воситалари ўрнини боса олмайди. Одамлар баъзан шундай экстремал вазиятларга тушиб қоладикки, у ҳолларда оғзаки хабар ёзилган маълумотни ўрнини ололмайди (масалан, пиктограмма ёки расмлар тарзида).

Палеолингвистика (қадимги тиллар ҳақидаги фан) маълумотлари қадимги инсон ёзувининг шаклланиш асослари тўғрисида фикрлашга имкон беради. Энг қадим ёзувнинг график шакллари архаик давр инсонлар ҳаётининг айрим эпизодларини қайд қилган ва шу йўл билан бизгача сақлаб келган. Хабарлар узатиш мақсадлари учун пиктографик ёзувнинг энг содда воситалари қўлланилади: биркалар, ўймалар, кўрсаткичлар ва ш.ў. Масалан, энг қадимги қоялардаги расмларда ўйилган белгиларни (санчиш жароҳатлари), ўткир бурчаклар (кесилиш жароҳатлари), крестик белгилар (олов ёқиш учун тарашалар), оҳра доғлари (қон доғлари каби) кўрсаткич стрелкалар (ҳаракат йўналишини белгилайди) ва ҳ.к. Дастлаб пиктографик белгилар фақат ҳар кунлик, амалий, хўжалик мақсадларига эга эди. Уларнинг асосий вазифалари – кўрсатиш: нима рўй берганини кўрсатиш, қаёққа юриш, нимани олиш ва нима қилиш ва ҳ.к. Пиктографик ёзувда белгилар таркиби бирдай бўлган. Ҳар бир белги бир бутун сўзни, алоҳида товуш, ёки ишорани билдиради. Пиктографик ёзувнинг сўнгги шаклларида – пиктограмма ва идеограммаларда – сўзлар кетма – кетлиги, гаплар пиктографик конференцияларда расм тарзидаги гаплар орқали берилган. Дарвоқе, «пиктография» сўзининг маъноси «бўялган расм» кўринишидаги ёзув» дегани. Бундай ёзувнинг кўрсатиш хоссасидан ташқари унинг кейинги шаклларида тасвирлаш ва символик хоссалари кўпроқ гавдаланган. Пиктография тараққиётида ёзувда символик тенденцияларнинг кучайиши тарзида рўй берган деса бўлади. Ёзув нутқининг символлашиши иероглифли ёзувларда (иероглифлар – муқаддас ёзувлар) диний – ритеал маълумотлар

ифодаланишида айниқса ажралиб туради.

Пиктографик сюжетларда тасвирий сифатлар коммуникатив мақсаддаги деталларга акцент беради.

Келгусида айнан шу деталлар тобора мавхумланиб бориб, белгили ёзувнинг шартли ва ихтиёрий атрибутларига айланиб боради. Пиктографик белгиларнинг шартлилиги ва ихтиёрийлиги уларни мулоқотда қўлланишини қўлайлаштиради ва символик қобилиятларини кучайтиради. Символик сифатлари туфайли пиктографик информация фақат уни биладиганлар учун, яъни айрим гуруҳ шахслар, муаян этнослар учунгина таниш бўлади. Белги инфраструктуралари инсон ҳаётининг фаолиятининг турли сфераларига кириб боради, инсонга унинг ўз фикри ва туйғуларини ифодалаш, ўзгалар билан мулоқот қилиш, хўжалик ҳаётини ташкиллаш, тажрибасини сақлаш, маданий анъаналарини шакллантириб, одамларнинг турли авлодлари орасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди. Улар ёрдамида одамлар ўтмиш воқеаларини тиклайдилар ва келажак вазиятларини прогнозлайдилар. Оғзаки ва ёзма нутқнинг кўрсаткичли, тасвири ва символик хоссалари уларни тилнинг диалект, график ва бошқа фарқлари билан кўшилиб коммуникациянинг асосий усулларига айланишига ёрдам беради.

6. Ибтидоий одамнинг қурол ва тил билан таъминланишининг мукаммаллашиши унинг ижтимоий ҳаётининг ва онгининг турли томонлари эволюцияга прогрессив таъсир кўрсатди. Энди қадимги дайдиб ва кўчиб юриб кун кўрадиган йиғувчи ва овчи одамларнинг ночор турмуши ўтроқ аҳолининг доимий яшайдиган маданияти билан алмашди. Балиқчилик, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунамандлик қадимги жамиятларнинг иқтисодий ва ижтимоий ташкилланишига самарали таъсир кўрсатди. Бир – бирига яқин бўлган қабилалар орасида айирбошлаш ва никоҳга кириш амалга оша бошлади. Бир – бирлари билан никоҳга кирган қабилалар уруғ деб ном олди. Оила – никоҳ муносабатларини, уруғ ичи муносабатлари ва уруғлараро муносабатларни тартибга солиш, созлаш зарурияти юзага келди. Айирбошлаш – савдо алоқалари кенгаяди, этник бирлик (умумийлик) лар шакллари қонунийлашади, одамларнинг ҳулки ва ўзаро муносабатларини тартибга солувчи таъқиқлар рўй хати қарор топади, ота – оналар ва болаларнинг мавқелари белгиланади, диний ритуалларни бажариш анъаналари шаклланади, бадий касб – ҳунар малака ва шакллари мукаммаллашади. Одамларнинг ўтроқ ҳаёт тарзи айрим бирлашмалар тарзида бир – биридан қатор иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий белгилари билан фарқ қилувчи этносларнинг юзага келишига кўмаклашди.

Қабилаларда меҳнатнинг махсусллашиши ва тақсимооти юзага келди: бировлар, қабилада хўжалик (ов, деҳқончилик, чорвачилик) билан, тўртинчилар – буюм ва озиқ – овқатларни айирбошлаш, бешинчилар эса ўзларига ҳимоя қилиш вазифасини олдилар ва ҳ.к. ва энди бунинг натижасида одамлар орасидаги муносабат вертикал жиҳатдан қатламлашди. Қабила ёки уруғнинг ҳокимияти ва мулки билан, малака ва тажрибаси билан фарқ қиладиган юқори қатлами ажралиб чиқди. Ишлабчиқарувчи ибтидоий хўжалик бирикмаларнинг уларнинг яшаш минтақаларида яшовчи

аҳолисининг ўсишга олиб келди. Бунинг оқибатида этносларнинг ўзаро муносабатлари жараёнлари фаоллашди. Миграция анъаналари бошқа қабилалар ва жамоаларга тегишли туташ худудларни ягаллаш (босиб олиш)ни юзага келтирди. Биринчи томондан, келгинди этнослар туб аҳолини сиқиб чиқариши ва ҳатто қириб юбориши ёки маҳаллий этносга ўзларининг маданияти, тил, тажриба ва одатларини мажбурлаб ўтказиб, интеграллашиб кетиши мумкин эди. Иккинчидан томондан, аксинча жараёнлар кузатилар эди, келгуси этнослар маҳаллий қабилаларнинг маданияти, тили, тажрибаси ва одатларини, хўжалик юритиш, аҳоли яшайдиган жойларни қуришини ўзлаштириб, улар билан ассимиляциялашиб (бирлашиб) кетар эдилар.

Архаик яшаш жойларининг қурилишлари ўрни ва характери жамоавий ва қабилавий шаклларнинг истиқболда цивилизациялашган бирлашмаларга айланиши (трансформацияланиши)га шароит яратиб берар эди. Бундай яшаш жойлари конкрет одамлар уюшмаларининг маданий марказлари ролини ўйнаб, улар маданиятига бир бутунлик ва тугаллик жиҳатларини ато этар эдилар.

Аҳоли яшаш жойлари тарикбида ижтимоий, хўжалик – турмуш, диний маросим ишлари ўтказиладиган, хунар – касб, аграр, фортификация учун хизмат қиладиган иншоот ва қурилишлар бўлар эди. Уларнинг сони ва ўлчамлари экология, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий (масалан, ҳарбий), техника – технологиявий, диний ёки бошқа маданий мулоҳазаларни ҳисобга олиб режалаштирилар эди. Археологик қазилмалар шундан дарак берадики, катта ибтидоий яшаш жойларидаги ўтроқ ҳаёт тарзи қабилалараро агрессивлик (уришқоқлик) кайфиятларининг келиб чиқишига тўсқинлик қилар эди. Агар йиғувчилик ва овчилик турмуш тарзи бўлган даврдаги қабиллада одамлар сони 30-50 тадан ошмасдан, улар 100 км² худуддаги ресурслар билан кун кўрган (бу ресурсларни еб бўлгандан сўнг қўшни жойларга кўчган) бўлсалар, ўтроқ ҳаёт тарзида ўтган аҳоли яшаш жойлари 4-5 минг кишини ташкил қилар ва шунга мувофиқ 10 дан 400 км² гача бўлган худудни камраб олар эди.

Қадимги уюшмаларнинг қурилиш индустриясининг қуввати тўғрисида диний ёки дунёвий мақсадларда ишлатиладиган турли архитектурадаги монументал қурилиш ёдгорликларига қараб фикр юритиш мумкин. Уларда топилган ҳунармандлик буюмлари бадиий касб – ҳунарнинг юксак санъат даражасида бўлганидан дарак беради. Бунга уй – рўзғор буюмларидан тортиб хўжалик нарсаларигача: кулолчилик доираси, ғилдираклар, аравалар, сопол кўвачалар, тўқиш дастгоҳлари, плуглар, чўян қуийш қолиплари, тош, суяк, сопол буюмлари – ҳозирги музейларда кўриш мумкин бўлган барча ибтидоий давр санъатига хос бўлган топилмалар киради. Шунини айтиш керакки, Ғарб ва Шарқ архаик маданиятига тегишли предметлар таркиби бир – биридан сезиларли фарқ қилади. Масалан, Колумбгача бўлган Америка маданиятида плуг, арава ва жониворларни қўшиб ишлатиладиган буюмлар бўлмаган.

7. Қадимги уюшмалар (бирлашмалар) маданиятларининг ўзига хослиги тўғрисидаги мулоҳазалар билан бир қаторда архаик онгнинг аҳарактери тўғрисида ҳам гапириш лозим. Биринчи навбатда бу одамлар

орасидаги муносабатларнинг онгли равишда тартибга солиниши, диний ва бадий онгнинг шаклланиши ва онгнинг предметли – мантикий умумий механизмларининг шаклланишига тегишлидир. Маълумки, архаик маданиятларда инсон ҳулқини тартибга солиш (регуляция қилиш) одамларнинг улар ҳаётига ҳавф туғдирадиган ва амалга ошириш учун ақл талаб қилинадиган қилинадиган ҳаракатларига қарши қўйиладиган тақиқлар (табу) тарзида олиб бориладиган эди. Архаик табулар фарқат тақиқларгина эмас, шу билан бирга, одамларнинг бир – бирларига ва табиатларига муносабатларини тартибга солиб турувчи регуляторлар бўлиб ҳам хизмат қилар эди. Бунга ҳавфли ҳаракатларни билиш ва уларга эътибор қаратиш кўникмаларини мужассамлаштирган салбий тажрибаларнинг тўпланиши ёрдам берган эди. Архаик табулар таркибида мураккаб тақик нормалар мавжуд. Масалан, табунинг информация билиш элементлари ҳавфли ҳаракатларнинг предметли маъналари ва уларнинг салбий оқибатларини билишга имкон берарди. Бу билимлар вақт ўтиш билан ҳаёт учун ҳавфли бўлган ҳаракатларга қарши чеклашлар ҳатто тақиқлар қўйиш кераклигига одамларнинг ишончларини юзага келтирар эди. Бундай тақиқларни назарга илмаган одам на фақат бошқа одамларга, ҳатто ўзига ҳам ҳавф туғдириши мумкин эди. Табунинг бошқа элементи эмоционал баҳолаш элементлари эди. Одамларнинг ҳавфли ҳаракатлари кўрқув, ваҳима, ҳавотирлик туйғусини уйғотиш, ёйиш мумкин бўлар ва одамларда нигоронлик, аниқсизлик, муваффақиятсизликни аввалдан сезиш сингари ҳолатларни юзага келтириш мумкин. Бундай ҳолатларни эмоционал таҳлил қилиш ҳимоя, муҳофазалаш функцияларни амалга ошириш орқали одамларни ҳаётнинг критик. Экстремал шароитларга кўникишларига ўргатди. Табунинг учинчи элементи онгнинг иродавий омилида намоён бўлади. Иродавий зўриқишлар ҳаракатларни тартибга солиб (регуляция қилиб) ва уларни мақсадларга мувофиқлаштириб, инсонни тўсиқларни бартараф этиб ҳаётнинг қийинчиликларини енгишга йўналтиради. Агар қийинчиликларни бартараф этиш ҳаёт учун ҳатарли бўлса, у ҳолда ирода тақик функцияларини бажарар эди. одам ана шу ҳаракатни амалга оширишга қарши қарор қабул эди. Ниҳоят, табунинг тўртинчи компоненти одамларнинг мулоқотида шаклланди. Бу элемент жамоа аъзоларининг ҳатарли ҳаракатларини тақиқловчи умумий норма мавқеига эга эди. Табунинг нормативлик мавқеи унга ўз – ўзига етарлилик мақомини беради. Тарихий – юридик маънода табу архаик даврдаги ҳуқуқий онгни ифодалар эди. Ҳавф келтиришга интилиш олдида билим, ишонч, кечинма ва иродага эга бўлиш камчилик қилади. Инсон эволюцияси шундан далолат берадики, у тақиқлар билан, айниқса, ҳаётга ҳавф солувчи тақиқлар билан ҳеч келиша олмайди. Одатда (ҳатар) ижтимоий жалб қилувчанликка эга. Кимки ҳавфга таваккал қилса, ўзи учун ниманидир «исбот» қилмоқчи бўлар, табиат ва одамлар олдида ҳавфни ва кўрқувни назар писанд қилмас ва шу билан табуни бузар эди. тақиқловчи норма алоҳида одамга нисбатан ташқи омил сифатида таъсир қилар, уни ва жамоанинг бошқа аъзоларини таваккал қилинадиган ҳаракатлардан огоҳлантирар эди.

Архаик онгнинг диний хоссалари анимизм, тотемизм ва фетишизм сингари диний энг барқарор бўлган расм – русумларида ўз аксини топади ва ҳозир ҳам одамларга ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

Анимизм оламнинг универсал руҳий асоси борлигига, ҳодисаларнинг барчаси жонли, руҳланган жканига ишончни билдиради. Қадимги одам барча ҳодисаларни ўта табиий (ғайри табиий, табиатдан юқори) жон ато этувчи сифатлари бор ва у ҳаёт ҳамда ўлимнинг алмашилишларини, руҳнинг метаморфозаларини бошқаради деб билар эди. Жон (руҳ) ҳаётнинг гўё сояси, қони, нафаси, қўйинки сабаби деб тушунилар эди; у танани тарк этиши ва бошқа одамларики, жониворники, ўсимликларники бўлган ва ҳ.к. бошқа жисмга (танага) кўчиб ўтиши мумкин эди. Жон жисмнинг шаклини сақлаши ёки ўзгариши, бузилиши мумкин эди. Инсон мулоқотда бўладиган руҳ кўп бўлиши мумкин – бу аждодлар руҳи, жониворлар руҳи, ёвуз ва раҳмдил ва ш.ў. бўлиши мумкин. Уларга бўлган ишонч магия ҳаракатлари (таъсирлари), ритуаллар, афсунлар, жодулар воситасида мустаҳкамланар эди. тотемизм инсоннинг ўзи ёки унинг жамоасидаги киши билан уруғ – аймақлик алоқалари орқали боғланган ўз уруғдошларининг фойдасини кўзлайдиган ва улар олдида бирор жонивор, ўсимлик ёки бирор бошқа предмет тарзида намоён бўладиган аждоди борлигига ишончини намоён бўладиган аждоди борлигига ишончини билдиради. З.Фрейднинг фикрига кўра, тотем – бу бутун бир уруғнинг аждоди, бутун оиланинг катта додаси, унинг аъзоларининг ҳимояси – фаригштаси, у келажакни каромат қилади, уларни муҳофаза қилади ва уларга раҳм – шафқат кўрсатиб, кечиради. Бирор тотемга ишонувчи кишилар ритуалларда, байрам тантаналарда уни эъзозлайдилар, юксаларга кўтарадилар. Тотем уларни бир – бири билан илоҳий мажбуриятлар билан боғлайди. Одатда, тотем ролида ўсимликлар ёки ҳайвонлар дунёсидан бирор персонаж танланади. Кенг тарқалган тотем мотиви, масалан, бирор қабила аъзоларининг никоҳ алоқаларини шундай бир ўсимлик ёки ҳайвон аждоди билан тасдиқланишида ўз аксини топади. Ўз тотемларини танлаб одамлар ни сиғиниш шахсига айлантирганлар. Архаик ривоятлар ва эътиқодларда бўрига, айниқса. Қуёнга ва бошқа персонажларга сажда қилишлар шундан қолган. Тотем бўлган аждод ҳар қандай айланишларни бошидан кечириши мумкин. Унинг ғайритабиий вазиятлари нафақат айни шу уруғ ёки оила аъзолари устидан патронажлик қилиши ёки қўллаб – қувватлаши билан чекланади, балки уларга бошқа уюшмадаги бошқа тотемларга содиқ бўлган одамлар билан, табиатнинг ҳар қандай ҳодисаси билан боғланишга ҳам имкон бериши билан характерланади. Фетишизм ибтидоий одамнинг жонсиз нарсаларнинг сеҳрлилик қобилиятларига анимистик ишончларининг рационаллашган шаклидир. Фетишизм онгига мувофиқ руҳлар нарсаларда гавдаланган ва улар орқали одамга таъсир қилади. Дарахтлар, тошлар, ер, сув, олов, шунингдек, сўзлар, сонлар, қурол – асбоблар, турли – туман рўзғор анжомларига мистик хоссалар талқин қилинади. Одамлар ўз фетишларига ихлос қўйиб, у билан ўз тақдирларини боғлайдилар, уларни бахт – саодат деб асрайдилар. Шу йўл билан фетиш идолга айланган ва символ маъносини касб этган. У фақат

оддий насра символгина бўлиб қолмаган, ишонч сирларини очувчи восита бўлган.

Дин қандай шаклда ифодаланмасин, у ҳаммвақт конкрет инсоннинг тасаввуридаги дунёга муносабатини билдиради. Бунда инсон ҳеч вақт худо билан яккама – якка қолмаган. У ўзини бирор худоликка ишонган жамоаси, қабиласи, уруғидан ажралган ҳолда тутолмаган. Жамоода динга бўладиган сиғиниш амалларини бажарувчи одамлар қавми афсунлар – шаманлар, фолбинлар, дуолар, кохинлар пайдо бўлган. Ана шулар жамоа аъзоларининг худо билан муносабатининг воситачилари бўлганлар. Энг қадимги диний маросимлар тош бўлаклари ичида вертикал турғазиб қўйилган ягона тошлар – меҳроблар ўрнатилган очик жойларда ўтказилган. Кейинчалик махсус қурилмалар – улкан тош плиталар пайдо бўлди. Неолит даврида энди турли диний маросимлар ўтказиш ва қурбонликлар қилиш учун ҳар бири ўзича интерьер ва чирой билан ажралиб турадиган ибодатхоналар қурилган эди.

8. Қадимги инсоннинг диний қизиқишлари унинг бадий қобилиятлари билан ёнма – ён мавжуд бўлган. Улар нафақат уй рўзғор предметлари ва хўжалик анжомларини безатишда ёки қурол – яроғ, асбоб – ускуналарни безашдагина намоён бўлмаганлар. Ибтидоий жамоа даврининг типик мисоли сифатида ғояларда ва қоялар устида чизилган тасвирларни кўрсатиш мумкин, уларда анималистик (жониворлар иштирок этган) орнаментал сюжетлар, текисликдаги барельефлар, символик композициялар тасвирланган. Маълум ва машҳур бўлган Альтамир ғорини ибтидоий санъатнинг Сикстинг капелласи деб бекорга атамайдилар. Тасвирий асарлар ғор фазосининг ниҳоятда чуқурда бўлгани сабабли минглаб йиллар давомида оптимал атмосфера – ҳарорат шароитларида бўлганлиги учун ҳам сақаланиб қолган. Ғорлардаги тасвирлар учун уч нарса характерлидир. Ов ва озиқ – овқат топиш билан боғлиқ мақсад элементи. Одатда расмларда жониворлар ва уларни ов қилиш схемаси тасвирланган. Ғор тасвирларидаги иккинчи элемент ов қилиш маросимлари. Учинчи элемент театр тамошаси сингари ўйин вазиятини акс эттиради. Ибтидоий тасвирий санъатнинг ҳар учала элементи қадимги одамларнинг кундалик ҳаётида бир – бирига аралашган, алоҳида адралиб кетмаган маданият ва онг маданият шакллари мавжуд бўлгани – овчилик, диний, ўйин ритуллари қўшилиб акс этгани тўғрисида ҳукм чиқариш имконини беради.

9. Қадимги одамнинг онгли тажрибаси ниҳоятда чекланган. Минг йиллар давомида жуда секин тўпланади ва умумлаштирилади. Қадимги дунё одами ўзини табиатдан, ўзининг ижтимоий муҳитдан ажрата олмайди. Унинг онгли тажрибаси – бу асосан унинг организмнинг жисмоний кучлари, энергетикаси, ҳаракат қобилияти, тана органларидан чиқариладиган жисмоний – психик информацияси билан мустаҳкамланган жисмоний (тана) тажрибасидир. Инсон олами жисмий – ҳиссий моделликлар: ҳаракат, маза сезиш, хид билиш орқали қабуллайди: у кўради, эштади, татиб кўради, хидлайди. Оламнинг ҳиссий – жисмий образида турли информация маъноларига эга бўлиб, улар бир бутун диффузланган (аралашган) шаклда берилган. Информацияни ҳиссий – образли қайта ишлаш ассоциатив

механизми энди – энди шаклланаётган бўлади. Фазо вақтингбирлашган принципи бўйича, частотаси, ўхшашлиги бўйича тасаввурда нарсанинг ўзини, унинг образидан, нарса ва унинг хоссаларини ажратишга имкон бермайди. Ҳар бир хосса конкрет нарсанинг маъносини беради, бир нарсалар ёки хоссалар иккинчи нарса ва хоссаларга айланади, сўз билан шу сўз билдирган нарса орасида фарқ йўқ. Ҳиссий – образли бирлашишлар симбиози кўрқув, хурсандчилик, қаҳр – ғазаб, шубҳа, антипатия, симпатия, безовталаниш ва ш.ў. ларнинг эмоционал тусланишларига бўялади. Ибтидоий эмоцияларнинг кучи шундайки, уларда аёний ақиллик элементлари кўшилиб кетади, эхтирослар ақллилик куртакларини босиб кетади. Ана шунда реал (ҳақиқий) дунё билан тасаввурлар дунёси (иллюзияли дунё) орасида фарқ қолмайди, барча нарса руҳлантирилган ва мантиқий жиҳатлари унинг ягона (айрим) предметлар, хоссалар ва муносабатларда эгоцентрик йиғналганлиги билан шартланади; эмоционал – иллюзор схемалардаги мулоҳазалар исбот қиладиган қурилмалар ўрнини олади; реал сабаб ва оқибат муносабатлари ўрнига «бундан кейинми, демак шу сабабли» деган принцип ишлайди; ҳар бир воқеа ёки хабар рост деб қабул қилинаверади. Қадимги инсон ҳаракатлари ва мулоҳазаларининг интуитив «мантиғи» бир ходисадан иккинчи хусусий ходисага, бир хусусий мулоҳазадан иккинчи мулоҳазага оддийгина кўчиришдан иборат бўлади. Унда ҳали индуктив ёки дедуктив шаклларда ҳулоса чиқаришга доир мантиқий умумлашмалар қилиш қобилияти шаклланган эмас. интуитив мантиқ ҳали зиддиятни сезувчан эмас. бундай мантиқ «юқори - паст», «ўнг - чап», «эзгулик - ёмонлик», «аччиқ - ширин» ва ш.ў. типдаги муносабатлар улардан бирини иккинчисига келтириш, ёки қандайдир учинчи бир қарама – қаршилиқ ўтиш йўли билан бартараф қилинади. «Предметга айланма йўл билан келиш» архаик билишда «синаб кўриш ва ҳатолар» йўли билан (инсон синаб кўради ва янлишади ва яна синайди ва ҳ.к.) турли четланишлар ва такрор қайтишлар орқали билишни эслатади. Примитив тушунчаларда улар ҳажми билан мазмуни ўртасида мувофиқлик бўлмайди, шу туфайли ходисалар, уларнинг хоссалари ва муносабатларини уруғчилик ва турларга тегишлилик принципи сақлаган ҳолда шу синфга тегишли бўлган «барчаси», «баъзилари» ва ш.ў. каби мантиқий кванторларда ифодалаб бўлмайди. Тилнинг тараққиёти (товушлардан иборат нутқ ва ёзув нутқи) одамларнинг билиш ва коммуникатив қобилиятларини шаклланишига ижобий ёрдам беради.

Шундай қилиб, ҳозирги замон фалсафий антропологияси инсон муаммосини унинг табиатининг тарихий, маданий ва ижтимоий сифатларининг ўзаро таъсирида тасаввур қилади. Инсонга фалсафий – антропологик қараш унинг тили ва онгининг илк шаклланишини равшанлаштириш, унинг ҳаёт фаолияти, билиш ва мулоқотининг инструментал хусусиятларини аниқлаб олишга имкон беради. Бироқ бизнинг инсон тўғрисидаги фалсафий таълимотга берган баёнимиз тўлиқ бўлиши учун инсон ҳаётининг индивидуал – шахсий хусусиятлари билан ҳам танишиб чиқишимиз керак.

Инсон тафаккури билан ўзини ташқи оламдан ажратиб олди. Агар у ўз ички шаклини (моҳиятини) ҳам ажрата олса, бундай инсон ҳаётда қандай ўзгаришлар бўлмасин ўз шаклини барқарор сақлай олади. Зеро ҳаётнинг чин кадр-қиммати, маъноси ҳам шунда, тартибланганликнинг ўзгармас ва абадий барқарорлигида. Биз бу тартибланганликни сезгиларимиз билан эмас, тафаккуримиз билан била оламиз. Шунинг учун тафаккур кучи – инсондаги асосий куч, ҳақиқат ва ахлоқнинг умумий манбаи. Фақат ўз тафаккурида (руҳиятида) инсон эркин, автоном бўла олади, ўзлигини сақлай олади.

“Ўзингни ҳар ёққа урма, ховликма, - дейди Марк Аврелий, — ўзингни эркин тут, ҳамма нарсага эркакдай, фуқародай, оддий инсондай қара... Нарсалар инсон қалбига кира олмайди, улар ташқарида қолади; кўнгил хираликларнинг сабаби фақат кишининг ўз ички имон-эътиқоидида... Барча ташқи нарсалар ўзгариб туради ва тез йўқолади. Ўзинг қанча ўзгаришлар гувоҳи бўлганинг ҳақида ҳам кўп ўйла. Олам – ўзгариш демакдир, ҳаёт эса - имон-эътиқод демак.”

Стоиклар инсон концепциясининг жуда катта эътиборга молик жиҳати шундаки, у туфайли инсон ўзининг ҳам табиат билан уйғунлигини, ҳам ундан мустақиллигини бир вақтнинг ўзида ҳис эта олади. Зеро, инсон ўзини табиат билан мувозанатда эканини ва бу мувозанатни ҳеч қандай ташқи куч буза олмаслигини, (*ataraxia*)ни ҳис эта олган. Шунга кўра қадимги даврда бу таълимот катта таъсир кучига эга бўлган.

Лекин, бу таълимот кейинчалик христианлик диний назарияларига зид кела бошлади. Аслида стоиклар ва христианлик идеаллари бир-бирига зид келмаслиги, аксинча, улар бир-бирини тўлдириши мумкин эди. Ҳаялар тарихида бир мутафаккир онгида ҳар икки идеал ўзаро таъсирда бўлгани ҳам кузатилади. Аммо кейинроқ бориб улар орасидаги боғланиш узилди. Чунки, стоиклар инсоннинг табиатдан мустақиллигини унинг асосий афзалияти деб билган бўлсалар, христиан доктриналарида бу унинг асосий илллати ва хатоси деб кўсатилди ва шу хатосини тузатмагунича инсон халокадан қутула олмаслиги ҳақидаги ғоя олдинга сурилди. Шу икки қараш орасида кўп асрлар тинимсиз кураш кетди ва бу кураш Уйғониш даврида ҳам, XVII асрларда ҳам давом этгани кузатилади.

Умуман олганда, нафақат антропологияда, балки ҳар қандай таълимот тарихида ҳам ўзидан аввалги таълимот тезисига қарши, уни рад этадиган антитезисни олдинга суриши кузатилади. Бу диалектик қонуният. Зеро дунёда ўз қарама-қаршисига эга бўлмаган ҳеч нима йўқ. Лекин антропологиядаги зиддият бошқача, фожиавий тус олиши билан характерлидир. Яъни ғоялар орасидаги кураш жуда кучли инсоний эҳтирослар ва ҳис-туйғуларни кўзғотади, қарама-қарши кучлар тўқнашувида намоён бўлади. Чунки бу инсон тақдири, унинг ҳаётининг маъноси масаласи билан узвийдир.

Антропологик муаммо юзасидан стоиклар ва христианлик таълимотлари орасида вужудга келган зиддиятни англашда (авлиё) **Августин** шахсининг ўрни катта. Зеро, У айнан шу икки давр орасида яшаган фикри тиниқ мутафаккир эди. Августин IУ асрда яшаган ва юнон

фалсафаси, хусусан, неоплатонизм анъаналарида тарбияланган эди. Бошқа томондан эса, У ўрта асрлар тафаккурининг етакчиси, ўрта асрлар фалсафаси ва христиан догматикасининг асосчиси ҳам эди. Шунинг учун Унинг “Иқрорнома” асари юнон фалсафасидан то христианлик ваҳийсини тушунишга қадар босиб ўтилган йўлни кўриш имконини беради.

Августиннинг тушунтиришича, христианликка қадар бўлган фалсафий таълимотларнинг ҳаммасига бир иллат, бидъат юққан: уларнинг ҳаммаси ҳам тафаккурни инсоннинг энг олий куч-қудрати деб кўкларга кўтариб келган. Ақлнинг ўзи ҳам дунёдаги энг шубҳали ва ноаниқ бир ҳодиса эканини токи илоҳий ваҳий келмагунича инсон билиши шарт эмас деб қаралган. Ваҳоланки, ақлнинг аҳамияти ёритилмас экан, келиб чиқиши сирлигича қоларкан, бундай ақл бизни ёруғликка олиб чиқа олмайди, ҳақиқат ва ҳикмат йўлини ёрита олмайди.

Августин ақлнинг ноаниқ , бир қийматли бўлмаган, иккиёқламалик қилувчи ва мураккаб табиатли ҳодиса эканини тушунтиради. Одам илоҳнинг ўз суратидан нусха олиниб, ўз моҳияти ва ҳолатида кўра шу суратга тенг қилиб яратилган. Лекин Одам атонинг гуноҳи туфайли у ўзининг моҳиятини йўқотган. Бунинг натижасида Унинг ақлий кучи ҳам сўнган. Шунинг учун у ўз кучи ва имкониятлари билан ўзининг дастлабки соф моҳиятига қайтиш йўлини топа олмайди. Қайтиш мумкин бўлса ҳам фақатгина ғайритабиий йўл билан - илоҳий ваҳий ёрдамида қайтилади.

Ўрта асрларнинг барча буюк таълимотларида шу янги антропология олдинга сурилди. (Биз айти шу антропология суфизм таълимотига ҳам хос эканини , хусусан, Мансур Халложнинг “Ан ал-Ҳақлик” шиорида, шунингдек, шайх Насафийнинг “Ҳаққа етмаганлар бутпараст” экани мисолларида кузатган эдик.²) Хаттоки, ўз таълимотини ишлаб чиқишда қадимги юнон фалсафий манбаларига юзланган, Аристотелнинг издоши сифатида фикрлаган Фома Аквинский ҳам шу пойдеворий ақидадан четлашмаган эди. Лекин, Августиндан фарқли ўлароқ Аквинский илоҳий ваҳий ва нурланиш ёрдамида инсон ўз ақлидан тўғри фойдаланиши мумкин деган фикрни ҳам олдинга суриб, унинг куч-қудрати тикланишига ишонч билдирди.

Лекин, аслида ижобий моҳиятга эга бўлган бу янги антропология кейинчалик юнон фалсафасидаги барча қадриятларнинг тўлиқ инкор этилиши билан ниҳояланди. **Зеро, фақат ажратишга, таҳлилга таянадиган чизиқли мантикий, нодиалектик тафаккур ё буткул инкор этишни, ё буткул қабул қилишнигина биледи, қарама-қаршиликларни бирликка келтиришни билмайди. Ваҳоланки, Августин қадимги юнон файласуфларини ақлнинг айти шу нуқсонини кўрсатмаганида айблаган эди.**

Ўрта асрлар диний схоластикаси қадимги юнон файласуфлари, хусусан, Сукрот, Марк Аврелий, Эпиктет ва бошқалар учун ҳамиша буюк

² Қаранг: Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ. Тошкент. “Камлак”. 1995. 30- 31- б.

ҳикмат бўлиб келган “Ўзлигингни бил” классик максимасини нафақат амалий аҳамиятга молик эмас деб, хаттоки ёлғон ва хато деб чикди. Одам атонинг гуноҳи оқибатида инсон ақли ва иродаси бузилгани, бунинг натижасида ақлнинг турган битгани мантиқий зиддиятлардангина иборат бўлиб қолгани, шунинг учун у энди ўзига, ўз ақлига ишониши мумкин эмаслиги ва ақл ёрдамида ҳақиқатни билиши, масалан, Одам атонинг биринчи гуноҳи нима учун содир бўлганини табиий сабаблардан келиб чиқиб тушуниш мумкин эмаслиги, Худонинг ўзи сир экани ва унинг сурати бўлган инсон ҳам сир экани, демак у ўзлигини, ўз ҳаётининг маъносини, яъни нима учун бу дунёга келганини била олмаслиги, шунинг учун у энди фақат жим туриб, олий Ҳақнинг, Худонинг овозини тинглаши кераклиги ҳақидаги фикрларни олдинга сурди.

Шундай қилиб, христиан схоластикасида ақл Ҳақиқатни билишга қодир эмас, ҳақиқатни фақат дин билади, лекин дин инсонга бу ҳақиқатни аниқ ва оқилона (рационал назарий равишда) тушунтира олмайди, чунки диннинг ўзи аниқ ва рационал бўла олмайди, деган **ортодоксал диний антропология** шаклланди ва шунга асосланган диний мафкура узоқ асрлар мобайнида (ХУ11 аср охирларига қадар) Ғарб мамлакатлари ижтимоий тафаккурида ҳукмронлик қилиб келди.

Назорат саволлар:

1. Инсон ҳақидаги тушунчанинг тараққиёт характеристикаси.
2. Инсон фалсафий антропология муаммоси эканлиги.
3. Инсоннинг яралиши ҳақидаги жумбоқ, унинг ҳар хиллиги.
4. Мифологик дунёқарашда-инсоннинг яралиши ҳақидаги тасаввурлар.
5. Диний таълимотлардаги ҳар хил қарашлар
6. Инсоннинг рационалиги унинг дунёси билан боғланган жиҳатлари.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2010. -212 б.
2. Фалсафа асослари / М.А.Аҳмедова таҳрири остида. -Тошкент: Mehnat, 2006.
3. Ўзбекистон фалсафаси тарихи /Масъул муҳаррир Ҳ.Алиқулов. – Тошкент: NOSHIR, 2013. -308 б.
4. Қўшимча адабиётлар:
5. Мел Т. Восточная философия. М., 2002.
6. Ўзбекистонда ижтимоий — фалсафий фикрлар тарихидан. –Тошкент, 1995.
7. Буюк сиймонлар, алломалар. –Тошкент: Фан, 1995.
8. Маънавият юлдузлари. –Тошкент, 1995.
9. Жумабоев Й. Шарқ фалсафаси –Тошкент, 2006.

10. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлокий фикрлар таракқиёти тарихидан –Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
11. Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий—сиёсий фикрлар тарихидан лавҳалар. –Тошкент, 1994.
12. Материалы по истории прогрессивной общественно—философской мысли в Узбекистане. –Ташкент, ФАН. 1997.
13. Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан –Тошкент: ФАН, 1990.
14. Аждодларимиз мероси — мафкурамиз гавҳари. –Тошкент, 2001.
15. Дарно Антисери и Джованни Реале. Западная философия от истоков до наших дней. -М., 2001.
16. Буюк истеъдод соҳиблари. –Тошкент, 2002.
17. Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва шарқ мутафаккири. –Тошкент, 1971.
18. Хоразм Маъмун академияси. –Тошкент: ЎзР ФА, 2005.

3-МАВЗУ: ФАЛСАФА ТАРИХИДА ИНСОН МУАММОСИ.

РЕЖА:

1. Қадимги хинд, хитой ва илк юнон фалсафасида инсоннинг табиати ҳақидаги сюжетлар рационал жиҳатлари
2. Инсонга фалсафий – антропологик қараш унинг тили ва онгининг илк шаклланишини равшанлаштириш, унинг ҳаёт фаолияти, билиш ва мулоқотининг инструментал хусусиятлари
3. Шахс – инсоннинг ижтимоий сифати

Таянч иборалар: инсон фалсафаси, антропология, жон, органик ҳаёт инсон ҳаёти.

XIX асрнинг биринчи яримларидан бошлаб маърифатпарварлик даврида фанларнинг энг олий намунаси ҳисобланган математикадан кейин тараққиёт эстафетасини биология қабул қилган эди. Лекин ўша даврда ҳам Янги ва Маърифатпарварлик даври руҳияти таъсирида математикавий психологияни (руҳшунослик фанини) асослашга умид боғлаган И.Ф. Гербарт (1776-1841) каби файласуфлар ва Г. Т. Фехнер (1801-1887) каби психологлар ҳали бор эди.

Лекин, Дарвиннинг “Турларнинг келиб чиқиши” асари пайдо бўлганидан кейин бу режалар пучга чиқди. Шундан буён фан инсон табатини тушунишда ҳеч қандай фалсафий мушоҳадаларга берилмасдан, табиатни, хусусан, инсон табатини таърифлашга, моҳиятини ёритишга, яъни инсон фалсафасини яратишга уринмасдан фақатгина умумий эволюция назарияси саҳоват қилиб кўрсатган эмпирик материалларни йиғиш билангина хотиржам шуғулланиш мумкин бўлган янги илмий антропологияни шакллантириш ва ривожлантириш йўлидан кетди. Лекин, бу ерда муҳим ишлар йиғилган фактларнинг ўзида эмас, балки уларнинг назарий талқини борасида амалга ошди. Яъни, ушбу талқинларнинг маъноси эмпирик фактларнинг ўзидан келиб чиқмаган, балки улар остида яширинган метафизик принциплар (пойдеворий фалсафий ғоялар) борлиги билан белгиланган эди. Аслида эса эски метафизика ҳамон фан тараққиётининг яширин ҳаракатлантирувчи кучи эди. Зеро эволюция назариясининг ўзи янги эмас, балки Аристотелнинг органик ҳаёт ҳақидаги умумий психологик қарашларидан келиб чиққан эди. Янги ва эски эволюция таълимотлари орасидаги фарқ фақат шунда эдики, Аристотел назариси бу эволюцияни шакл фаолияти (шакл сабаб) билан

боғлаган бўлса, янги назария материя билан боғлаган эди. Аристотел табиатдаги жараёнлар умумий режасини, ҳаётнинг келиб чиқишини тушуниш учун куйидаги турган шаклларни юқоридаги шакллар орқали тушунтириш керак деб ҳисоблаган эди. Унинг метафизикасида “табiiй тананинг биринчи актуаллашуви сифатида” жон, органик ҳаёт инсон ҳаёти тушунчаларида ифодаланган эди. Ва инсон ҳаётининг мақсадга мувофиқлиги бутун табиатга ҳам хос деб қаралган эди. Ҳозирги давр илмий назарияларида бу тартиб бошидан оёққа (тескарига) ўгирилди. Аристотелдаги бош сабаблар материалистик фан учун жаҳолат белгисига айланди.

Умуман, Дарвин китобининг бош мақсадларидан бири замонавий тафаккурни туб сабаблар (Аристотелнинг борлиқ субстанционал сабаблари) ҳақидаги сароб фикрлардан озод этиш бўлган эди. Унинг ёндошувига кўра, биз фақат моддий сабаблардан келиб чиққан ҳолда органик табиатнинг структурасини тушунишга интилишимиз керак – акс ҳолда уни тушуниб бўлмайди. Ваҳоланки, Аристотел таълимотида моддий сабаблар – моҳиятан “тасодифий”. Аристотел ҳаётни тасодифий сабаблар орқали тушуниб бўлмаслигини таъкидлаган эди. Замонавий назариялар эса айна шу йўлни танлади, яъни ҳаёт оддий тасодифий сабаблар натижасида келиб чиқиши ғоясига таянди. Яъни, ҳар бир организмда содир бўладиган тасодифий ўзгаришлар энг оддий ҳаёт шаклларида тортиб мураккаблари келиб чиқишига қадар бўлган барча кейинги ўзгаришларни тушуниш учун етарли. Ушбу нуқтаи назарнинг энг ёрқин намояндаларидан бири фалсафий фикрлашни хуш кўмайдиган Дарвин эди.

Лекин чинакам илмий антропология ўз тараққиётида яна бир энг муҳим қадамни қўйди. У органик ҳаёт шакллари орасидаги чегарани олиб ташлади. Айрим турлар эмас, балки битта ялпи умумий ҳаётнинг узлуксиз оқими бор холос. Лекин биз ушбу ғояни инсоният ҳаёти ва маданиятига қўллай оламизми? Яъни маданият дунёсида ҳам шундай тасодифий ўзгаришлар содир бўладими? Унда муайян ва аниқ мақсадга йўналган структуралар мавжуд эмасми? Шу тарзда умумий эволюция назариясига таянган файласуфлар олдида янги муаммолар кўндаланг бўлди. Улар маданият дунёси, инсоният цивилизацияси моддий ходисалар учун ҳам, руҳий ходисалар учун ҳам умумий бўлган муайян миқдордаги сабабларга бўйсунганини исботлашларига тўғри келди. И.Тэн ишлаб чиққан “Санъат фалсафаси” шундай янги типдаги маданият фалсафаси бўлди.

Лекин бу ерда яна бир савол келиб чиқади? Бизга инсон табиатида кашф этиладиган турли импульсларни (майл, интилишларни) эмпирик ўрганиш ва ҳисоблашларнинг ўзи етарлими? Ахир ушбу импульслар фақат таснифланилса ва тизимлаштирилсагина реал илмий аҳамият касб этади? Бу икки иш турли даражаларга мансуб экани равшан. Уларнинг нималигини, қандай структурага эгаллигини тасаввур этиш, инсон беҳад мураккаб ҳаёти замида ётган, бизнинг бутун фикр ва иродамиз механизмини ҳаракатлантириб турадиган яширин кучни излаб топиш керак эди. Барча назарияларнинг асосий мақсади инсон табиатидаги бирлик ва ўхшашликни исботлашдан иборат бўлган эди.

Лекин, агар ушбу назария асосчиларининг тушунтиришлари ўрганиб чиқилса, инсон табиатида бирлик мавжудлиги ҳақидаги бу фикрлар жуда шубҳали кўринади. Бунда назариётчи-файласуф-олимларнинг ҳар бири ўша яширин кучни излаб топдим деб ўйлайди. Аммо улар ўзлари таянган раҳбар ғояларни турлича таърифлайдилар, бир-бирларига зид қарашлар ва тушунтиришларни олдинга сурадилар ва инсон табиати, унинг ҳаётининг маъноси ҳақидаги ўз қарашларини олдинга сурадилар. Ушбу файласуфларни қатъий эмпириклар деб аташ мумкин, чунки улар фактларга ва фақат фактларга таянадилар. Лекин эмпирик равшан нарсани тушунтиришда улар бошиданок турлича ёндошадилар, ва назария ривожлана боргани сари бу ўзига хослик тобора асосланиб боради. Масалан, Ницше ҳукмронлик иродасини олдинга сурди, Фрейд сексуал инстинктнинг ролига урғу берди, Маркс эса иқтисодий инстинктни биринчи ўринга қўйди. Ҳар бир назария ўз ўлчамини тўғри деб билади. Булар ҳозирги давр инсон назариялари ўз ғоявий асосига эга эмаслигини, аксинча, фикрлар тўлиқ анархияси, кризис қарор топганини кўрсатади.

Умуман, фанда нафақат инсон, балки бошқа барча масалалар муносабати билан ҳам турли келишмовчилик, кризис ҳолати содир бўлиб турган эсада, лекин бу муаммоларга нисбатан улар орасида қандайдир умумий пойдевор сақланиб қолгани кузатилган эди. Бунда таълимот ёки концепциялардан бири мазкур муаммо юзасидан олдинга чиқиб, тадқиқотнинг кейинги тараққиётига раҳбарликни ўз қўлига оларди. Лекин инсон муаммоси борасида эндиликда содир бўлган реал кризис бўйича барча индивидуал йўналишларни йўналтира оладиган умумий куч бошқа майдонга чиқмади. Ҳар бир таълимот ва концепция (теологлар, олимлар, сиёсатчилар, жамиятшунослар, биологлар, психологлар, этнографлар, иқтисодчилар) инсон, унинг ҳаётининг маъноси муаммосини ёритишда ўз хусусий нуктаи назарига эга ва ҳар бири масаланинг ўзига тегишли қисмини, аспектини ўрганади ҳолос. Уларни йиғиб, яхлитлаб, бир бутун қиладиган қараш йўқ. Хаттоки, хусусий йўналишларнинг ўз ички мазмунида ҳам бу борада умумий бош ғоя кузатилмайди, ҳар бир олим ўз субъекти қарашини олдинга суради. Ваҳоланки, ҳозирги даврда мазкур муаммо юзасидан қарор топган бу ғоявий антагонизм нафақат назарий жиҳатдан носоғлом вазият юзага чиққанини, балки **бутун инсоният ахлоқий ва маданий ҳаёти учун жиддий хавф** туғилганини кўрсатадиган белги эди.

Ғарб фалсафасида мазкур хавфни биринчи марта аниқлаган ва кўрсатган мутафаккир Макс Шелер³ (1874-1928) ҳисобланади. У ҳеч қачон инсонни билиш инсон учун бутунги кундагидай мушкул муаммо бўлмаганини қайд этди. Инсонни ўрганадиган махсус фанлар сонининг ортиб бориши баробарида инсон нима экани, унинг ҳаётининг маъноси муаммоси илгаригидан ҳам бадтарроқ чигаллашиб бораётганини таъкидлаб кўрсатди.

Ҳар қандай одам ҳам ўзининг ягона умрини бир марта ўтишини ва

³ Шелер М. Положение человека в космосе (Scheler M. Die Stellung des Menschen im Kosmos. Darmstadt: Otto Reichl Verlag). 1928. 31-95 бет.

унинг бошқа имконияти ўқлигини инкор қила олмайди. Болаликда у одатда ўйнайди, ўспиринлик ва ёшликда ўқийди, етук ёшларда ишлайди ва кексайганда қандай имкон топса, шундай дам олади. Ўзининг бутун умпи давомида у турли-туман ҳаётий вазиятларда бўлади, ўзини у учраган вазиятларга мувофиқ тутаяди, дуч келган қийинчиликларни енгишга интилади, бир неча марта ўзининг ҳаётий кадриятлари баҳолайди ва қайта боғлайди, бошқа одамлар билан мулоқотда бўлади. Унинг ҳаёти воқеаларга тўлиб тошган, ўзининг ва бошқаларнинг қилган ишларига тўғри келади, турли масалалар борасида улар билан муносабатга киришади, бирлари билан дўстлашади, бировини севади, оила қуради, ўз болаларини тарбиялайди, хизмат зиналаридан кўтарилади, ўз ишларида ютуқларга эришиб, юқори мансабларга кўтарилади. Инсон ўзининг ҳаётий дунёси билан чатишиб кетади, бу дунё унинг ички дунёсига айланади, бу ерда у ўзини хўжайин деб билади ва одатда ўзининг истиқболдаги ҳаёти тўғрисида ўйлагани ўйлаган. Инсон режалар тузиб, ўзининг истиқболдаги ҳаётини мулоҳаза қилиш хосдир. «Инсон ўйлайди, худо эса бажаради» («Человек предлагает, а Бог располагает») деган мақолни ҳамма эшитган бўлса-да, бироқ ўзининг келажакини бефарқ қарайдиган эс-хушли одамни топиш қийин. Одатда инсон келажак ҳақидаги тасаввурлардан унинг ҳаётий дунёсининг ҳолати ва истиқболдаги ривож бевосита ёки билвосита боғлиқ эканини тушуниб етади. Шундай қилиб, инсоннинг ҳаётий дунёси ҳақида биринчи тасаввур ушбу параграфни ўқиб чиққан киши учун тушунарлидек туюлади. Бироқ «индивидуаллиги» ва «шахс» тушунчалари нимани билдириши ҳақидаги саволлар нафақат фалсафани билмайдиган одамларни, балки ҳатто гуманитар фанларнинг ҳар қандай вакилларини ҳам доводиратиб «Индивидуаллик» ва «шахс» тушунчалари гуманитар фанлар вакилларининг бутун фаолиятида учрайверади, бироқ улардан тегишлича методологик ақллилик билан фойдаланиш ҳаддан ташқари қийин. Бу тушунчаларга боғлиқ ҳолда гуманитар билимда ва хусусан, фалсафий билимда, пайдо бўладиган масалалар анча турли-тумандир. Агар инсон тўғрисидаги базавий тушунча бу тушунчалар учун умумий асос бўлса, у ҳолда улар бир-бирига қандай муносабатда? Бу тушунчаларнинг ривож тўғрисидаги масала билан қаторда уларнинг хоссаларини табиат, маданият ва жамият контекстида конкретлаштиришга ҳаракат қилинади. Шунинг учун бу тушунчаларнинг табиий, тарихий, культурологик ва ижтимоий сифатлари ҳақидаги масалаларнинг қўйилиши ҳақдир.

Ҳар биримиз жинсларнинг икки тури – инсон ҳаётининг табиий ташкилланиши эркаклар ва аёллар тарзида бўлигани – бу ташкилланишнинг чегаравий асосларидан биридир. Эркак ва аёл зотларининг вакили сифатида ҳар бир алоҳида одам (инсон) ўзининг биологик хоссаларига кўра **индивиддир**. Тирик мавжудотлар турларини биологик классификация қилинишига кўра, инсоннинг тур тарзидаги тушунчасига уни бошқа тирик мавжудотлардан фарқловчи турга хос умумий белгилари киради. «Индивид» тушунчаси айрим одамнинг белгиларини билдиради, бу белгилар инсоннинг тур тарзидаги тушунчасилан боғлиқ (тобе) бўлишини кўрсатади. Агар биз

конкрет индивидга нисбатан «шахс» сўзини фойдалансак, бу билан биз унинг ҳаётининг индивидуал сифатларига, унинг ҳаётий дунёсининг индивидуаллигига эътибор берган бўламыз. Инсоннинг ўзининг шахси ва индивидуаллигини англаши фақат унинг одамлараро муносабатлари туфайли, конкрет жамият туфайли, конкрет ижтимоий гуруҳ, ёки ижтимоий институт туфайли эришилади. Шахс ҳаётий фаолиятининг индивидуал чегаралари конкрет маданиятнинг ва конкрет тарихий даврнинг фазоси ва вақти билан берилади.

Шахс – инсоннинг ижтимоий сифати бўлиб, бу сифат жамият ҳаётида унинг ўйнайдиган роллари тўплами билан конкретлаштирилади. Шахснинг соҳиби (ташувчиси) индивиддир, ундан ҳосила сифатида «индивидуаллик» тушунчаси келиб чиқади. Ўз навбатида инсон индивидуаллигининг маъно жихатидан ўзига хослиги индивиднинг биологик белгилари билангина тамом бўлмайди. Индивидуаллик инсон ички дунёсининг маъносини, унинг конкрет маданият ва муайян тарихий давр шароитларида рухий потенциални ифодалайди. Инсоннинг индивид сифатидаги ҳаётий дунёси унинг биологик афзалликларининг (тана конституцияси) такрорланмаслиги ва уникаллиги (мукамал) билан, ижтимоий ва маданий-тарихий белгилари билан фарқ қилади. Инсон нафақат индивид маъносида, балки тарих, маданият ва жамият маъноларида ҳам такрорланмас ва уникалдир. Ҳолбуки, шахснинг такрорланмаслиги ва уникаллиги ҳамда унинг ҳаётий дунёсининг индивидуаллиги уларга мувофиқ маданият ва жамиятнинг тарихий контекстлари томонидан юзага келтирилади. Одамларнинг шахс ва индивидуаллиги орасидаги маънолар чегараси ихтиёрий ва аниқ эмас (ёйилган)дир. Инсоннинг жамиятдаги шахсий позицияси кўп даражада унинг индивидуаллигига боғлиқдир. У фақатгина мазкур жамият ҳаётининг эҳтиёжлари, нормалари ва идеаллари билан белгиланмайди. Гуманитар ижтимоий фанларда индивидуаллик ва шахс тушунчаларининг кўп маънолилигидан қутилишга интилиш ҳамавақт ҳам ўринли эмас.

Шахс тушунчаси индивидланинг муайян ижтимоий-тарихий умумийлик (этник умумийлик) чегараларидаги идеал типиклаш билан белгилангандир. Бу тушунчанинг бошқа маънолари қадрият характерига эга. Бир томондан, шахс универсал тушунча бўлиб, инсоннинг маълум қиёфасини белгилаш учун қўлланилади, бу қиёфада мазкур маданиятнинг маънавий, ахлоқий ва ҳулқий қадриятлари акланган. Шахс ўзининг ишларида намоён бўлади. Бошқа томондан шахс тушунчасининг шаклланиши Европа маданияти ва фалсафасининг чегаралари билан чеклангандир. Шахс тушунчаси кўпинча ўз-ўзини англаш ўв ўз-ўзини баҳолаш билан ўхшатилади. Европа фалсафаси (жумладан, рус фалсафаси) анъаналарида шахсни виждон, жавобгарлик (маъсуллик) ва инсоннинг танлаш эркинлиги маъноларида тарифланади. Шахснинг ички дунёси инсон ҳулқининг стратегия ва тактикасини ички танлаш акти билан боғланиб кетган. Албатта, инсон ўз дунёсида ўзини «мослашувчи» тарзида эркин тутиши ва бу билан маданият ва жамиятда ҳар қандай ҳаётий вазиятларга мослашиб (адаптирланиб) ўтиши мумкин. Шахснинг индивидуал қоблиятлари унинг оригинал ҳулққа бўлган

кўрсатмаларида гавдаланади. Шахснинг индивидуал қобляти унинг мустақил ишларида ва фаолиятининг инновацион актларида тўлалигича очилади. Маданиятларнинг конвергенцияси ва инсон тажрибасининг универсаллашиб бориши шароитларида инсоннинг ҳаётий дунёсини характерлашда «шахс» ва «индивидуаллик» сўзларининг ўзаро боғланган эканлиги ҳақида гапириш мумкин.

Бугунги кунда шахс турли татқиқот қизиқишларининг марказида бўлиб келади. Масалан, социологик нуқтаи-назаридан шахс инсоннинг жамиятдаги ўрни вазифаларининг (оилавий, касбий, иқтисодий, сиёсий ва ш.ў.) тўплами бир бутунлиги тарзида таърифланади. Шахсга культурологик ва тарихий ёндашувлар унинг конкрет маданиятлар контекстидаги хусусиятлари (масалан, Ғарб, Шарқ, Африка турли маданиятларида шахснинг ўзига хослиги) ёки қандай ўз конкрет тарихий давр контекстида (масалан, Қадимги Рим эркин фуқаросининг, ўрта аср рицарининг ёки Давлат думаси депутати шахсининг) ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапириш мумкин. Шахс психологияси инсон ҳаётининг турли ёшлари давридаги индивидуал таракқиётини ўрганади (масалан, боланинг, ўсмир ёки қизнинг, кекса эркак ёки аёлнинг шахси ва ҳ.к.).

Шахснинг ҳаётий динамик (ҳаракатчан) ва доимо у ҳаракатланаётган маданиятнинг ва жамиятнинг ўзгаришида ўзини муайян даражада тутади. Инсоннинг ўзининг ҳаётий дунёси инсонга унинг эркинлиги ва тарихий ўзгаришлари нимада эканлигини аниқ кўрсатиб беради. И.кант айтган эдики, эркинлик амалдаги ахлоқий қонуннинг ишонч ёрлиғи орқали мавжуд бўлади. Файласуфнинг айнан шу таърифидан индивидуалликни тушунишнинг калитини топиш мумкин. Жамиятда одамлар орасидаги муносабатларнинг индивидуаллашиб бориши жараёнлари амалдаги умум яшаш нормалари (бурчлар, касбий иқтидорлар, ҳуқуқ) ва уларнинг модификациялари билан шартлашган бўлади. Индивид бурчларга мослашган бўлади, иқтидор ўзида инсон индивидуаллигини гавдалантиради, ҳуқуқ эса шахс мақомини кафолатлайди. Ҳаёт дунёсининг саналган учта инсоний сифати ўзаро боғланган ва унинг чегаравий асосларини ташкил қилади.

Одамларнинг бурчлари – уларнинг умум яшашларининг, жамиятдаги ўзаро таъсирининг ажралмас шартидир. Шундай жамоани тасаввур қилиш мумкинки, унда одамларнинг хусусий ҳаёти бўлмасин. Бироқ тақиқ тарзида амал қилувчи мажбуриятлари бўлмаган жамиятнинг мавжудлиги мумкин эмас. Ҳар бир индивид жамият аъзоси сифатида амалда барқарор бўлган тақиқларнинг бузилиши учун жавоб беради. Барча примитив жамиятларнинг репрессив амалиёти бу жиҳатдан ниҳоятда равшан. Жамиятдан бадарға қилинган инсон ёлғизланиб қолади, у ўз-ўзига яшайди. Унинг айби аввалида тақиқларни бузилишида унинг иштироки билан боғлиқ фикрларга асосланади. Жамиятда амалда бўлган тақиқларни бузишга доир мотивларни излаш цивилизациянинг куртак ёзаётганидан далолатдир. Шахснинг жамият олдида индивидуал маъсуллигини тушунишга доир радикал ўзгаришлар янги монистик динлар шаклланиши билан рўй берди. Жамият аъзоси ўзининг индивидуал фикрларини амалга оширгани учун қораланди.

Христианлик дини ҳатто амалга оширилмаган фикрлар (бу айниқса инсон ҳаётидаги интим ва хирс интилишларига тегишли) учун ҳам одамга айб кўяди.

Шахс ҳаёт дунёсининг индивидуаллиги англанган хулқи билан, бу хулқда барча ижтимоий бурчларнинг муштараклиги билан боғланади. Жамият олдидаги ўз бурчларини англаб етиш инсоннинг эмансипация жараёнини жонлантиради. Инсоннинг иқтидори унинг ташаббускорлик ҳаракатлари билан боғланган ва ўз ҳаёт дунёсининг мақсадлари ва идеалларига мувофиқ иш кўриш ҳуқуқи тарзида шаклланади. Кант асосан одамларни уларнинг ўз бурчларини кўрқувга асосланиб эмас, балки осмондан ва ердан уларга нима хавф солаётганига қарамай, соф виждон билан бажарганликлари орқали баҳоланар эди. Шахс ҳаётининг индивидуаллиги конструктив маъно касб этиш учун ҳуқуқ-тартиботни ёймок керак. Ҳар бир жазо инсон айби билан монандланган. Ўз ҳаётининг дунёсини чуқур (шу жумладан айбини) чуқур ҳис қилиш (тахлил этиш) инсон ҳаётида қадриятларни қайта баҳолаш ва янги қадрият ўйналишларнинг шаклланишига олиб келади. Ҳар бир конкрет маданият ёки тарихий даврга ўз қадриятлари хосдир. Масалан, япон маданиятининг машхур жиҳати инсонлар конкрет уюшмасининг (бирлашмасининг) талабларига мослашиш, уларга тенглашиш хусусиятидир. Агар инсоннинг қадриятли ҳаёт уклади ана шундай мослашиш актларига ориентирланган, йўналтирилган бўлса, у ҳолда барча қийинчиликлар ечилган, муаммолар ҳал бўлган бўлади. Японнинг ҳаётида мослашиш актлари маълум гуруҳга, уюшмага (оила, уруғ, клан, кишлоқ ва ш.ў.) бирикиш (кўшилиш) тарзида амалга ошади. Ҳатто унинг ўз исми ҳам умри давомида қандай гуруҳга тегишли бўлганига қараб бир неча марта ўзгариши мумкин. Маданиятда шахсга асосланишининг йўқлиги, тўғрироғи унинг бирмунча чеккада гавдалантирилиши ранг тасвир анъаналарида ишонарли намоёиш қилинади, бунда пейзаж ёрқин ифодаланади, портретга эса ниҳоятда кам аҳамият берилади. Портрет схемалаштирилади ва унга индивидуалликка эга бўлмаган ижтимоий мавқеъ берилади. Адабиётда бундай ҳодисага биз портретни сўз билан таърифлаётганда унинг кийим-бошига ва ижтимоий мавқеъига эътибор тўла қаратилган ҳолларда дуч келамиз (яъни индивидуал хусусиятлари гапиримаётганда). Шундай қилиб, Шарқ маданиятида инсон маданият, жамият безак, нақшларига чизилиб кетади, дунёнинг ижтимоий тизимида мос ячейкани эгаллайди, унга эзгулик тарзида ўсиб-униб бирикади.

Европа анъанасида ягона Худога эришиш шахс санок нуқтасидан бошланади, чунки инсоннинг жонивор, маҳлуқлик табиатини тасдиқлайди. Ғурур инсонни улуғлайди. Ғарб маданиятда инсон индивидуалликка ўзининг ҳаётининг дунёсида биқик ҳолида, бошқа одамлардан бегоналашган тарзда интилади. Ғарб маданиятда инсон ўз нуқтаи назари, ўз фикри ёки позицияси билан гавдаланади. Масалан, ранг тасвирда рассомнинг нуқтаи назари перспектив курилмалар усулида гавдаланади. Символик шакл сифатида перспектива рассом дунёқарашининг проекциясидир, унинг яратувчи сифатидаги шахсийлик потенциалсини (имконини) ифодалайди. Ҳолбуки, Шарқ ранг тасвирида (Ҳитой, япон рассомларида) на тўғри, на тескари перспектива йўқ, картинада на ташқаридан ва на ичкаридан ягона марказ бўлмайди. Бу картинада рассомнинг нуқтаи-

назари пайқалмайди. Тасвирланаётган дунёда рассомнинг ўзининг ўрни йўқ. Рассомнинг марказсиз позицияси тасвирланаётган дунёни қандайдир марказдан маҳрум қилган. Шунинг учун Шарқ маданиятида шахс текисланиб кетади, четлаштирилади. Бизнинг мулоҳазамизни тасдиқлайдиган конкрет мисолга муножаат қилайлик. Санъат тарихидан маълумки, Микеланджело ва унинг замондоши япониялик рассом Эйтоку монументал ишларга буюртма оладилар (албатта, улар бир-бирларининг бор эканликларини билмас ҳам эдилар). Микеланджело фигуравий композицияларни Синкстинк капелласи плафонида бутун фазони берк қисимларга бўлиб тасвирлади. Япон рассоми эса сарой деворининг бутун улкан фазосида битта ягона пейзаж сюжети-шоҳлари ҳар ёққа ёйилган улкан биргина қарағай бўлган бир бутун композицияни чизди. У дарахтни, деворнинг ўзининг архитектуравий жиҳатдан бўлиши хусусиятларига эътибор бермай, бутун деворга чизди. Эйтоки ўз шогирдлари билан ишлади, Микеланджело ёлғизликда тўрт йил бериб ишлади.

Ҳаёт дунёсининг тарихийлиги инсон ҳаётининг динамиклиги билан ифодаланади. М.Хайдеггер, инсон борлигининг чегаравий асоси вақтидир, деб уқтирган эди. Вақт-бу инсон ҳаётдан ташқаридаги нарса эмас, балки вақт бу дунё инсон учун нима эканида, ўтмишда нима бўлганида ва келажакда нима бўлиши мумкинлигидадир. Инсон бошқа одамлар билан ҳаракат қилганида, мулоқотда бўлганида ўз дунёсида ўзгаришлар содир бўлаётганини сезади ва бу билан ҳаёт вақтининг ўтишини ҳам пайқайди. Вақат унинг ҳаётининг ҳар бир пайтини белгилайди. Ҳар кунги ҳаётимизда биз доим соатлар билан иш кўрамиз ва улар билан вақтнинг ўтишини, давомийлигини текширамиз. Биз «ҳозир», «бўлади», «бўлган эди» деймиз ва вақтининг саноқчилиги бўлган соатларнинг кўрсатишларини гапирамиз. Бизнинг ташвиш ва уринишларимиз бизнинг келажакка интилишимиз ва қаратилганимиздир. Уринишлар бизнинг ҳаётининг дунёемизнинг келажак ҳолатларни конкрет кутишимиздир. Биз бирор нарсани эсдан чиққанини, эътибордан четда қолганини тушуниб етсак, бу деган сўз, бизнинг ҳаётимизда вақт ўтганини онглаганимиз бўлади. Эсдан чиқаришнинг йўналиши ретроспективдир, кутиш перспективасига қарама-қаршидир. Бизнинг кундалик дунёемиз ҳозирги вақт маъноларида намоён бўлади. Улар менинг ихтиёримда бўлган соатларда қайд қилинади. Биз «ҳозир» деб гапирганимизда ўз ҳаётимиз ҳозирги вақтининг ўтаётган моментларини қайд қилишга ҳаракат қиламиз. Шу нарсани эслатиб ўтамизки, тарихий маънода вақтнинг ўлчаш мотивлари қадим-қадим замонлардан кун ва туннинг алмашилишини аниқлаш эҳтиёжидан келиб чиққан. Инсон боши устида мавж урган юлдузли осмон гўё унинг ҳаётининг дунёсини юқоридан етиб тургандек бўлади. Қуёшга қараб одамлар кун ва туннинг давомийлигини ўлчашга ўрганганлар. Вақт инсонларнинг ҳаётининг дунёсини бир бутунлигини худди фазо сингшари аниқ ифодалар эди.

Бироқ шахснинг фазоси мутлақо геометрик фазо эмас. Агар шундай ифодалаш жоиз бўлса, фазода бир ҳодиса бизга нисбатан (бизга муносабатда) яқин, иккинчиси узоқроқ, бири пастда, иккинчиси юқорида, бири ўнгда, иккинчиси чапда ва ҳ.к. жойлашган деганидир. Одамлар ҳаётнинг умумий мулоқот фазосида жойлашганлари ҳолда, бир-бирига нисбатан юз томон ўгирилишлари, орқа билан, ёнма-ён туришлари, ўтиришлари, сакрашлари мумкин. Инсон муносабатлари фазосида одамларни ўрин эгаллашлари, улар орасида масофалар, уларнинг яқинлиги ёки узоқлиги, қўл етмаслиги ёки кўринмаслиги, шунингдек, одамлар ва нарсаларнинг «қўл етар»лиги қобилияти намоён бўлади. Юқори, паст, ўнгда, чап ва ш.ў. ҳаёт дунёси фазосининг хоссалари бизга мактабдан маълум бўлган Евклид геометрияси учун фақсиздир. Бу геометрия теоремаларининг исботлари одамларнинг силжиши, бурилиши, эгилиши ва уларнинг ишлари, хоҳишлари ёки мотивларига боғлиқ бўлмайди.

Шахснинг ҳаётининг дунёсини бошқа одамлар билан мулоқот учун очик бўлиб, улар учун фазода ва вақтда умумийлик яратади. Шунинг учун бизларнинг ҳар биримиз ўзимизнинг ҳаётининг дунёемизни бошқа одамларнинг ҳаётининг дунёлари билан бирга ташкил қиламиз. Бироқ инсоннинг бундай биргаликдаги ҳаётда яшаши (мавжудлиги)-бу ҳамавақт

унинг мавжудлигидир. Ўзганинг ҳаёти ҳеч вақт унинг ўзининг ҳаёти ўрнини боса олмайди. Худди шунингдек бошқа инсоннинг ўлими-унинг ўлими эмас. Ҳолбуки, ҳаёт ўз имкониятларини тамом қилгандан сўнг ўлим келишини ҳамма ҳам тушунади. Ўлим-бу шахс ҳаётининг дунёсининг мавжудлик чегараси, чекланишидир. Унинг ҳаётининг дунёси характери унинг ўзининг ҳаётидан ажралмаган ва унинг маъноси ана шундадир. Фақат шахснинг кечинмаларига маданий, тарихий ва ижтимоий фактларни ўзининг ҳаётининг дунёси фактлари тарзида тушунишининг асосида ётади. Маданиятнинг ўзи кечинмаларни аналитик актлари сифатида фараз қилинади, уларнинг кетма-кетлиги ва динамиклиги маданиятнинг бирлигини белгилайди. Дедуктив ва индуктив мулоҳазалар кечинмалар аналитикасида, Гете айтганидек, нафас олиш ва нафас чиқариш сингари ўзаро боғланган бўлади. Қабуллаш ва эса сақлаш жараёнлари-кечинмаларнинг ўзига хос актларидир. Қабуллаш ҳаётдан ва унинг кечинмаларидан бевосита таассурот олиш самараси (эффёктив)дир. Шу асосда шахсда ҳаётни таассуротлар тажрибаси шаклланади ва у ўтаётган ҳозирги замондаги ҳар бир моментда тўлдириб берилади. Эса сақлаб қолиш худди ўтмиш ҳаётининг тажрибасини қайта тиклаш каби ўтган ҳаётнинг кечинмалари акти сифатида ўтиб беради. Бу ерда ҳиссий тасаввурлар ёки эслашларнинг устунлигини тасдиқлаш қийин. Худди таассурот ўтмиш тажрибасисиз мумкин бўлмагани ва кечинмалар технологиясини талаб қилганидек, эслаш ҳам қабуллашнинг бевосита актларнинг кечинмалари билан актуаллашади.

Шахснинг ички ҳаёти унинг онгли кечинмалари орқали қай даражада очилади? Унинг ҳаётининг дунёсининг ташқи пландаги қабуллашларидан қай даражада фарқ қилади? В.Дальтейнинг уқтиришига кўра, ички кечинмаларни қабуллаш бевосита моҳиятни кўришидир, у бевосита берилади. Кечинмаларнинг мазмуни ҳар қандай ўзгарувчан бўлишига қарамасдан, айна бир комбинациялар, айна бир муносабат сақлаб қолади. Кечинмаларнинг бир акти иккинчисини, иккинчиси учинчисини ва ш.ў. эргаштириб келади. Кечинмалар актларини боғлаш усулининг ўзини умумлаштириш имкони туғилади. Умумлаштириш процедураси оддатда мантиқий амалларини-фарқ қилиш, ўхшашлик, фарқларни даражали аниқлаш, айнийлик ва ш.ў. ўз ичига олади. Фарқлаш, тенглаштириш, фарқ даражаларини аниқлаш, бирлаштириш, бўлаклар, абстрактлаш, бир қанча комплексларни кетма-кет боғлаш буларнинг ҳаммаси онг актларини ички қабуллашнинг турли процедураларидир. В.Дильтейга мувофиқ ўз ҳаётининг дунёсига дотр кечинмалар шахс ўзи томонидан уни тушунишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки фақат кечинмалар индивидуал-шахсий фарқларнинг қимматини кўтаради. Ҳусусан бу қуйидагиларга тегишли; а) туйғуларни уларнинг маъноларини бошқа объект ёки ҳодисаларга кўчириб ўтказиш (масалан мақсаддан воситага, ҳаракатдан сабабга ва ш.ў.);

б) Шахснинг ўз-ўзини сақлаш феномени, бу нарса маънавий (руҳий) ҳолатларнинг, эҳтиёжларининг тўлалигига эришишга интилишда намоён бўлади. Шахснинг ушлаб турилган эҳтиёжлари ёриб ўтиши мумкин ва бунда уни эмоциялар «тезлайди», унинг завқи-шавқи озод бўлиб улгуради; в) ўтмишнинг ҳаётининг дунёсининг ҳозирги ҳолатига таъсир қилиши ҳам кечинмаларга ва кадриятларни қайта баҳолаш характерига боғлиқ бўлади.

Инсоннинг ҳозирги дунёда мавжуд бўлиши муаммосини ҳал қилишга эътибори бугун унинг ўз келажаги учун ҳавотирли безоталикларидан кучли намоён бўлаяпти. Бунда одамлар ўзларининг келажаклари шундай мумкин

бўлган ҳолатлар, ҳаётий режалар, прогноз ва лойиҳалар тўплами тарзида кўрадиларки, уларнинг ёрдамида улар ўзларининг келажакларини тасаввур қила олсинлар. Келажак ҳаётий дунёси кечинмаларининг самаралилиги ва ҳақиқатга яқин бўлиши кўп жиҳатдан маданият ва жамиятнинг вақтнинг ҳозирги пайтидаги ҳолатларига боғлиқ. Одамлар шуни сездилар: улар ҳаётий дунёсида мумкин бўлган имкониятларнинг амалга ошириш бошқа имкониятларнинг йўқотилишига олиб келар экан.

Йўқотилган имкониятлар орасида кўпинча энг ёмон бўлмаганлари, баъзи эса, ўзларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ёки қайсидир культуролик параметрларига кўра энг қизиқарлилари йўқотилиши мумкин экан. Бунинг устига амалга оширилмаган кўплаб имкониятлар батамом, қайтмас бўлиб йўқолиб кетар эканлар. Шунинг учун ҳам инсон олдида ўзининг ҳаётий дунёсини лойиҳалашдек маъсул вазифа турар экан. Бу масаланинг ечилиши унинг прагматик қийматига боғлиқ бўлар экан. Инсоннинг кутишлари унинг орзу-тилақларига мос бўлиши учун уларни рационаллик, самарадорлик ва оптималлигини экспертздан ўтказиши лозим экан. Шу муносабат билан инсониятнинг маданий-тарихий тажрибаси нечалаб рўёбга чиқмаган ҳаёлларни, утопия ва келажакка қаратилган турли-туман ҳато прогноз ва лойиҳаларни билади. У келажакни ҳато тақдирот қиладиган ҳар қандай янглиш лойиҳалар учун синаш майдони бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Бироқ инсонларнинг ҳарбир авлоди ва ҳар бир инсон ўз ҳатоларидан сабоқ олишни афзал кўради, ва гарчи ўзининг тажрибаси (билими, малакаси) ва интуицияси ўзининг келажак ҳаётий дунёсини тасаввур қилиш учун салбий таъсир кўрсатса ҳам, одамзодга шу нарса хосдир.

Назорат саволлар:

1. Қадимги Шарқ фалсафасида-инсоннинг яралиши муаммоси.
2. "Энум Эмиш Вавилон" поэмаси.
3. Хитой фалсафасидаги "Уань-Гу" таълимоти, конфуцийлик ва даосизм инсон ҳақида. қадимги
4. Ҳиндистон фалсафаси инсон ҳақида.
5. Антик фалсафада инсон муаммоси.
6. Инсоннинг ҳаёт дунёси-фалсафий билишнинг асоси сифатида.
7. М.Хайдеггер, инсон борлигининг чегаравий асоси.
8. Шахс – инсоннинг ижтимоий сифати.

Адабиётлар рўйхати:

1. С.Жўраева. Ҳақиқат манзаралари. Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.
2. Ф.Сулаймонова. Шарқ ва Ғарб. Т.ФАН, 2001.
3. Фалсафа. Маърузалар матни. –Т., 2000.
4. Фалсафа. Маърузалар матни. –Т., Молия институти 2000.
5. Н.Маматов, О.Жумаев Фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг муҳим омили. Тошкент 2004й.

6. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Т-; 2002 й. (9-16 бетлар)
7. С.Йўлдошев ва бошқ. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. Т-; 2002й.

4-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФАНЛАР ТИЗИМИДА ИНСОН МУАММОСИ.

РЕЖА:

1. Инсонлар ижтимоий ва индивидуал ахборотлашувининг интенсивлиги.
2. Инсон муаммоси-биология ва тиббиёт фанларида: ген, генинжнерия, ВИЧ-инфекцияси, беморнинг ўлимга ҳуқуқи (эвтаназия) в ҳ.к.
3. Инсонни биологик мавжудот сифатида физиологик хусусиятларини ўзгариши тўғрисида.
4. Демография муаммолари: туғилиш, аҳолининг қариши, инсон боласининг жинсини аниқлаш ва режалаштириш ва бошқалар.

Таянч иборалар: ижтимоий ва индивидуал ахборот, ген, генинжнерия, ВИЧ-инфекцияси, беморнинг ўлимга ҳуқуқи, аҳолининг қариши, инсон боласининг жинсини аниқлаш ва режалаштириш.

Инсон ва инсоният ҳаётининг ҳар бир даври, йили, куни, дақиқалари ўз кадр қиммати, маъноси ва мураккаб муаммоларига эга. Лекин бугунги кунда инсоният бошдан кечираётган давр мутлоқ ўзгача, мислсиз мураккаб ва зиддиятли. Чунки, айти шу даврга келиб инсоният ҳаётида муайян бир давр ўз хотимасига етиб, янги давр бошланаётганини кўрсатадиган мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлмоқда, бутун инсоният тақдирига бевосита таъсир этувчи мураккаб ва кескин муаммоларни ечиш зарурати вужудга келмоқда. Бу давр муаммоларининг мураккаб ўзига хослиги шундаки, унда нафақат айрим мамлакатлар, давлатлар, минтақаларнинг айрим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва б. муаммолари ва хатто нафақат Ғарб ёки Шарқ цивилизацияларига оид умумий муаммолар, балки бутун инсониятга ва унинг ҳаётининг барча томонларига оид мураккаб ва умумбашарий муаммолар кескин кўндаланг бўлмоқда. Бугунги кунда бутун инсоният ҳаёти ва мамоти масаласини қамраб олган глобал муаммолар мисли кўрилмаган долзарблиги ва кескинлиги билан майдонга чиқаркан, бу вазият аввало Ғарб ва Шарқ цивилизациялари маънавий кадрларини давр тарозусига кўйилмоқда.

Масаланинг беҳад кескинлиги ва долзарблиги атроф табиатда сордир бўлаётган инқирозли аҳволда (катастрофаларда) ҳам, сиёсий алғов-далғовларда ҳам, ижтимоий ва иқтисодий кризис вазиятларида ҳам, кичик бир оиланинг бола тарбияси ёки соғлиқ билан боғлиқ муаммоларида ҳам ҳар қадамда очиқ-ойдин намоён бўлмоқда. Бундай шароитда ҳарқандай инсон охирзамон ҳақида, ўз ҳаётининг маъно ва мақсади ҳақида чуқур ўйга толиши табиий. Бундай шароитда, кема халокатга учраётган ҳолатида бўлгани каби кўпчилик тахликада, ўзини ҳар ёққа урмоқда. Кимдир ўз ваандошларни кулликка сотиб бўлса ҳам, жон жаҳди билан бойликка интилади. Зеро назарида уни фақат бойлик қутқаради. Кимдир зўр бериб ҳукмронлик мартабалари бўйлаб тинимсиз юқорига кўтарилиш йўлини излайди. Гўё юқори мартабанинг масъулияти камдай. Кимдир маишатга интилади. Кимдир бу шароитдан қутулиш йўлини топа олмай, тушкунликка тушади, хасталанади. Лекин мамлакат ҳаёти учун жиддий масъулият ҳиссини туйган давлат раҳбариятининг, чин маънодаги зиёлиларнинг, аввало, файласуфнинг бошқалар тутган йўлдан боришга ҳақи йўқ. Зеро, файласуф чиндан ҳам файласуфликка даъво қилса, у яшаш ҳикмати, яъни тўғри йўлни билган ва бошқаларга уни кўрсата оладиган одам ҳисобланади. Шу маънода, гарчи ҳеч ким ундан ҳеч нима талаб қилмаса ҳамки, барибир, давр маънавиятининг юки айнан унинг елкасига тушади.

Кризис ҳодисаси, кенг маънода, бирон бир объектнинг, жараённинг ўз тараққиётида муайян чегаравий босқичга етиб келганини, у бундан буён аввалгидай қолиши мумкин эмаслигини, унинг трансформацияланиши (сифат жиҳатдан ўзгариши) вақти келганини ифодаловчи тушунчадир. Ҳозирги давр энг янги фани бўлмиш синергетика кризис ҳолатини ифодалаш учун “бифуркация нуқтаси” деган махсус янги тушунчани ҳам киритди. Кризиснинг глобаллигини назарда тутган мутафаккирлар унинг ҳис этилишини назарда тутиб, бунда цивилизация учун “охир замон” (апокалипсис) белгиси намоён бўлаётганини назарда тутмоқдалар.

Чиндан ҳам ушбу кризис глобаллиги туфайли юзага чиқаётган муаммолар жуда серқирра, кенг қамровли, тасаввурга сиғдириб бўлмайдиган даражада мураккаб, айни замонда, жуда долзарб ва кескиндир. Чунки улар ҳаётнинг бир ёки бир неча эмас, балки барча томонларига, айрим миллат, мамлакат, хаттоки катта бир минтақаларгагина эмас, балки бутун инсониятга даҳлдорлиги, айни пайтда ечими кечиктириб бўлмас (масалан, цунами, ёнғин, ядровий ёки водород уруши каби), мислсиз долзарблиги билангина эмас, балки инсоният эришган илмий билимнинг барча соҳалари биргаликда ечиш маҳол бўлган, шунинг учун дунёқараш барча тарихий шакллари (мифологияни, динни, фалсафани) ҳам жалб этилишини тақозо этадиган, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, яъни бирининг ечилиши бошқасининг ечилишидан келиб чиқадиган муаммолар сифатида майдонга чиқмоқда.

Глобал цивилизация кризиси ўзи каби глобал соҳавий кризисларни келтириб чиқарди. Масалан, расмий **тиббиётдаги кризисни (бухронни)** олайлик. Унинг камида уч сабаби кўрсатилиши мумкин. **Биринчиси** шундаки, расмий (илмий) тиббиёт ҳамиша касалликнинг ўзини эмас, балки

унинг оқибатларини даволаш билан шуғулланиб келди. Зеро, у касалликни инсон жисмоний вужуди билан боғлиқ деб ҳисоблаб, бу вужуднинг соҳиби, эгаси, бошқарувчиси бўлган руҳни, қалбни (ғоявийликни) инкор этиб келди. Ваҳоланки, қадимги мутафаккирлар (масалан, Платон, Гиппократ каби) касаллик илдизини беморнинг руҳиятида деб кўрсатганлар. Бу расмий тиббиёт кризисининг маънавий асосини ташкил этади. **Иккинчи сабаб** шундаки, бу тиббиёт инсон вужудига бир бутун, яхлит ёндошмайди, балки айрим аъзоларни бир-бири билан мураккаб боғлиқлигини ҳисобга олмасдан даволаш билан шуғулланиб келди. Бунинг натижасида у инсон организмнинг бир (ёки бир неча) аъзосини даволар экан, бошқа аъзолари ҳолатини назардан соқит қилади. Бу назардан соқит бўлган аъзоларнинг ҳам касалланишига олиб келади. **Учинчи сабабни** ҳозирги даврда инсон организмда иммунитетнинг (касалликка қарши кураш қобилиятининг) ялпи заифлашганида (қолаверса, ирсиятнинг бузилаётганида) кўриш мумкин.

Иммунитетнинг бузилиши расмий тиббиётнинг ўзига боғлиқ бўлмаган объектив сабаб бўлиб, ҳозирги тиббиёт унга қарши тура олмаяпти. Ана шу учинчи сабаб эса оқибатлари ўйламай-нетмай кенг қўллаб келинаётган техника ва технология ютуқларининг натижасидир. Бу ютуқлар нафақат инсон яшаб келган табиий муҳитнинг ўзгариб кетиши - иқлим ритмларининг бузилиши, ер, сув, ҳавонинг ифлосланиши, шунингдек, кислотали ёмғирлар ва бошқа жараёнлар, яъни **экологик кризис** - натижасида нафақат гуллаган боғу роғлар, балки инсон организми ҳам жиддий зарар кўра бошлашига олиб келди. Шулар туфайли тиббиёт эндиликда ўзининг боши берк кўчага кириб қолганини, кризисга учраганини тан олмоқда.⁴

Экологик кризис эса жамият билан табиат (биосфера) орасидаги мувозанатнинг бузилиб кетиши, яъни табиат, бутун она замин кишилиқ жамиятининг ўзига нисбатан нооқилона муносабатини, бебошлиқларини, тажаввузини ортиқ кўтара олмай қолгани оқибатидир. Эндиликда бутун башарият глобал экологик кризисга дуч келганини наинки йирик мутафаккирлар, фан намоёндалари, иқтисодиёт, сиёсат, маданият арбоблари, зиёлилар, балки оддий тафаккур эгалари ҳам аянч билан тан олмоқдалар. Энди олимлар хатто “инсониятнинг атроф муҳитга етказган зарарли таъсири оқибатларини бартараф этиш мумкин деган фикрни илгари суриш учун ҳеч қандай илмий асосга эга эмасмиз... эндиликда инсоният секин ишлайдиган қопқонга тушиб қолгани аниқми ёки бу қопқондан чиқиш... мумкинми, бу ҳақида фан аниқ бир нарса дея олмайди”⁵ қабалидаги хулосаларга келмоқдалар. Очигини айтганда, эндиликда олимлар нафақат экологик уйимизни, балки “ақлли инсон”нинг ўзини ҳам яқин ўн йилликлар мобайнида ҳалок этадиган экологик қоллапс содир бўлишини башорат қилмоқдалар.

⁴ Кушкарров С. Сўфий жанг санъати / С. Кушкарров, Улуғбек Кушкарров. - Тошкент : Ўзбекистон, 2003. - Б.54.

⁵ Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005. - Б. 361.

Юқоридаги каби хулосалар кўплаб мисол ва фактларда ўз тасдиғини топади. Бу борада, масалан, Россиянинг Петербургдай тарихий шаҳрини тузатиб бўлмас экологик ҳалокат кутаётгани ҳақида ёзилган бир ахборот диққатга сазовор. Ушбу ахборотга кўра, Петербурдан атиги 30 км нарида жойлашган, химиявий чиқиндилар полигонига айланган “Красный бор” деган жойда бу чиқиндилар жуда тўлиб кетгани туфайли энг хавфли захарли химикатлар яқин орада Нева дарёсига тошиб чиқиши хавфи борлиги ва бу масала депутатлар томонидан муҳокама этилиши кутилаётгани ҳақида хабар қилинади. Ваҳоланки, бунчалик машҳур бўлмаган жойларда аҳвол қандайлиги ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади.

Эндиликда инсоният ўзининг кейинги асрлар мобайнидаги фаолияти туфайли содир бўлган ҳалокатли жараёнлар миқёсини сезмаслиги қийин. Шу маънода экологияни инсониятнинг анча кечикиб бўлса ҳам уйғонган виждон азоби деб таърифлаш мумкин. Чиндан ҳам, Хиросима фожиаси, Чернобль аварияси каби аянчли ҳодисалар инсоният қалбида чуқур жароҳат қолдиргани, озон қатламинининг сийраклашиб кетгани, иқлимнинг ўзгариб кетаётгани, тропик ўрмонларнинг зарарланаётгани, ёнғинлар ва сув тошқинлари, ер, сув, хавонинг ифлосланиб кетгани, цунамилар, химиявий ва бактериал уруш синовлари каби фактларни санаб тугатиб бўлмайди ва буларни кўриш учун энди олим бўлиш ҳам шарт эмас.

Ушбу жараёнлар инсоният олдига бундан буён Ер юзида яна қанча яшаш мумкин деган масалани кўяётгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Чунки энди гап нафақат табиий бойликларнинг, энергия манбаларининг камайиб, йўқолар даражага етгани, табиатнинг заҳарлагани, балки инсон бу муҳитда хатто тоза ҳаво билан нафас олиш имкониятидан, тоза озуқа манбаъларидан маҳрум бўлаётгани ҳақида, бутун бошли дарёлар, ўрмонлар йўқ бўлгани, денгиз, океанлар, еру кўк, тошу тупроқ тиклаб бўлмас зарар кўргани ҳақида кетмоқда. Яъни, инсоният интеллектуал қобилияти ва цивилизацияси қанча ривожланса, унинг ўзи қулайдиган чоҳ шунча катталашиб, чуқурашиб бориши, техника эса табиатни эксплуатация қилиш воситасидан инсониятнинг ўзини вайрон этиш куралига айланиб кетавериши маълум бўлмоқда.

Умуман олганда, замонавий медицинанинг кризиси ялпи **антропологик кризиснинг** бир қисми бўлиб, у хилма-хил кўриниш ва тамойилларда намоён бўлмоқда. “Булар орасида энг асосийси, дейди таниқли рус файласуфи, академик В.С.Степин, - инсоният эволюциясининг миллионлаб йиллари мобайнида шаклланган генофонди пойдеворида атроф муҳитнинг (кимёвий ва радиоактив таъсирлар туфайли) ифлосланишида намоён бўлган бевосита сабаб бўлса, иккинчиси (турли касалликлар туғдирувчи микроб ва вируслар) таъсирида содир бўлаётган бевосита кучли ўзгаришлардир. Ваҳоланки, кишилиқ жамиятида бу генофонднинг сақланишига хизмат қилувчи табиий факторлар (яъни, табиий танланишнинг) фаолияти ўз аниқ чегарасига эга. Масалан, танланиш вазифасини бажарадиган урушларда асосан соғлом ва насл қолдира оладиган одамлар қирилиб келган. Катта тезлик билан ўзгариб бораётган нобарқарор ижтимоий вазиятлар ва барча соҳаларда содир бўлаётган рақобатлар ичида

кечаётган ҳозирги ижтимоий ҳаёт эса ўз стресслари билан антропологик кризисни янада кучайтирмоқда. Бу эса нафақат юрак, қон томирлари, онкология касалликларини, балки руҳий касалликларнинг ҳам кўпайишига олиб келмоқда. Кейинги йилларда, депрессия (оғир руҳий сиқилиш) каби руҳий хасталик XX аср охири XXI аср бошларининг энг кенг тарқалган касаллигига айланди.”⁶

Баъзи кишиларга ҳозир ҳам шак-шубҳасиз фақат ижобий ҳодиса бўлиб кўринаётган илмий-техника ютуқларини инкор этмаган ҳолда, айти шу ютуқлар туфайли цивилизация боши берк кўчага кириб қолганини эндиликда нафақат мутафаккир файласуфлар, гуманитар соҳа вакиллари, балки кўпчилик олимларнинг ўзлари ҳам оғир афсус билан тан олаётганларини алоҳида таъкидлашимиз жоиз. Масалан, Россия таниқли фан намояндлари шундай ёзадилар: “Олимлар сиёсатчиларнинг қўлига бутун Планетадаги ҳаётни бир эмас, бирнеча неча бор йўқ қилиш қувватига эга бўла оладиган қуролларни тутқаздилар, ваҳоланки, келажакда уларни қандай йўқотиш ва нима қилиш мумкинлигини аниқлашга ҳаракат қилмадилар..., улар энергиянинг янги манбаъларини кашф этдилар ва эмоқдалар, шунинг билан бирга радиоактив чиқиндилар ва ядровий терроризмдан кутулишдай жуда жиддий муаммоларини ҳам вужудга келтирдилар..., улар одамларга антибиотикларни совға қилдилар, айти пайтда, зарарли микроорганизмларнинг табиий танланиш жараёнини кучайтирдилар.”⁷

Лекин, бошқа тоифадаги олимларнинг жиловсиз тафаккури инсоният бошига яна қандай савдолар солиши ҳали номаълум бўлган янги ихтиро ва технологияларни яратиш иштиёқи билан ёнишда давом этмоқда. Улар, эндиликда кўпчилик фан арбобларини ҳам жиддий ҳавотирга солаётган, фан ва техниканинг **нанотахнологиялар, машина интеллекти, генетик медицина** каби соҳаларида изланишлар олиб бормоқдалар ва сезиларли натижаларга эришмоқдалар. Оксфорд университети директори, профессор Ник Бостром бу ишларнинг салбий оқибатлари ҳақида ўйлаб кўрилмаётгани ҳақида шундай дейди: “Технологик прогресснинг тезлашуви туфайли инсоният ҳозир ўз тараққиётининг кескин бурилиш нуқтасга катта тезлик билан яқинлашиб келаётган бўлишининг эҳтимоли катта. Инсониятга яхши таниш бўлиб қолган ядровий хавфу хатар ёнига эндиликда нанотизимлар ва машина интеллекти каби соҳаларнинг жадал ривожлана бошлаган технологиялари мисли кўрилмаган ўз имкониятлари ва хатарлари билан кўшилмоқда. Бизнинг келажакимиз, агар у бор бўлса, бизнинг ана шу жараёнларга муносабатимизга боғлиқ. Ҳамон биз жадал ривожланаётган технологияларга боғлиқ эканмиз, инсоният жамиятидан “пост-инсоният” (кейинги инсоният, аниқроғи, анти-инсоният- Ш.Қ) жамиятига ўтиш динамикасини яхши англаб етишимиз керак. Айтиқса тузоқ қаерда жойлашганини, муқаррар ўлимга олиб бориши мумкин бўлган йўлларни

⁶ Степин В.С. Философия в эпоху перемен. // Вестник Московского университета. Серия 7. Философия. №4. 2006. Б. 18-34.

⁷ Капица С.П., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогнозы будущего Изд. 2-ое. М.: Эдиториал УРСС 2001. - Б.3 – 5.

пайқай билишимиз зарур.”⁸

Бизнингча ҳам, инсон биологик асосини ўзгартириш борасида генетик олимлар олиб бораётган ҳозирги ишлар антропологик кризиснинг кучайишига олиб келиши аниқ. Чунки, геномни ўрганиш натижасида олимлар инсоннинг нафақат ирсий касалликларини даволаш, балки унинг (ақлий ва жисмоний) қобилиятларини ҳам сунъий (нотабий, ноэволюцион) кучайтириш имкониятларини қўлга киритадилар). Улар бугунги кундаёқ инсон қонидаги гемоглобинни ирсий йўл билан ошириш борасида муайян натижаларга эришганлар. Бу эса ҳозирданок спортсменларга ўйинларда қўллаш тақиқланган допингларни олимлар ўзлари **танлаган** одамларга тутқазиш имкониятини қўлга киритганларини билдиради. Улар кимни танлашлари эса ё уларнинг ўзларининг, ёки хўжайинларининг хоҳишларига, аниқроғи уларнинг **ахлоқига, маънавиятига, дунёқарashiга** боғлиқ. Ваҳоланки, фан намояндалари, юқорида айтганимиздай, одатда маънавият, ахлоқ, гуманизм масалаларига бефарқ бўлиб келганлар.

Бошқа томондан қараганда, табиат билан жамият орасидаги мувозанат бузилишинг ҳам камида икки асосий сабаби бор. Биринчиси, нуқул иқтисодий истеъмолчиликка асосланган **техноген цивилизациянинг** кўпдан бўён табиатга қарши қилаётган зўравонлиги бўлса, иккинчиси, Ерда аҳоли сонининг ортиб кетгани билан боғлиқ бўлган **демографик кризис**дир.

Шуларнинг натижаси ўлароқ эндиликда табиат нафақат жиддий заҳарланди, балки унинг инсонга керак бўлган неъматлари, биринчи навбатда, асосий энергия захиралари тамом бўла бошлади. Эндиликда шунинг билан боғлиқ бўлган **ресурслар кризиси** ҳам келиб чикди. Мазкур кризис эса, ўз навбатида, табиат ресурсларидан **фойдаланиш этикасининг** йўқлиги ва, умуман олганда, на фан ва на унинг амалиётга қўлланиш шакллари бўлган техника ва технологияда **ахлоқий** критерийларнинг буткул назардан четлатилгани билан ва давлат структураларида шунга мувофиқ ташкилотлар жуда кеч шакллангани, ҳар бир янги илмий ва техник-технологик кашфиётнинг амалиётга татбиқи оқибатлари тегишли назорат остида бўлмагани, бундай ташкилотлар эндиликда бор бўлса ҳамки, ҳамон коррупция ва порахўрлик қарор топган муҳитда самара бермаётгани каби сабаблар билан боғлиқ.

Россия ядро синтези илмий марказининг олимлари академик В.Черток, геохимия институти директори, академик Э.Галимов ва б. бу муаммонинг ҳам гениал ечимини топган кўринадилар. Улар яқин орада ёқилғи ресурсини Ойдан Ерда олиб келиш режасини олдинга сурдилар. Бу мўлжаллар уларнинг узокни кўра олиш қобилияти яна панд бермаслигига, яъни ўз атрофидаги ўрмон, полиз ва боғларнинг барча меваларни еб битириб, хўжаликнинг ўзини поймол этиб бўлиб, қўшни боғда ҳам шу ишни давом эттириш пайига тушган “маймунлар галасининг ваҳшиёна хўжалик юритиш санъати”нинг замонавий илмий кўриниши эмаслигига ким кафил бўла олади?

⁸ Ник Бостром - Ph.D., is Director of Oxford University's new Future of Humanity Institute. Угрозы существованию человечества. Анализ сценариев вымирания. //2007. <http://www.nickbostrom.com/>

Бир сўз билан айтганда, кризисларнинг глобал характери БМТ ва унга тегишли ЮНЕСКО ташкилотида, қолаверса, Рим клуби хужжатларида акс этган. Бу, масалан, Рим клубида муҳокама қилинган докладларнинг номлариданоқ кўринади. Масалан, улардан бири “Инсоният бошидаги мушкулотлар”, иккинчиси “Инсоният икки йўл орасида” деб аталгани аҳволнинг нақадар жиддийлиги кўрсатади. Шу маънода эндиликда илмий-техника прогресси салбий оқибатларини бартараф этишнинг ўзи ҳам **умумбашарий муаммога** айланди.

Булар эса, ўз навбатида, **иктисодий, молиявий**⁹ кризислар ва улар билан узвий бўлган турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар орасидаги низоларнинг кескинлашувларни, айрим халқлар ўртасидаги қон тўкилишларни олдини олиб бўлмаётган **сиёсий кризисларга** олиб келмоқда. Хатто кейингиларининг кескинлиги экологик кризисниқидан кам бўлмапти. Чунки, буларнинг ўзи ҳам кенг миқёсли ва чуқур **ижтимоий кризисни** келтириб чиқариши табиий.

Ижтимоий кризисга мисол сифатида постсовет даври Россиясида содир бўлаётган ижтимоий кризиснинг кичик бир лавҳасини кўрайлик: “Кўчаларда тириклай чириб ва ўлиб кетаётган гадойлар, майиб, мажруҳлар, ўз ота-оналари томонидан тақдир хукмига топширилган, садақа сўраб юрган болалар, фарзандлари томонидан ташлаб кетилган қариялар, давлат ва жамиятдан ўз ҳақ ҳуқуқларини ундириб олишга уринаётган Чернобл аварияси оқибатларини бартараф қилиш учун сафарбар этилган кишилар, бутун ижтимоий организмни бошқарув аппарати, ҳуқуқ ҳимоялаш ва куч ишлатиш структуралари билан биргаликда еб битиришга киришган коррупциянинг чекланмаган бебошлиги, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, эндиликда давлат даромад солиғи ундирилиши кўзда тутилаётган бузуқхоналар, табиий муҳит вайронгарчилигининг тобора кучайиб кетаётгани, пенсионерларнинг қашшоқлиги, армиядаги “дедовщина” шармандагарчилиги, “скинхедлар” томонидан болаларнинг ўлгудек саваланишлари, жинояткор шахсларнинг террорчилик ишлари, Мамай кўрғонининг ахлатхонага айланиши...”¹⁰.

Бу мисолни ҳозир Россияда сотилаётган ва безарар ичимликлардан ҳисобланган турли сортдаги пиволарга бироз миқдорда марихуана ёки амфетамин қўшилаётгани каби биз билган ва билмаган яширин жиноятлар билан тўлдириш мумкин. Қолаверса, бизнинг ўз худудимизда ҳам одамларни кул қилиб чет элларга сотиш, гиёҳвандлик ва унинг “бизнеси”, уюшган жиноятчилик, порахўрлик каби жиноий фактлар юзага чиқаётгани, авлодлар (ота оналар ва фарзандлар), туманлар, оила аъзолари орасида келишмовчиликлар ва ажрашувлар мавжудлиги ҳам сир эмас.

Ушбу манзара постсовет даври кишисида жавобгарлик, масъулият ҳисси мутлақо қолмаганидан, унинг бузилган нафсини жиловлайдиган

⁹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий иқрози, Ўзбекистон шароитида кини бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.56.

¹⁰ Порус В.Н. Обжить катастрофу. Своевременные заметки о духовной культуре России// Вопросы фмлософии. 2005, № 11, 26- 27 - б.

тизгин ҳам йўқолиб битаёзганидан, бу шароитда ким нима хоҳласа шуни қила бошлаганидан, бир гап билан айтганда, одамлар **ахлоқий кризисни** ҳам бошдан кечираётганларидан далолат беради. Ваҳоланки, мазкур ахвол фақат Собиқ Иттифоқ даври моддиюнчи маънавиятнинг, яъни моддий эҳтиёжларни қондиришни биринчи ўринга қўйиб келган дунёқараш мафкурасининг сарқитларигина натижаси эмас, балки кўп даражада постсовет фуқароларининг **информацион очик жамият** шароитига кириб келгани, айниқса энг янги информацион технологиялардан таралаётган умумжаҳон маънавий иллатларининг маънавий бўшлиққа кириб келаётгани оқибати ҳамдир. Зеро, бу технологиялардан таралаётган ахборотнинг жуда катта қисми ҳозирги Ғарб маънавий инқирозини ўзида гавдалантираётган инсоний **қадриятлар тизими кризисининг ва** ундан келиб чиқаётган **субъектив кризисларнинг** маҳсулидир. Шу маънода Ғарбдан бошланган маънавий “касаллик ҳамма ёққа тарқалиб кетмоқда”¹¹ дейиш мумкин.

Россиянинг марказий матбуот органларидан бири бўлган “Аргументы и факты” газетасида айни шу муаммо жиддий олдинга сурилган. Унда бир вақтлар халқ маънавиятини тарбиялаш вазифасини бажариш учун масъул бўлиб келган матбуот ва телевидение экранлари эдиликда жамиятнинг энг ифлос чиқиндиларини намойиш этиш билан шуғуullanётгани афсус билан таъкидланади. “Эфирга провакацион материални бериш учун яхшигина ҳақ тўланмоқда”, яъни шу тариқа “пул ахлоқни енгиб чиқмоқда”, дейилади мазкур мақолада.

Бундан ташқари, сотувдаги дисклардан, компьютерларнинг интернет омборларидан чекланмаган равишда фойдаланиш имкониятлари борлиги, ота-оналар билан авлодлар орасида зиддиятлар, катта авлодда ўз моддиюнчи савия сақланиб қолгани, билимларининг бирёқламалиги ва юзакилиги, ичкиликбозлик ва бошқа сабаблар туфайли ўз фарзандларини назорат қилишга қодир бўлмай қолаётган ота-оналар ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Ваҳоланки, “Даҳшат фильмлар”, блокбастерлар, ўғрилиқ “саъати” ва уларни тутиш билан боғлиқ фильмлар нафақат “компьютеромания” касаллигини, балки чинакам маньякларни (телбаларни) шакллантираётгани, ҳамма ўлим ва зўравонлик уруғини сочаётгани маълум.

Таниқли рус маданият арбоби, актёр Алексей Баталов мазкур шароитнинг шахс, оила маънавиятида қандай аксланиётганини ва бу ахвол хатто собиқ Иттифоқ давридагидан ҳам ёмонлашганини чуқур дард билан ҳис этаркан, шундай дейди: “Мени бугунги кун кишилари пулнинг қулига айланиб қолаётгани қаттиқ ҳавотирга соламоқда. Одамлар кўз ўнгимизда жуда тез ўзгармоқдалар. Наҳотки, набира ўз бувисини квартирадан сиқиб чиқарса...Мен ҳарқандай шароитда ҳам одам ўз Инсонлигини сақлаб қола олган муҳитда ўсиб улғайган эдим. Агар атрофимда шундай одамлар бўлмаганида, балки бошқача бўлармидим...”¹² Ваҳоланки, бу санъаткор бутун манзаранинг ўзигагина намоён бўлган кичик бир лавҳаси ҳақида шунчалик

¹¹ Субботин А.А., Субботин А.С., Следует ли дожидаться конца истории? // «Академия Тринитаризма», М., Эл № 77-6567, публ.14638, 16.11.2007. succeder@list.ru

¹² Баталов А. Свыше даются нам испытания // Аргументы и факты. 2008. №47.5- б.

аянч билан фикр юритмоқда. Бунда машҳур актёрнинг собиқ шўролардан олдинги маънавий меросдан баҳраманд бўлганлар авлод таъсирида ҳам яшаган авлодга мансублигини ҳам ҳисобга олиш керак албатта. Унинг учун хаттоки ўзига намоён бўлган мана шу кичик ҳол ҳам катта ёвузликдир.

Юқорида санаб ўтилган кризислар орасида **оила кризиси** алоҳида диққатга сазовор. Рус файласуфларининг оила муаммоларига бағишданган илмий ишларда¹³ Россияда бугунги кунда бу муаммо нафақат ечилиши, балки адекват тарзда тушунилиши қийин бўлган, оқибатини тасаввур этиб бўлмайдиган кенг кўламли фожиага – оиланинг парчаланиб кетиши, яъни оила кризиси муаммосига дуч келганини¹⁴ кўрсатмоқда. Оиланинг парчаланиши эса бу “**жамият тўлиқ маънавий деградацияга (инқирозга)** учраётганини, бу охир-оқибатда Россиянинг ўзини ҳам мавжуд бўлиши учун жиддий хавф туғилганини кўрсатади.¹⁵

Бу жараёнлар замирида чет эл маданиятининг оила илдизларига болта урадиган индивидуализм ва гедонизм каби сохта оммавий кадриятларининг жамият маънавий ҳаётига стихияли равишда катта тезлик билан оқиб кираётгани факти ҳам ётади.

Юқоридаги фикрлар ва фактлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ёшларни очик ахбор олиш даврида ҳукм сураётган умумбашарий маънавий кризисдан асраш муаммосига алоҳида эътибор қаратгани диққатга сазовор: “...кейинги йилларда кўплаб намоёиш этилаётган **жангарилик фильмларини** олайлик, - дейди У. - Бу фильмларни кўпчилик, айниқса, ёшлар мароқ билан кўради, чунки одамзот табиатан мана шундай тўполонларни томоша қилишга мойил... Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра вахшийлик, **ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини кўзга тиб юбориш осонроқ.** Онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганadi, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўрона тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки улар бундай

¹³Қаранг, масалан, Коряковцева О.А. Социально-педагогическое сопровождение молодой семьи: Автореферат дис.канд. пед. наук. – Кострома, 2002; Разов П.В. Социальное регулирование межличностных конфликтов в семье офицера Вооруженных сил Российской Федерации (социологический анализ): Автореферат дис.канд. социол. Наук. – М., 2007.; Соловьева И.Ю. Стабильность семьи как социально-философская проблема: Автореферат дис.канд. филос. наук. – Воронеж, 2004.; Анисина С.С. Социокультурные архетипы семьи и брака: Автореферат дис. канд. филос. наук. – Тюмень, 2002.; Орлова Н.Х. Семья как объект социально-философского исследования: Автореферат дис.канд. филос. наук. – СПб., 2000.; Бокша Е.А. Духовные угрозы функционированию семьи в современном Российском обществе (социально-философский анализ). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук. Москва – 2008. 4-б.

¹⁴ Бокша Е.А. Духовные угрозы функционированию семьи в современном Российском обществе (социально-философский анализ). Автореф. дис. на соискание ученой степени кандидата философских наук. Москва – 2008. 4-б.

¹⁵Қаранг: Народ начинается с семьи. Патриарх Алексий встревожен угрозой моральной деградации общества и призвал объединить силы ради спасения нации //Труд. – 2005. – № 241. 4 –б.

уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди.”¹⁶

Юқоридаги фактлар муносабати билан барча постсовет мамлакатларидаги каби бизда ҳам янги жамият қуришдай мураккаб жараён “ўта мураккаб шароитда — мустабид шўро тузуми барбод бўлган ва янги ижтимоий муносабатлар қарор топаётган кескин бир вазиятда”¹⁷, ташқи мафкуравий таҳдидлар, глобал кризислар ва инфор­мацион очиклик шароитида кечаётганини ҳисобга олишни тақозо этади. Зеро, бунинг учун жамиятда, аввало бу глобал маънавий инқирозни жиловлайдиган кучли эзгу маънавият шаклланиши керак. Лекин бу осон эмас, у жуда катта сафарбарлик, куч ва вақтни талаб қилади.

Чунки ҳар қандай жамиятда таълим-тарбиянинг туб асослари жамиятда ҳукмронлик қилиб турган мафкурага боғлиқ. Мафкура эса бирдан шаклланмайди, балки ҳукмрон (рахбар) сиёсий элитанинг дунёқарашида, яъни унинг диний, фалсафий ёки илмий маданиятида шакллана боради. Бунинг ўзи эса билимларнинг теранлиги, ҳис-туйғуларнинг эзгулиги, эътиқоднинг софлигига боғлиқ экани билан бирга ҳозирги инфор­мацион очиклик шароитида глобал характерга ҳам эга бўлиши заруратини келтириб чиқаради. Масалан, Ғарб, шунингдек, собиқ иттифоқ мафкураси асосан табиий фанлар ва техника ютуқларига таянган, теран маънавият оламини инкор этадиган чекланган **атеистик, материалистик, илмий-фалсафий дунёқараш** таъсирида шаклланган эди. Бизда ва постсовет мамлакатларида ҳозирча бундай глобал эзгу дунёқараш тўлиқ шаклланганича йўқ. Лекин, аждодларимиз маънавий меросида у мавжуд, аммо биз уни ҳали тўлиқ ва кенг онглаб етишга ва ўз ҳаётимизга жалб этишга улгурганимизча йўқ. Бу борада ишимизнинг навбатдаги саҳифаларида батафсилроқ ва махсус фикр юритишни мўлжаллаганмиз.

Шуларни назарда тутиб ҳозирга шароитда жаҳон миқёсида ёш авлод, яъни бўлажак олимлар, рахбар ҳодимлар, касб-ҳунар эгалари маданиятида намоён бўлаётган **таълим-тарбия кризиси** содир бўлаётганини ҳам айтиш жоиз.

Буларнинг ҳаммаси глобаллашув жараёни ҳақида оптимистик хулоса чиқариб бўлмаслигини кўрсатади. Академик В.А. Садовничийнинг 2006 йил Москвада “Философия ва цивилизациянинг келажаги” мавзусида ўтказилган IV философия конгрессида халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг “Жаҳон фалсафаси” кафедраси юмалоқ столи атрофида қилган докладида ҳам глобаллашув мушкул­ли­ми­зни осон қиладиган ечимлардан кўра муаммоларни беҳад орттиргани ва мураккаб­лаш­тир­гани алоҳида таъкидланди.¹⁸

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан келиб чиқиб биз кўпчилик мутафаккирлар каби инсоният тарихи учинчи минг йилликка глобал тарихий

¹⁶ Каримов И. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 74-75.

¹⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.76.

¹⁸ Қаранг: Ю.М. Павлов. Круглый стол кафедры ЮНЕСКО “Филомофия мира”// Московского университета. Серия 7. Философия. №4. 2006. 99-105 – б.

кризис билан кириб келгани ҳақидаги хулосага келамиз. “Биз **тарихий кризисни** бошдан кечирмоқдамиз,- дейди, масалан, - С.И. Дудник ва Я.А.Слинин. - Ушбу кризис авваламбор тарихий реалликни илғай биладиган... махсус давр руҳиятини ўзида мужассам этадиган ижтимоий онг эндиликда мавжуд эмаслигига тааллуқлидир...Тарихий кризис шахсий асоснинг обрўсизланишида, ўз айрим манфаатини умум манфаатида кўра оладиган “тарих қаҳрамонлари” энди йўқлигида... намоён бўлмоқда. Эндиликда фақат бир томонда омма-ю бошқа томонда элита (олий табақа) бор бўлган ва уларнинг ҳар иккисини ҳам фақат битта қатъий иқтисодий зарурат боғлаб турган “ижтимоий тенглашув” шароитида оламшумул-тарихий шахснинг намоён бўлиши ишонарли бўлмас ҳам эди. (Шу маънода эндиликда) “тарихий тип”, “миллий онг”, “халқ иродаси” кабилар анча муаммоли масалаларга айланди... Инсониятга кадриятлар уфқини кенгайтирадиган ва территориал экспансия ғоялари ҳукмронлик қилган тарих энди барҳам топди; зеро бу борада барча имкониятлар ишлатиб бўлинди ва яшаш майдонлари тегишлича эгаллаб бўлинди. Уларнинг ўрнига ҳозирги давр глобал муаммолари, кучларнинг виртуал балансини сақлаш ва билим/технологияларни ўстириш муаммолари келди. Ваҳоланки, Америка **истеблишментига**¹⁹ хос бўлган бундай кайфиятни “олтин миллиард” остонасидан ташқаридагилар қабул қила олмасалар керак...”²⁰

Фалсафий нуқтаи назардан ёндошилса, юқорида санаб ўтилган барча кризисларни бартараф этиш учун уларнинг туб асосида нима ётганини билиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, уларнинг асосида ётган битта умумий сабаб бор. У ҳам бўлса, юқорида ҳам айтганимиздай, яратиш эмас, фақат истеъмол қилиш психологиясига асосланган техноген цивилизациянинг зўравонларча хўжалик юритиш тартиботидадир.

Назорат саволлар:

1. Инсонлар ижтимоий ва индивидуал аҳборотлашувининг интенсивлиги.
2. Инсон муаммоси-биология ва тиббиёт фанларида: ген, генинженерия, ВИЧ-инфекцияси, беморнинг ўлимга ҳуқуқи (эвтаназия) в ҳ.к.
3. Инсонни биологик мавжудот сифатида физиологик хусусиятларини ўзгариши тўғрисида.
4. Демография муаммолари: туғилиш, аҳолининг қариши, инсон боласининг жинсини аниқлаш ва режалаштириш ва бошқалар.

Адабиётлар:

¹⁹ *Истеблишмент -Ҳокимият тепаида ҳукмронлик қилиб турган гуруҳ (элита).*

²⁰ Дудник С.И., Я.А.Слинин. История и историческое сознание// Я. (А.Слинин) и МЫ: к 70-летию профессора Ярослава Анатольевича Слинина. - СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2002. Серия «Мыслители». Выпуск X. 39-б.

1. Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. –Т.: Фан, 1993.
2. Мўминов И.М. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. –Т.: Фан 1994.
3. Фалсафа. Ўқув қўлланма. –Т., Шарқ 1999.
4. Фалсафа. Маърузалар матни. –Т., Молия институти 2000.
5. Азамат Зиё. Миллий тузугимиз. – «Фидокор», 2004 йил, 24 август.
6. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Т-; 2002й.
7. С.Йўлдошев ва бошқ. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. Т-; 2002й.

8.

5-МАВЗУ: Мустақил Ўзбекистонда инсон эрки ва ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминланиши

РЕЖА:

1. Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий, маданий сиёсатида инсон муаммоси
2. Инсон эрки ва ҳуқуқлари. Инсон ҳуқуқларининг Умумжаҳон декларацияси
3. Инсон ва демократия

Таянч иборалар: ягона маданият, Индивид, одам, шахс, инсон, эркинлик, масъулият.

XXI аср бошида энг муҳим ва мураккаб муаммолардан бири инсон ҳуқуқлари масаласи бўлиб, барча фуқароларнинг қонуний манфаатларини ўзида мужассам этади. Ҳар қандай мустақил давлат қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари фаолиятларида “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да ифодаланган қонуний меъёрларга риоя қилиши зарур шартлардан биридир. Ҳозирги замон жамияти ҳаётида инсон ҳуқуқларини таъминлашда конституциявий кафолатлар муҳим аҳамият касб этади. Улар шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради. Шахс конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиб мамлакат иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида фаол қатнашади. Конституция жамиятнинг барча аъзолари ҳуқуқлари ва эркинликларини олий даражадаги қонуний кафолатидир.

Инсон ҳуқуқлари – дунёдаги барча халқларнинг орзу-истакларига муштарак кенг қамровли, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий тушунчадир. Инсон ҳуқуқларининг ҳеч бир нарса билан чекланмаслиги замон талаби бўлиб, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамият куришнинг муҳим шarti ва пировард мақсади ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари – ҳозирги замон жаҳон конституциявий ҳуқуқининг энг муҳим таркибий қисми. Инсоният тараққиётида демократик тафаккур равнақи даражасини ифодаловчи инсон ҳуқуқлари XX асрнинг иккинчи ярмида миллий ҳуқуқ (давлатнинг ички ҳуқуқ) ва халқаро ҳуқуқ соҳасида устувор аҳамият касб эта бошлади. Инсон ҳуқуқлари – демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий ажралмас белгиларидан, муҳим сифатларидан бири, давлат сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг ҳозирги замон халқаро ҳуқуқий

стандартларига, андозаларга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини билдирувчи муҳим кўрсаткичдир. Инсон ҳуқуқлари ҳар бир шахс учун муносиб ва беҳавотир, тинч яшаш шароитларини таъминлайди, ҳозирги мураккаб ҳаёт шароитларида инсоннинг ҳур ва эркин яшашига имкон яратиб бериши зарур. Ўзбекистонда жамиятнинг ижтимоий тараққиётнинг жараёнида ҳуқуқий ривожланишнинг конституциявий асослари ҳам босқичма – босқич ривожланиб бормоқда. Халқаро ҳуқуқнинг барча давлатлар тан олган тамойиллари ва меъёрлари бизнинг миллий кадриятларимизга тўла мос келади. Яъни, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий талаб ва меъёрларнинг биринчи ўринга қўйилишини эътироф этади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мустаҳкамлашга, демократия идеалларига садоқат, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг ўз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан деб билади.

Ўзбекистон Конституциясининг 13-моддасида ифодаланган умуминсоний тамойилларга мувофиқ, “Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади”. Бу қоида конституциявий тузумнинг энг асосий арконларидан биридир. Конституциямизда инсон эркинликлари ва ҳуқуқларига не чоғлик катта эътибор берилиши ҳам анашунда яққол кўринади. Ўзбекистон Конституцияси инсон ҳуқуқлари соҳасида қуйидаги устувор қоидаларни белгилаб берган: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф қилиш ва ҳимоялаш давлатнинг асосий бурчи ва вазифасидир; инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мажмуаси халқаро ҳуқуқий меъёрларга тўла мувофиқ келишлиги; инсон туғилган кунидан бошлаб табиий ҳуқуқлар ва эркинликлар соҳибидир; барча фуқаролар, ҳар бир инсон ҳуқуқлари ва эркинликларида фойдаланишда тенг ҳуқуқлидирлар; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш учун қонунларни тадбиқ қилиш давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг асосий маъноси ва мазмуни бўлиши керак; барча фуқароларнинг судда ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатланган; бир инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузишга йўл қўймаслиги керак

Республикамизда инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қонунларнинг ишлаб чиқилиши, Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаол қонунчилик ишларининг бошланиши бўлди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида юздан зиёд қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ҳақидаги асосий халқаро ҳужжатларини ўз қонунлари билан мувофиқлаштириш йўлидан бориб, Ватанимизда демократик ҳуқуқий жамият қуриш соҳасида муҳим ислоҳотларни амалга оширмоқда.

Баъзан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан «асосий» ва «фундаментал» сифатлашлари қўлланилади ва бунда халқаро меъёрлар ва давлатнинг асосий қонуни – Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлар назарда тутилади.

Демократик жамиятда инсоннинг юқорида тавсифланган ҳуқуқлари билан биргаликда, муҳим ички қуввати (энергияси) – эркинлиги ҳам

марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Эркинликсиз инсон мўлжаллаган мақсадларини, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқара олмайди, умуман, шахс сифатида такомиллаша олмайди. Эркинликка эҳтиёж инсоннинг табиати ва моҳиятида мавжуд бўлиб, у кишининг ҳар бир фаолиятида намоён бўлади ва турли муқобиллар ичидан эркин танловни амалга оширишни англатади. Танлов эркинлигидан инсонлар воз кеча олмайдилар, чунки бир нарсадан воз кечилганда бошқаси, ундан ҳам воз кечилганда эса учинчи вариант ва ҳ.к. ни танлайдилар. Шу маънода «инсон альтернативаларни танлашдан ташқарида бўла олмайди», дейди рус инсоншунос олими А.Г.Мысливченко²¹. Бу борада яна бир рус олими Д.Лукач ҳам инсонни «танловчи мавжудот» сифатида таърифлайди²². Инсоннинг маънавий эркинликка эришиши, ҳаётий мўлжал ва мақсадларни эркин танлаши эса **кишидаги инсонийлик сифатларини шакллантиришда** муҳим аҳамият касб этади. Яъни ўз эркинлигининг мазмун-моҳияти, унинг намоён бўлиш ва кўлланиш хусусиятларини тўла англаб етган шахс бошқа инсонларнинг ҳам эркинлигини ҳурмат қилишни, уларни чекламаслик кераклигини тушунади, ўз эркинлигининг бошқалар эркинлиги чегарасигача эканлигига амал қилади.

Шу ўринда “мақсаднинг қўйилиши” ва “эркинлик” муносабатларига қисқача тўхталиш лозим, деб ўйлаймиз. Бир қатор ҳуқуқ ва эркинликларга эга мавжудот сифатида инсоннинг асосий хусусиятларидан бири – ўз олдига бир неча мақсадларни қўйиш, улардан муносибини танлаш ва имконият, қобилият ва лаёқатига қараб, уни амалга ошириши ҳисобланади. Бу – инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқловчи хусусиятлари тизимида ўзига хос ўринга эгадир. Мақсад ўзида инсон фаолияти йўналишининг натижасига эришишнинг аввало, онгдаги ишланмасини акс эттиради. Шу сабабли мақсадни инсон фаолиятининг ички мотивидир, дейиш мумкин. У онгнинг фаол жиҳатини ифодалаб, инсон фаолияти (амалиёт) ички қонуниятларининг услуги ва характерини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Киши англаб олган мақсадларига эришиш йўлида ўзининг ирода-ихтиёрини бўйсундира боради. Келажак эса ҳамиша мақсадга боғлиқ бўлади. Аммо ҳар қандай фикр қилинган келажак ҳақидаги хаёл (идеал) ни мақсад деб бўлмайди. Келажакка дахлдор истакнинг мақсад ҳисобланиши учун, биринчидан, инсон имкониятларининг хоҳиш ва мўлжалларига мувофиқлиги; иккинчидан, субъектнинг фаол ҳаракатлари орқали амалга оширилиши лозимлиги талаб этилади.

Ўз олдига мақсад қўйиш кўпроқ онгли жараён бўлиб, бунда инсон ташқи омиллар таъсирида бўлишига қарамай, эркин ва мустақил равишда субъектив мўлжалларни қўяди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, мақсадларни қўйиш ва танлаш субъектнинг имконият, қобилият, лаёқатларига мувофиқ бўлиш билан бирга объектив оламнинг реал қонуниятларига зид бўлмаслигини ҳам тақозо этади. Яъни мақсадни эркин рўёбга чиқаришда диалектик қонуниятларга эътибор бериш унинг таъминланишини янада кафолатлайди.

²¹ Мысливченко А.Г. Феномен внутренней свободы. / О человеческом и человеке. Под общ. ред. И.Т.Фролова. – М., Политиздат, 1991. 207-б.

²² Ўша манба. 207-208-б.

Бир қарашда, мазкур принцип эркинликни чегаралаб қўйишини англандек туюлиши мумкин. Аммо ҳаёт диалектик тарзда ташиқил этилганлигини назарда тутсак, гарбий Европа эркинлик кўчиларининг «эркинлик бошқа кимсанинг эркинлиги чегарасигача» дейовчи тамойилни тушунишимиз қийин бўлмайди.

Инсон эркинлиги масаласи фалсафада бутун ижтимоий-сиёсий тарих давомида инсоният ва инсон шахси ҳаётининг ўткир муаммоларидан бўлиб келди. Чунки эркинлик ижодий яратувчи, фаол, ўз олдига қўйган мақсади сари ҳаракат қилувчи инсоннинг эҳтиёжи бўлиб, унинг табиати билан боғлиқдир. Эркинлик ҳар бир кишини муҳокама ва мунозарага чорлайдиган муаммолар сирасига киради. К.Яперснинг ёзишича, бугунги кунда турли зиддиятли ҳолатларда муайян умумийлик мавжуд. Барча халқлар, инсонлар, сиёсий тузум вакиллари яқдиллик билан эркинлик ҳақида гапирадилар. Аммо эркинликнинг ўзи нима ва уни қандай қилиб рўёбга чиқариш мумкин, деган саволларга жавоб беришга келганда, қарама-қарши ва зид қарашлар ажрала бошлайди. Шунинг учун ҳам, К.Ясперс фикрича, инсонлараро зиддият ва қарама-қаршиликлар сабабини тушуниш ва уни ҳал этишда эркинликнинг инсонлар томонидан тушунилиш даражаси билан бевосита боғлиқ ҳолда изохлаш даркор²³. Унингча, бир киши учун эркинликни рўёбга чиқаришнинг маъқул йўли иккинчи бир киши учун мутлақо қарама-қарши бўлиши мумкин. Зеро, кишиларнинг интилишлари асосида уларнинг эркинликка интилиши ётади. Ҳатто ҳаётда ўз озодлигидан ихтиёрий воз кечиб, қул бўлишни эркин танлаш ҳам унинг (эркинликнинг) энг олий мақоми сифатида тасаввур этилиши кузатилади.

Инсон ҳаёти ғоят мураккаб алоқадорликлар ва ўзаро тақозоликлар орқали кечиши, муносабатлари ғоят хилма-хил соҳаларда намоён бўлиши туфайли унинг эркинлиги ҳам кўп қирралидир. Бу борадаги турфа қарашларнинг сабаби ҳам шунда.

Масалан, эркинлик тушунчасини қуйидаги икки маънода кўп қўлланилади:

- эркинлик – бу индивиднинг ўз ҳаётий мақсадларини ўзи белгилаш ва ҳар бир фаолияти натижаларига ўз шахсий масъулиятини ҳис этиши;
- эркинлик – жамият (ёки муайян ижтимоий гуруҳ) томонидан қўйилган умумий мақсадлар йўналишида ташаббускорлик ва тадбиркорлик билан ижодий ҳаракат қилиш имкониятидир.

Биринчи кўринишдаги эркинликни индивидуал ва иккинчисини коллектив эркинлик деб ҳам аташ мумкин. Эркинликнинг турли хилдаги бошқа барча талқинлари мана шу икки қутбли тушуниш орасида бўлади. Эркинликнинг индивидуалистик тушунилиши асосан очик, индивидуалистик муносабатлар устуворлигига асосланган жамиятларда кўринса, унинг коллективистик тушунилиши ёпиқ, ўзаро муносабатларда умумнинг бирламчилиги характерли бўлган жамиятларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам индивидуалистик эркинлик нуқтаи назаридан, коллективистик

²³ Ясперс К. Истоки истории и его цель. Вып. 1. – М., 1991. 22-23-б.

маънодаги эркинликни «эркинлик эмас» деб эътироф этиш, ўз навбатида, коллектив эркинлик нуқтаи назаридан индивидуалистик эркинликни «бефойда», «формал» ва ҳатто, «репрессив-ахлоқсиз» деб тушунилишига ажабланиш керак эмас.

Инсон эркинлигининг субъектив-ахлоқий жиҳатларини тадқиқ этиш замонавий фалсафий фанларнинг муҳим ва долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Бу муаммо бошқа кўплаб: ижод эркинлиги, тарбия, таълим, ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини ўзи такомиллаштириш, шахс ва жамият манфаатларининг ўзаро нисбати, инсон ҳаётининг ички ва ташқи жиҳатларининг диалектикаси каби **назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.**

Индивиднинг шахс даражасига эришиши ҳам унинг ўз эркинлигини қанчалик чуқур тушунгани билан боғлиқ. Шунингдек, ҳар қандай хатти-ҳаракатида бирор танловни амалга ошириш ёки қарор қабул қилишидан олдин, киши тегишли объектив воқеликнинг қонуниятлари мажмуини назарий жиҳатдан ўзлаштирмоғи лозим бўлади. Бу борада эркинликнинг «англаб олинган заруратлиги» формуласи инсон томонидан танланган ҳар қандай эркинликнинг моҳиятини тушунишда етарли ҳисобланади.

Инсон эркинлиги унинг масъулияти билан бевосита алоқадордир. Эркинлик ва масъулият – бир бутун онгли инсон фаолиятининг икки томонидир²⁴. Бу борада рус файласуфи Н.Бердяевнинг фикрича, фақат масъулиятли кишигина – эркиндир, ва айни пайтда, фақат эркин кишигина – масъулиятли инсон ҳисобланади²⁵. Илмий-фалсафий дунёқарашга кўра, эркинликни ҳам, масъулиятни ҳам ўзаро таъсир ва ўзаро алоқадорликка асосланган объектив оламсиз тиниқ тасаввур қилиб бўлмайди. Объектив заруриятга асосланиб эркин фаолият кўрсатаётган инсонга бир вақтнинг ўзида, унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати учун жамият олдидаги масъулият туйғусини шакллантириш мумкин. Масъулият ўз навбатида, ижтимоий онгнинг ривожланганлик даражаси, ижтимоий муносабатлар ҳолати, жамиятда фаолият кўрсатаётган ижтимоий институтлар, жамоат ташкилотларининг фаолияти билан боғлиқдир. Худди шунинг учун ҳам, мамлакатимизда инсонпарвар демократик жамият қурилаётган ҳозирги шароитда инсон эркинлиги ва масъулиятини уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақиллигимиз қомуси бўлмиш Конституциянинг бош ғояси, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва якуний мақсадидир. Таъкидлаш лозимки, Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятига халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида кириши билан бу борадаги вазифалар дунё амалиёти ва назариясини инобатга олган ҳолда ҳал қилинмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда янги давр бошланди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги кунда жамиятимизни

²⁴ Косолапов Р.Н., Марков В.С. Свобода и ответственность. – М., 1969. 72-б.

²⁵ Бердяев Н.А. Демократия и личность / Судьба России: опыты по психологии войны и национальности. – М., Мысль, 1990. 196-б.

демократлаштириш борасида ҳаётга жорий этилаётган ишларимизга, уларнинг амалий аҳамиятига сўз ва ахборот эркинлиги, ҳар қайси фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлигини сўзда эмас, амалда қандай таъминланаётганига қараб баҳо берилади»²⁶.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қанчалик кафолатланганлиги ва бу кафолатни таъминловчи махсус ҳуқуқий негизнинг мавжудлиги ҳар бир демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси ва бу давлатнинг демократик тараққиёти даражасини ва сифатини белгиловчи муҳим мезондир.

Бугунга келиб Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш борасида муҳим ва туб ўзгаришлар юз бермоқда, давлатимиз миқёсида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ягона дастур яратилган бўлиб, унда Республикамиздаги барча миллатлар, халқлар, инсонлар тенглиги, дўстлиги соҳасида давлат ва барча демократик ташкилотларнинг фаровонлик учун биргаликда ҳаракат қилиши зарурлиги ўзининг чуқур ифодасини топган.

Ўзбекистон фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали кафолатловчи БМТ томонидан қабул қилинган қирқдан ортиқ халқаро-ҳуқуқий битим ва ҳужжатларга қўшилган²⁷. Кейинги йилларда жаҳондаги кўплаб илғор мамлакатлар сингари мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи миллий институтлар ва махсус марказ ташкил топди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)²⁸, Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти шулар жумласидандир. Юқорида кўрсатилган миллий институтларни бизнингча инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи институтлар деб ҳам номлаш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) тўғрисидаги қонунга биноан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлардан фарқли ўларок, фақат инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва уларни ҳуқуқларини такомиллаштириш соҳасида иш олиб боради. Зарур ҳолларда эса, Омбудсман тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўйича текширув олиб бориши мумкин.

Давлатимизда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва улар бузилган ҳолларда тикланиш тизими мавжуддир, бу тизим фаолияти фуқароларнинг қонунларга қатъий амал қилишлари, уларнинг жамият ва давлат олдидаги ижтимоий ва юридик маъсулиятини англаб етишлари, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, чинакам демократизм, қонунийлик, инсон шахс ҳуқуқларини Конституция ва қонун билан қатъий ва ишончли муҳофазаланганлиги, қонунда таъқиқланмаган барча

²⁶ И. Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. // Халқ сўзи. 2003 йил. 25 апрель.

²⁷ Қаранг: Рашидова С. Надёжные гарантии. Народное слово, 1998, 10 апрель.

²⁸ Қаранг: Дин Готтер. Омбудсман тўғрисида тўларок. // Инсон ва қонун, 1997 йил, 15 апрель, 2-б.

харакатларнинг содир этилишига рухсат берилганлиги ва айбсизлик презумпцияси тамойилларига таянади. Бу тизимни юқорида кўрсатилган институтлар, адвокатура ва инсон ҳуқуқлари бўйича махсус миллий институтлар ташкил этади.

Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқларидан ҳам муҳимроқ, айти пайтда мураккаб муаммони топиш қийин. Инсон ҳуқуқлари олий ва асосий қадрият, ҳуқуқнинг умумий мезони сифатида давлатга унинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд фаолиятида муайян мажбуриятлар юкловчи омил вазифасини бажармоқда. Инсон ҳуқуқлари ҳар қандай замонавий жамиятда шахснинг ҳуқуқий статусини тартибга солишга, унга таъсир кўрсатиш усуллари ва чораларини, фуқароларнинг сиёсий иродасини билдириши жараёнида иштирок этиш имкониятини белгилашга, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоялаш ва амалга оширишнинг юридик кафолатларини ўрганишга кўмаклашувчи энг муҳим конституциявий институтдир.

«Инсон ҳуқуқлари» - айти бир пайтда аниқ ва зарурий, барча дунё халқларининг интилишлари ва орзуларига мос келувчи категория. Инсон ҳуқуқлари замонамизнинг долзарб талабидир. Инсон ҳуқуқларини қонун билан ҳимоя қилиш ва амалга ошириш – жамият демократиклигининг ва маданиятлигининг муҳим ва бирламчи кўрсаткичидир. Инсоннинг эълон қилинган ҳуқуқлари унинг юқори даражаси ва уларга оғишмай риоя этиш ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси бўлмоғи керак.

XX асрнинг иккинчи ярмида инсоннинг ажралмас ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш муаммоси глобал хусусият касб этди ва айниқса сўнгги пайтларда энг ўткир ва долзарб муаммолардан бирига айланди. Шунга мувофиқ инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ илмий масалалар сиёсатшунослик фани турли соҳаларида ўрганилмоқда.

Бугунги кундаги қарашларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда инсоннинг ажралмас ҳуқуқлари билан боғлиқ меъёрлар Ғарб дунёси ва бошқа халқларнинг маданий қадриятлари ва меъёрларини синтез қилиш, ҳозирги замон дунёсидаги турфа маданиятлар ўртасидаги фарқларни англаш орқали қайта кўриб чиқишга интилиш кўзга ташланади²⁹.

Масалан, Адманта Полис ва Питер Швабларнинг фикрича, ҳозирда амал қилаётган инсон ҳуқуқлари меъёрлари мажмуасида ғарбона индивидуализмга кўпроқ эътибор қаратилган ва айти пайтда бошқа кўпчилик маданиятларнинг қадриятлари тизимида муҳим ўрин тутган жамоавийлик тамойили етарли даражада ўз ифодасини топмаган. А.Поллис ҳозирги замон “универсализми жамоавийликни эътибордан қочираётгани” ва “миллий манфаатнинг индивидуал эркинликлардан устувор бўлиши ва уларни ўз доирасига олиш”³⁰ имкониятларини унутаетгани ҳақида гапиради. Унинг фикрича, Ғарбдан ташқари маданиятларда “шахсий автономия доираси”нинг ўз чегаралари белгиланган ва “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги Халқаро Билль қайта

²⁹ Қаранг: Мусиенко Т.В. Современные глобальные процессы: микрополитический анализ.СПб.: «Наука», 2004. стр. 290-295.

³⁰ Human Rights: New Perspectives, New Realities/ Ed. By Admantia Pollis and Peter Schwab/ Boulder, CO? 2000/ P. 18,16.

ишланиш жараёнида бу ҳисобга олиниши керак.

Инсон ҳуқуқлари меъёрларини белгилашда ҳуқуқнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатлари тобора кўпроқ ўрин эгаллаб бормоқда. Инсон ҳуқуқлари мазмуни доирасига “талаб” ва “мажбурият” тушунчалари киритилмоқда. Бу тушунчаларнинг концептуал алоқадорлиги инсон ҳуқуқларининг бош таркибий асосларини аниқроқ идрок этилаётганидан далолат беради. Маънавий тамойил инсон ҳуқуқларининг асосини ташкил этиб, у инсоннинг мустақил танлаган мақсадига эришиш йўлидаги фаолиятида эркинлик ва фаровонликка бўлган тенг ҳуқуқини белгилайди. Шу маънода инсон ҳуқуқлари нафақат юридик, балки маънавий-ахлоқий меъёрлар сифатида намоён бўлади.³¹

Глобал ҳамжамият миқёсида ажралмас инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эса, ўз навбатида, жаҳон ҳамжамияти талабларини тан оладиган ва ижро этадиган одамларнинг ишончини қозониш ва ижтимоий яқдиллигини таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради. Глобал мулоқот жараёнида субъектлар хатти-ҳаракатини тартибга солиш муаммосини ҳал этиш ҳаётий заруратга айланмоқдаки, бу маънавий-ахлоқий анъаналарнинг ҳамда инсон ҳуқуқларини уларнинг таркибий қисмлари бўлмиш ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ажралмас бирлиги сифатида тўғри идрок этишнинг аҳамиятини оширади.

Бугунги кунда маънавий-ахлоқий меъёр ва анъаналар ҳамда мажбуриятлар инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида “инсон ва жамият” тизимидаги глобал муаммоларни ечишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилмоқда. “Инсон ва жамият” тизими билан ижтимоий барқарорликни, турли маданиятларни ривожлантириш ва уларнинг ўзаро алоқаларини таъминлаш каби масалалар чамбарчас боғлиқ.

Бу масалаларнинг ечими кўп жиҳатдан ижтимоий адолатни қарор топтириш муаммоси билан боғланган. Хусусан, сўнгги пайтларда миллий-этник кўринишидаги зиддият ва тўқнашувларнинг вужудга келиши хавфи ошиб бормоқда. Айрим олим ва сиёсатшуносларнинг келажакда Ғарб ва Шарқ тамаддунлари ёки Насроний ва Ислом дунёлари ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиши ҳақидаги тахминлари, жумладан, С.Хантингтоннинг кенг акс-садо уйғотган, XXI аср турли маданиятлар ўртасидаги тамаддунлар тўқнашуви асри бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари ана шу вазиятни таҳлил этиш асносида пайдо бўлган³².

Жаҳон олимлари томонидан бу борада изланишлар олиб борилмоқда ва турли фикрлар билдирилмоқда. Хусусан, Жон Томаси фикрича, бугунги кунда либерал ҳокимиятнинг сиёсий тизимлари барқарорлиги ҳукумат томонидан ижтимоий муносабатларда демократик адолат тамойилларининг

³¹ Қаранг: Уолтерс Г.Дж. Права человека в информационную эру.// Глобалистика: Энциклопедия. М., 2003. стр. 832-833.

³² Бу ҳақда яна қаранг: Толстых В. Глобальные вызовы и поиски ответа: социокультурный аспект // Грани глобализации: трудные вопросы современного развития. М., 2003. стр. 388-389

қарор топишини қай даражада таъминлашига боғлиқ.³³ Бунда жамият аъзолари ўз турмуш тарзи ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурларига таяниб яшаш ҳуқуқига эга бўлиб, бир пайтнинг ўзида бир-бирига ўзи танлаган ҳаёт тарзини куч ишлатиш йўли билан мажбуран қабул қилдириш ҳуқуқига эга бўлмайди. Шу маънода ахлоқий либерализм асосини шахс маънавияти концепцияси ташкил этади. Ўз моҳиятига кўра бу микросиёсий концепция бўлиб, унда марказий ўринни ҳокимият институтлари эмас, шахснинг ўзи эгаллайди.

Либерал қонунлаштириш либерал ижтимоий адолат тамойилларини қабул қилган фуқароларнинг сиёсий қарашларига таянади, аммо шахснинг аслида бу муаммога бўлган муносабатларнинг анча мураккаб табиати эътиборсиз қолдирилади. Бироқ “глобал дунё ривожини амалда фуқароларнинг сиёсий тасаввур ва афзал кўрган қарашларини ҳисобга олган сиёсий амалиёт ўз ҳолича етарли эмаслигини кўрсатмоқда ва бу йўналишдаги давлат сиёсати алоҳида олинган шахс ёки муайян ижтимоий-сиёсий, диний, этник ва бошқа гуруҳлар томонидан тўғри қабул қилинишига кафолат бера олмайди”.³⁴

Албатта, ижтимоий адолат борасидаги либерал назарияларнинг асосланганлиги даражасига ва амалда тадбиқ этиш мумкинлигига танқидий муносабат билдириш мумкин. Аммо қайд этиш лозимки, замон руҳига мувофиқ муаммони ҳал этишда янгича ёндошувларнинг пайдо бўлиши диққатга сазовор. Зеро бундай изланишлар инсон ва жамият ҳаётининг сиёсий ва ижтимоий-маданий соҳаларидаги глобаллашув жараёнлари келтириб чиқараётган таҳдидларга муносиб жавоб топиш, уларнинг таъсирини камайтириш ва дунёдаги барқарорликни сақлаш имкониятини оширади.

Ҳозирги замондаги инсон ҳуқуқ ва мажбуриятлари масаласида глобал ва хусусий талаблар ўртасидаги зиддиятни олдини олиш масалалари кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб, уларни либерал-маданий ва институционал-норматив ёндошув тарафдорларидан иборат икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга кирувчилар зиддиятларнинг, хусусан, миллатчилик шаклида намоён бўлаётган зиддиятнинг асосини миллий маданиятда ва у билан боғлиқ миллий ўзига хосликни сақлашга интилишда кўрсалар, иккинчи гуруҳ вакиллари миллий ўзига хосликнинг тамал тошини ташкил этувчи маънавий-ахлоқий меъёрларни институционал даражада расмийлаштиришдаги ўзига хосликда кўрадилар. Иккинчи ёндошувга Маргарет Моор илгари сурган миллатчиликнинг норматив назарияси мисол бўла олади ва унинг талқинида миллатчилик -“миллатга тегишлиликнинг маънавий аҳамиятини ифодаловчи, унинг ўтмиши ва келажакда мавжуд бўлишига хизмат қилувчи норматив ўзак, миллатни глобал дунёнинг ўзига хос қисмини ташкил этувчи асос”³⁵ дир. М.Моор миллий ўзига хосликнинг

³³ Қаранг: Tomasi J. Liberalism Beyond Justen: Citizen, Society and the Boundaries of Political Theory. Princeton, 2001

³⁴ Мусиенко Т.В. Современные глобальные процессы: микрополитический анализ. СПб.: «Наука», 2004. стр.298.

³⁵ Moore M. The Ethnics of Nationalism. Oxford, 2001. P. 5.

институционал даражада тан олинишини зарур деб билади.

Маданий ранг-баранглик ғоясига либерал ёндошув мультимаданий демократия концепциясида ўз аксини топган. Масалан, Чарльз Тейлор либерал демократик тизимлар фуқароларнинг маданий ўзига хослиги нуктаи назаридан ранг-баранглашиб бораётганини қайд этади. Бундай шароитда сиёсий тизимнинг қонунийлиги ва яшовчанлиги муайян даражада жамиятнинг бирлиги ва яхлитлигини таъминлаш муаммосини ҳал этилишига боғлиқ. Унинг тўғри таъкидлашича, бундай яхлит фундаментал асоси бўлмаган жамиятда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги демократик иштирокини ҳам, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини ҳам таъминлаб бўлмайди. Зеро, Президент И.Каримов қайд этганидек: “Ҳозирги замоннинг ҳал қилиниши мушкул бўлган муаммоларидан бири ҳам айнан шу масалага бориб тақалади. Жаҳонда яшаётган этносларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмас. Дунё сиёсий харитасида атиги икки юзга яқин давлат борлиги ҳам бунинг далилидир”³⁶. Мазкур муаммони ҳал этилиши учун демократик ҳокимият фуқароларни умумий мақсад атрофида бирлаштириш сиёсатини олиб бориши ва бир пайтнинг ўзида маданиятлар ранг-баранглигининг муқаррарлигини тан олиши зарур.

Ҳозирги кунда мультимаданий ёндошув тарафдорлари сони ортиб бормоқда. Улар қаторида жаҳон сиёсатшунослиги илмида танилган Б.Парек, Ч.Кукутас, Уил Кимлик, Ч.Тейлор, Ж.Талли, А.Янг каби турли мамлакат олимларини тилга олиш мумкин. Мультимаданий ижтимоий тизимлар фаолиятининг самарадорлиги, рус олими Т.В.Мусиенконинг фикрича, куйидаги асосий муаммоларни тўғри ҳал этилишига боғлиқ: биринчиси - адолат масаласига оид бўлиб, унинг моҳиятини либерал жамиятлар озчиликни ташкил этган маданий гуруҳлар талабларини мувофиқлаштириш мақсадида сиёсат фуқароларнинг тенгҳуқуқлилиги борасидаги либерал меъёрлардан оғиши мумкинлиги даражасини тўғри белгилаш; иккинчиси – жамиятнинг тотувлиги ва бирлиги масаласи бўлиб, унга мувофиқ турли маданиятларга бўлган ҳурмат тамойили амал қиладиган даражани ҳамда жамиятнинг сиёсий бирлигини сақлаш мақсадида уни чегаралаш меъёрини аниқлаш³⁷.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб мазкур муаммони ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилди. Турли миллат ва элатларга мансуб мамлакат фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланди, миллатлараро тенглик ва ўзаро ҳамкорлик ҳаётий-амалий сифат касб этди, Ўзбекистон фуқароларини, уларнинг миллати ва эътиқодидан қатъий назар, ягона мақсад атрофида жипслаштиришга қаратилган миллий ғоя шакллантирилди.

Хуллас, ҳозирги глобаллашув жараёнлари таъсирида замондаги ижтимоий-маданий ҳолат миллий маданият, анъана ва қадриятларни сақлаган

³⁶ И.Каримов. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.:Ўзбекистон, 1997. 69-б.

³⁷ Мусиенко Т.В. Современные глобальные процессы: микрополитический анализ. СПб.: «Наука», 2004. стр.310.

холда жаҳон ҳамжамияти ривожининг янги типдаги маънавий асосларини яратишни талаб қилмоқда. Бунда универсал умуминсоний маънавий кадриятлар тизимини миллий кадриятлар билан уйғунлаштириш бениҳоя муҳим аҳамият касб этади.

Назорат саволлар:

1. Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий, маданий сиёсатида инсон муаммоси.
2. Мустақиллик йилларида шу соҳаларда эришилган ютуқлар.
3. Инсон эрки ва ҳуқуқлари.
4. Инсон ҳуқуқларининг Умумжаҳон декларацияси.
5. Инсон ва демократия.

Асосий адабиётлар

1. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 60 б.
2. Абу Наср Форобий. Талхису навомисуи Афлотун / Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент, А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. - 226 б.
3. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2016. - 732 б.
4. Арасту. Ахлоқи кабир. М.Маҳмуд таржимаси. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 317 б.
5. Бердяев Н.А. О назначении человека. – Москва: АСТ, ХРАНИТЕЛЬ, 2007. - 668 с.
6. Беляев В.А. Проективная антропология. Изд.стереотип. Издательство ЛКИ 2016. 288с.
7. Губогло М.Н. Антропология доверия. Этносоциологические и этнополитические очерки Пер. с англ. А. Дунаев Москва Издательский дом ЯСК 2016. 544с.
8. Гуревич П.С., Спирина Э.М. Размежевания и тенденции современной философской антропологии. М. Институт философии РАН 2015. 168 с.
9. Кант И. Антропология с прагматической точки зрения. Пер. с нем. Серия:Из наследия мировой философской мысли: история философии Изд.4 ЛЕНАНД 2017. 200с.
- 10.Корольков А. А., Преображенская К. В., Романенко И. Б. Педагогическая антропология в зеркале философии. Алетейя 2017. 176с.
- 11.Моторина Л.Е. Философская антропология. Gaudeamus. М. Академический проект. 2009. 272с.
- 12.Рикер П. Философская антропология. Рукописи и выступления Издательство гуманитарной литературы 2017. 312с.

13. Степин В.С. Философская антропология и философия культуры: Избранное. (Философские технологии: Избранные философские труды) М Академический Проект, Альма Матер 2015. 542 с
14. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. –Тошкент, Университет, 1998.
15. Туленова Г. Маънавий етукликдан ижтимоий фаоллик сари. – Тошкент: Aloqachi, 2008. – 179 б.
16. Чориев А. Инсон фалсафаси. 1-китоб. -Т.: Маънавият, 1998.-152 б.
17. Холбеков А. Ижтимоий адолат ва демократик барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Янги аср авлоди, 2004.-120 б.
18. Хўжамуродав И. Ислом ва миллий ўзликни англаш. -Т.: Билим, 1992.-287 б.

Қўшимча адабиётлар

1. Алишер Навоий Махбуб ул-қулуб.-Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.-262 б.
2. Алишер Навоий. Хайратул аброр.- Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.-352 б.
3. Бахронов Ж. Шахс миллий ўзлигини англаши қонунлари.- Самарқанд, 1995.-88 б.
4. Бехбудий Махмудхўжа. Танланган асарлар.-Т.: Маънавият, 1999.-387 б.
5. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети.-Т.: Янги аср авлоди, 2004.- 36 б.
6. Фалсафа асослари. Назаров Қ. таҳрири астида.-Т.: Шарқ, 2005.-249 б.
7. Фалсафа қомусий луғат. Назаров Қ. таҳрири астида.-Т.: Шарқ, 2004.-496 б.
8. Фитрат Абдурауф. Раҳбари нажот.-Т.: Шарқ, 2001-176 б.
